

ХУНАР ДАРГОҲИДА



А. КУДРЯШОВ суратлари.

Хунар ўрган, хунарда кўп сир, Елик эшикларни очар бирма-бир!

Ўзбекистон ноҳиясидаги билим масканлари ҳақида гап кетганда кўпчилик 18-хунар-техника билим юртини фахр билан тилга олади. Биз ҳам у ерда бўлганда бу хурматни бежиз эмаслигига иқрор бўлдик. Шунинг учун бу ерга билим олишга, касб-хунар эгаллашга меҳр қўйиб келган ёшларга яратилган шароитдан барча мамнун экан.

Билим юрти 1974 йилда очилган эди. Ўтган ўн олти йил ичида уни 5.500 дан

ортиқ йигит-қиз битиришиб, турли касб усталари бўлдилар ва шу ердан ҳаётга илк йўлланма олдилар. Бу ерга келган ёшлар қурувчилик (жумладан, гишт терувчи, монтажчи, сувоқчи, бўёқчи), наққошлик, шофёрлик ва бичиш-тиқиш устаси каби касб-хунарларнинг соҳиби бўлишади.

Билим масканидаги 31 муаллимнинг ҳаммаси олий маълумотли педагоглардир. Уқитувчилардан М. Қосимова, Н. Алматов, Р. Худойбердиев, К. Аҳмедов, Э. Мадолимовларни барча ҳам тажрибали устоз, ҳам актив жамоатчи сифатида тилга олишади. В. Исоқназаров, М. Жўраев, И. Мамадалиев, У. Му-

саева, М. Рашидов сингари моҳир ишлаб чиқариш усталари тадбиркор тарбиячилар ҳамдир.

Ҳозир бу ерда 780 ўқувчи касб-хунар сирларини ўрганмоқда. Талабаларнинг турли фанлар бўйича назарий билим олишлари учун 27 ўқув хонаси ва амалий малакаларини оширишлари учун 12 устахона мавжуд. Устахоналар ёшларнинг замон талаби асосида хунар сирларини ўрганишлари учун зарур асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, кўргазмалар ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Барча ўқув хоналари эса ўқитишнинг техник воситаларига эга. Икки йил олдин билим юртига 15 дона ЭХМ

келтирилган эди. Шундан буён ўқувчилар замонавий ЭХМ тилини ҳам қўл билан ўрганишмоқда.

Бу ерда қўшни Киров, Ленинград, Фрунзе ноҳияларидан ҳам ёшлар келиб ўқишади. Натижада билим юрти ушбу ноҳияларнинг турли ташкилотларига ҳам малакали ишчи ва хунар эгалари етказиб бермоқда.

Бу ерда таҳсил олаётган ҳар бир ёшнинг ўз орзу-ўйлари бор. 25-группанинг аълочи ўқувчиси Дилором Содикова ва унинг дугоналари тикувчи-бичувчилик сирларини ўрганиб халқимизга чиройли кийимлар етказиб беришни орзу қилишса, 38-группа аълочиси Мавлуда Аъзамхонова эса ўз дугоналарини қўллаб-қувватлаб, келажакда бичувчи-инженер даражасигача билим олишга аҳд қилган.

18-группа талабаси Ижодбек Мўйдинов, 20-группадан Муҳаммадохун Отабоев, 34-группадан Равшан Одилбеков ва Тоҳиржон Раҳмоновлар эса моҳир наққош бўлиб, аҳолини кенг, ёруғ ҳамда шарқона таъмирланган қўлай уй-жойлар билан таъминлашни ўйлаб юришади. Айниқса, улар ота-боболаримиз яратган тарихий обидаларни асли ҳолига қайтариш ишига ўз улушларини қўшишни исташади.

Билим юрти ҳаёти билан танишган киши бу ердаги жамоани, талабаларнинг орзу-умидларини амалга оширишда уларга мадад бериш учун, уларни маданиятли, тадбиркор, ишбилармон, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган касб-хунарли кишилар бўлиб етишишларига ҳамкорликда ҳаракат қилаётганларига гувоҳ бўлади. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ишлари учун 17 тўгарак ва 7 спорт секцияси ишлаб турибди. Бадий ҳаваскорлик, драма ва дуторчи қизлар дасталари ҳам шулар жумласидандир. Усмирларнинг жисмоний чинқишлари учун яхши жиҳозланган спорт зали, сузиш ҳавзаси, футбол, волейбол, теннис, бокс майдончалари мавжуд.

Хунар даргоҳининг 400 ўринга мўлжалланган ётоқхонаси бор. Талабаларнинг иккинчи уйи ҳисобланган бу ерда дам олиш хонаси, дарсхона, кутубхона, хуллас, ўқиш-ўрганиш учун барча шароит яратилган. Барча қаватлардаги дам олиш хоналарида рангли телевизор ишлаб турибди. Теннис ва бильярд хоналари мавжуд. Кутубхона 26 мингдан зиёд китоб фондига, 710 китобхонага эга. Клубда эса ҳафтасига уч кун кино кўрсатилади, қолган кунларда бадий ҳаваскорларнинг чиқиши, ўқувчиларнинг ижоди билан танишиш, дискотекада ҳордиқ чиқариш мумкин.

Ҳозирги шиддаткор давримизда йигит-қизларнинг етук мутахассис бўлишлари ва жумҳуриятимиз иқтисодий равнақини кўтаришлари учун энг аввало тадбиркор ёшлар тарбиялашга катта аҳамият бериш, бу ишга астойдил ёндошиш кераклиги аён бўлиб қолди. Бунга 18-хунар-техника билим юртининг ахил жамоаси ҳам астойдил бел боғлашган десак хато бўлмас. Биз у ерда бўлганимизда шундай хулосага келдик. Хунар ўрганаётган ёшларни кўриб эса:

Хунар — оқар булок,
Илм — ёнар чирок,

— деган нақлни эсладик. Ҳа, хунарни эъзозлаган ҳеч қачон хор бўлмайди. Ахир «Хунар — зар, хунарсиз — хор», деб бекорга айтилмаган-ку!

А. ҲАМДАМОВ.

Олтин қасрнинг оумос шодалари

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида улғу ижодкорнинг қаламидан оламга келган «Сабъаи сайёр» достонига етти гўзал санъат асари ишланган бўлиб, булар санъат ва адабиёт мухлисарида чексиз бадиий завқ ва шавқ уйғотиб келмоқда. Бу мафтункор санъат асарларининг мусаввири — Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофотининг лауреати, профессор Чингиз Аҳмаровдир. Мусаввир мўйқаламининг сеҳридан бунёд бўлган бу мўъжизалар — етти зарнигор қасрдаги етти ҳур сиймосидир. Мен шу гўзал сиймоларни етти олтин қасрнинг оумос шодалари, деб атадим.

Авалло «Сабъаи сайёр» достони ҳақида икки оғиз. Маълумки, беш мустақил достондан иборат бўлган «Хамса»нинг тўртинчи китоби «Сабъаи сайёр». Алишер Навоийнинг таъкидлашча, шу манзума ўн минг мисрадан иборат бўлиб, жуда қисқа вақт ичида атиги тўрт ой мобайнида ёзиб тугалланган.

«Сабъаи сайёр» достони йирик фалсафий ўй-мушоҳадаларни ўзида акс эттиради. Шоирнинг эътирофича, бу етти қасрдек қаср ҳали дунёга келмаган. Зеро, шоир бу обод кишварни бунёд этар экан, етти қаср ичига етти мафтункор гўзални ҳам киритади. Шоҳ Баҳром эса, ҳар кеча бу қасрларнинг бирида сайр қилиб, ўзини овунтирар эди. Кечанинг қоронғулиги ёруғ тонг билан алмашганда, унинг уйқуси келар эди. Шоҳни ухлатиш учун кечаси билан бир мусофир афсона айтиб чиқар эди. Достондаги ҳикоялар етти мусофир оғзидан ёзилган бўлиб, уларнинг барчаси сайр-саёҳатда — жаҳонгашта одамлар эди. Ҳозирги кунда мухлисларга яхши таниш бўлган «Фарруҳ ва Ахий», «Зайд», «Саъд», «Маъсуд», «Жобир, Сухайл ва Меҳр», «Муқбил ва Мудбир» ҳамда «Дилоромнинг кейинги тақдири» ҳақидаги ривоятлар шу достоннинг асосини ташкил этади. Энди етти ҳурнинг биринчиси ҳақида.

Шанба кун Баҳром қора қасрда қора кўз Оҳу билан қора кунни тунга улаб ўтказади:

*Дуъбати ҳиндзоду чинийваи,
Лаъли жонбахшу сунбули дилкаш.
Хулласин ойдек айлабон шабгун,
Дурлар ул ҳулла узра кавкабгун.
Тахту рахтини айлабон мушкин,
Мушк уза ер тутуб ғазолан чин.*

Қора қасрда лаблари инсонга жон бағишлайдиган, сунбуллари дилрабо, Чин гўзалларига ўхшаган ҳиндзод келин бор. У ой сингари гўзал, кечадек қора либосларга бурканган бўлиб, унинг нозик-нафис кийимларига қадалган гавҳарлар худди юлдузлардек товланади. Унинг тахтиравони ва кўрпа-тўшаклари ҳам қора тусда бўлиб бу Чин ғазоли мушк устида ўтиради. Уйни бутунлай қора мушкнинг зулмат босган бўлиб, у маҳваш қоронғилик ичидаги оби ҳаётни эслатарди.

Юқоридаги тасвирларни мусаввир бор маҳоратини ишга солиб, меҳр кўрини бериб, тўлақонли яратишга эришган. Шоир тасвирлаган қаср, шу қасрдаги гўзал тасвифи, мусаввир мўйқаламида ҳам ўзининг сержило бўёқларда инъикосини топган.

Худди шу ҳолни **якшанба кун** Баҳромнинг зарнигор қасрда сариг либосли ҳур билан май ичганида кўриш мумкин:

*Жилва қилди нигори румий чехр,
Сариг олгун аро нечукким меҳр.
Жоми зар ичра бодаи асфар,
Озар ичра эди яна озар.
Ламъа ҳар сори уйдин ошқондек,
Шулъа гунбад аро тутошқондек.*

Зарнигор қасрда рум чехрли нигор, худди қуёш сингари, олтин ранг либослар ичида жилваланиб турарди. Зар жом ичидаги сап-сариг май — бода гўё олов ичидаги оловга ўхшаб жилваланарди. Уйнинг ҳар тарафидан аланга кўтарилгани каби, гумбаз гўё шуълага фарқ бўлгандек туюлади.



Менинг ўзимга ҳаммасидан ҳам кўпроқ, бир санъат ихлосманди сифатида сабза ранг либосли сарвқомат сиймосининг тасвири ёқади. Қаср кўринишидаги ва гўзал либосидаги аниқлик, асарнинг умумий тугаллиги таҳсинга лойиқ:

*Жилвагар бўлди сарви сабзоранг,
Айлабон хилъатини мино ранг.
Ўзи сабзу табассуми шакарин,
Хуш турар сабз гар эрур ширин.*

Шу шеърий парча юқорида тилга олиб ўтилган **душанба кун** Баҳромнинг яшил саройда сабза ранг либосли сарвқомат билан ҳаёт сувини ичгани ҳақидаги бобдан келтирилди. Зеро, шеърий парчадан шуни англаймизки, қасрда сабза ранг сарвқомат жилва билан кўринди. Унинг хилъати эса ҳаво ранг эди. Унинг сабзага табассуми эса, шакарга ўхшаш ширин эди. Ахир, сабза ширин экан, нега ёқимли бўлмасин?

Назаримда, сабзоранг либосли гўзалнинг худди шу кўринишидаги ёқимли сиймони мусаввир ўта нозик дид билан илғаб олган.

Сешанба кун Баҳромнинг гулнорий қасрда гул юзли гўзал билан лаъл ранг май ичгани эътиборга лойиқ бўлиб, бу қасрдаги ҳури сиймоси анча жонли яратилган:

*Сарви гулчехра қилди истиқбол,
Гул киби борча роҳати хуллас ол.
Тахти гулранг уза тутуб ором,
Жоми лаъл ичра бодаи гулфом.*

Дарҳақиқат, сарв гулчехра Баҳромнинг истиқболига чиқаркан унинг барча либослари гул каби қизил ипакликдан иборат эди. У гулранг тахтта ўтириб, лаъл ранг жомга гулфом бода куйди. У шоҳ билан гулгун май нўш қиларкан, май уларнинг чехрасини гул-гул очилтириб юборди. Қасрдаги гўзал сиймосининг тасвири ҳақида фикр билдирганда, мусаввир Чингиз Аҳмаров ижодининг бир хусусияти устида тўхтаб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса, мусаввир ижодида хотин-қиз қахрамонларнинг алоҳида ўрин эгаллашдир. Зеро, у тасвирлаётган образига доимо меҳр билан ёндошади. Шу меҳрдан юзага келган сиймо эса мухлисларга маъқул тушади. Чунки, асарни томоша қилаётиб, мусаввир-





нинг қалб ҳарорати сизнинг вужудингизга уфуриб тургандек туюлади. Билъакс, юқоридаги фикрлар гулнорий қасрдаги ҳури тасвирига ҳам таллуқлидир.

Мусаввир бешинчи гўзални яратишда унинг руҳига мос тушадиган, характер қирраларини очиб берадиган ранглардан санъаткорона истифода этган. Бу ўша чоршанба куни Баҳромнинг мовий ранг қасрда осмон тусидаги либос кийган гўзал билан суҳбат қурганида шундоққина буй кўрсатиб туради:

*Нилуфардек либослар била ой,
Бўлди хуршеддек жаҳон орой.
Ўйлаким кўз ёрутқали жовид,
Чиқти кўк атласин кийиб хуршед.*

Қасрда нилуфар ранг либослар кийган ой юзли гўзал худди хуршиддек намоён бўлар экан, кўзларни абадий ёритиш учун қуёш кўк атласини кийиб чиққандек бўлди. Худди шу ҳол мусаввир мўйқаламида маромига етказиб акс эттирилганми? Ҳа, албатта. Биз юқорида асар ру-

ҳига топилган мос ранглар устида тўхталган эдик. Бу тасвирий санъатда жуда муҳим омил саналади. Зеро, қасрдаги ой юзли зебонинг шоир томонидан чизилган тавсифида, мовий, нилуфарий, ферузагун сингари ранглар тилга олинган. Рассом шу рангларни усталик билан гўзал санам сиймоси тасвирида қўллаган. У ранглар қандай бўлар экан, дейсизми? Бунинг учун асарни томоша қилишингизни маслаҳат берардим.

Пайшанба куни Баҳромнинг сандал ҳидли гулшанда, сандал бўйли сарвқомат билан суҳбат қургандаги ҳолати ана шундай тасвир этилган:

*Жилваранг бўлди сарви сандал буй.
Сандалигун либоси тў-баргуй.
Хулла сандал насими турфа сижоф,
Сар-басар даврасида сандал боф.*

Сандал ҳидли сарвқомат дилбар қиз қатма-қат сандалгун либос билан ҳозир бўлди. Унинг сандал тусли кийимларидан теварак-атрофга ажойиб сандал ҳиди таралар эди. Ала-хусус, Чингиз Аҳмаров бу гўзалнинг сиймосини олдингилари каби жўшқин

илҳом ила худди бир нафасда, муҳаббат билан чизиб поёнига етказгандек назаримда.

Мусаввир ҳурилар туркуми устидаги ижодий жараёни тугаллар экан, еттинчи гўзални ҳам бошқаларига ўхшамаган томонларини ахтариб топади. Назаримда, бу тасвирдаги, сиймодаги жозиба бўлса ажаб эмас. Бу одина — жума куни Баҳром билан оқ қасрда суҳбат қурган оппоқ либосли гўзал сиймосида ярқ этиб намоён бўлади:

*Қилди, оламни ёрутуб нури,
Азим гунбаз саройи кофурий.
Хулла бирла ҳаририни бутти чин,
Бериб эрди бу ранг ила ойин.*

Қасрда Баҳром оқ ҳарир либосда меҳр-мунирдан пайдо бўлди. Қуёш ўз нури билан оламни ёритганидек, шоҳ кофурий (оппоқ) саройга кирди. Чин гўзали ҳам ипак либосларини оқ ранг билан безаган эди. Ундаги жозиба ва шу билан омухталашиб кетган ўткир зеҳн, ҳур сифат гўзалнинг янада латофатли кўриниш касб этишига олиб келган. Мусаввир од-

дийгина оқиш рангдан моҳирлик билан фойдаланиб, ўз олдига қўйган мақсадига эришган. Яъни, томошабин кўз олдида маҳваш бир гўзалнинг жонли сиймоси намоён бўлади.

Қисқача ҳикоя қилинган бу етти санъат асари адабиёт музейининг нодир кўргазмалари, дурдоналари ҳисобланади. Зеро, Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» дostonининг тарихи баёнида: «Айтган сўзларимнинг элулус учун марғуб — ёқимли қил, ёзганларимни эса кўнгилларга маҳбуб — севимли қил, халққа буни азиз ва зебо қил, бунга етти фалакни ёр айла, етти иқлим элини харидор ва талабгор айла» — деб умид қилган эди. Эндиликда шоирнинг бу умиди, орзуи ушаладиган замон келди. Унинг асарлари тиллардан-тиллаларга, диллардан-дилларга ўтиб мангуликка даҳлдордир. Истардимки, худди дoston янглиг, мусаввир яратган ва музейимиздан жой олган етти мўъжиза — етти гўзал ҳам адабиёт ва санъат мухлисларининг қалб тўридан мустаҳкам ўрин эгалласа.

Баҳодир ВАЛИЕВ.



50,80
10,16
5,18
1,160
1,160

107,20



Бугун Алишерларникида Наврӯз зиёфати эълон қилинган. Сумалак сўхтаси келида туюлиб, бўтанаси катта дошқозонларда қайнамоқда, қозон тепасида икки барваста келин сумалак бўтқаси тагига олмаслик учун пайваста кавлайди. Ғиёсиддин Баҳодир меҳмонлар хонасига камарбаста, Алишернинг онаси Ҳалима Бону меҳмон аёллар хонасида хизматда, Алишернинг ўзи эса, дўсти Ҳусан ва бошқа болалар билан Сумалак базми куни ижро этиладиган баҳор ашулаларини айтишга, ўйинга ошиқадилар. Зиёфатга эски саркарда, кекса Бойсунқор мирзо, унинг ўғли Жўжи, набираси Кепак мирзолар яқин қариндош сифатида келишган. Маросимга Алишернинг дўсти — Ҳусайн, унинг онаси Ферузахонбегим, Абусаид саройида энг донгдор ғўянда Шухруя хоним, бошқа созанда, ғўянда, қизиқчи аёллар ташриф буюришган.

Кун ботишига яқин меҳмонлар етишиб келишгач, уларнинг қўлларига сув куйилиб, сочиқлар тутилади, дастурхон ёзилиб, пешдастурхон устида барқаш, pista, бодом, майиз, қоқи, турли қуруқ мева, ширинликлар тортилади. Чой ичилгач, байрам тартибига кўра, болалар ўйинлари бошланади. Алишер ўртага чиқиб:

*Хуйду-хуйдў, қапа куйдў,
Чиқмани уйи куйдў.
Оқ қоғоз, кўк қоғоз,
Чиқмаганлар уйи қоғоз*

деса, Ҳусайн:

*Битта пичоғим бор занг босган,
Уйдагиларни гам босган*

деб жавоб қилади.

Болалар олдин ўйин ўйнашади, эртаёз ашуласини айтишади. Алишер «Бойчечак» ашуласини гул кўтариб:

*Бойчечаким бовнаси, бовнаси-я,
Қулоғида донаси, донасия
Донасини олай десам, ололсам,
Югуриб чиқди онаси-онаси,*

деб жар солиб айтади. Алишерга ўн бола жўр бўлади. «Бойчечак» ашуласи баҳор элчиси сифатида хосиятли ҳисобланади. Шу туфайли, меҳмон аёллар Алишерни ичкарига чақиришиб, унинг қўлидан илк баҳор гулини олишиб кўзларига суртишар, қувончли кунлар келтирсин деб уни эъзозлайдилар. Ҳофиза Шухрия хоним Алишер билан Ҳусайнга ҳалво учун чақалар берадилар. Ҳар бир маросим болаларсиз ўтмас, болалар ўйинлари ашула айтишлардан бошланар эди.

Ғўянда Шухруя Алишерга нигоҳ қилиб қани «жуфт бўлсин», дейди. Алишер «Лайлак келди»ни бошлайди:

*Лайлак келди ёз бўлди,
Қаноти қоғоз бўлди.
Бизни гални бермаган,
Наврўзжон оғоз бўлди.*

*Лайлак борди тоққа,
Қулоқларида халқа...
Халқаси тушиб қолди,
Ултирди йиғламоққа.*

Сумалак бўлаётган хонада меҳмонлар гавжум, болалар гавжум, ҳар бир киши баҳор ашуласини айтиб ўзини шод этади. Қозонда сумалак бўтанаси қайнамоқда. Икки барваста келин пайваста қозонни кавлайди, шиддатли ёнаётган олов қозонни тагига олдимаслик учун тинимсиз кавлашни талаб қилади. Сумалак қирмочига ўн икки бола, икки опанинг ёнларига ўтириб олиб, қирмоч бўлишини пойлашади. Қозон қирғоғи қизариши билан бу болалар куракчаларини солишиб, қирмоч олиб ейдилар. Улардан бири қирмоч завқидан шодланиб:

*Овлайдию, овлайди,
Қозонини кавлайди.
Қирмочи қип бўлганда,
Қошиқ солиб айледи.*

Болалар ашуласидан кейин, қизлар сочпопук ашуласини айтадилар.

*Тол кучиги бўлибди,
Тақиб олиб, ўртоқжон.
Орқа белин тўлдириб,
Осиб олинг, ўртоқжон.*

*Эртаёзи келибди,
Уйнаб қолинг, ўртоқжон.
Тўптош ўйин мавсуми,
Тошини ташланг ўртоқжон.*

Болалар, қизлар ўйинлари тугагач, хушовоз ҳофиза-Шухруяга навбат этади. Сарой ичкарисида умри хазон бўлган бу дилбар, хушовоз ашулачи ўзи севган «Тановор»ни бошлайди.

*Қора сочим қошимга тушди,
Не савдолар бошимга тушди.*

Базмга келган бошқа аёллар ҳам ўз ашула, лапарларини айтадилар. Уланлар, термалар айтилади.

Ўйин-кулги пиравордида қўшни хонада ўрта ёшлар гурунги бошланади. Кечага ташриф буюрган Товоқ билан Сотоқ номли икки аёл ўринларидан туриб, суҳбат қиёми бошлайдилар. Иккала аёл ўртага чиқиб, иштонини липпа уриб энгларини шимариб, бошга битта чинни коса қўядилар, қўлларига иккитадан ёғоч қошиқ ушлайдилар. Товоқ, «Липпоми» ашуласи айтилади деб жар солади.

*Липпоми-ю липпоми,
Чолга тегай диппоми.
Чол оберган ковушни,
Кийиб олай диппоми.*

Нақоратига ҳар икки хотин қўлидаги қошиқларни шеър адосидан сўнг, чиннига жаранглатиб икки мартадан уришади, сўз айтишади.

*Қарс-қурс, ўйнанг, қарс-қурс ўйнанг,
Қарс-қурс, ўйнанго, қарс-қурс,
ўйнанг.*

Бу лапар ўйинларида қошиқлардан қарс-қурс овозлари чиқар, косалар жаранг-журунғ отар, ҳар икки мисра такроридан кейин, раққосалар томошабинларга ишора липпаларини қимирлатиб-қимирлатиб қўяр эдилар. Мутойиба, қочирик, қийқирик тутати атрофни, ичкакузди кулги кўтарилади. Товоқ ижросидан кейин, сўз навбати Сотоққа этади. У дўгонаси сўзларини шундай янги алфозда бошлайди:

*Липпоми-ю липпоми,
Чолни хоҳлай диппоми.
Чол кўйлагин кийволиб,
Алдаб кетай диппоми.*

Нақорати:

*Қарс-қурс липпоми,
Қарс-қурс липпоми.*

Яна Сотоқ дейди:

*Липпоми-ю липпоми,
Чолни дўмлай диппоми.
Чол тоқати етмаса,
Ҳайдаворай диппоми.*

Мазкур лапарларнинг ҳар бир банди ўзига хос ҳазил-мутойиба, сўз, кафт уриш, афт буриштиришлар — чол қиёфасида изҳору ижро этилади.

Шу тахлит сумалак базми эру-хотин, бола-чақа — ҳамма-ҳамманинг шодиёнасига айланади. Базм охирида Шухруя опанинг хирғойи ашулалари тингланади, халқ ноёб ялла, ашулалари, лапар, бошқа адабий сўзлаш усуллари бўлади. Эртаёз — тенглик байрами катта йиғин — шодлик-хурсандчилик кечасига айланади. Урик-ўрикни кўриб ола бўлади деганларидек, Ҳусайннинг онаси Ферузахонбегим «Келгуси ҳафта жумъа куни бизникига Наврўзи олам байрамига марҳамат қилишларингизни сўрайман», — деб барча меҳмонларни яна базмга таклиф этади.

Наврўзи олам байрами қадимги ўзбек элат, уруғларининг энг муқаддам баҳор байрами ҳисобланади. Бу маросимни Тенглик байрами деганлар. Араб, эрон, хитой, бошқа чет эллик босқинчилар келмасдан қали уларнинг тиллари, урф-одатлари жорий бўлмасдан элатлар энг қадимги сўз, атамалар ишлатган, байрам қилганлар. Арабча «ғоят» сўзи ўрнида «жуда», «муҳим» ўрнида «тансиқ», «мутахассис» ўрнида «уста», «олим» ўрнида «билагон», форсча «гул» ўрнида «чечак», «ҳафта» ўрнида «еттилик», «баҳор» ўрнида «эртаёз» каби қадимги ўзбекча атамалар бўлган муомалада. Шодиёна дастурхонига кўк сомса, кўк чучвара, қайнатилган ўриклар тортилган. Бойчечак айтиш, лайлак келди, эртаёз ўйинлари — қизлар тўптоши, сумалак пишириш, келин тушди, келин қўлига ёғ солиди, чимидиқ, она, ойми-кун, унинг тавсифлари, тўйда келиннинг отда келиши, келин қаршисида олов ёқишлар, келин саломлар, бошқа-бошқалар ижро этилган. Афсуски, урф-одатлар тобора йўқолиб кетишидан ташқари, буларни эслатадиганлар ҳам камайиб кетмоқда. Ваҳоланки, ҳар бир халқнинг кимлиги унинг қолдирган тарихий-маданий, адабий мероси, урф-одат бойликлари, адабий тил, маданияти билан ўлчанади.

Алишер Навоийдек буюк инсон болалигида ана шундай унутилмас айёмлардан чексиз завқлар олганига, уларни вужуд-вужудидан ҳис қилганига шубҳа йўқ. Юқоридаги айём саҳналари шундай фаразларнинг маҳсули ўлароқ яратилди.

Балижон МИРЗАЕВ,
филология фаълари номзоди,
Халқ маорифи аълочиси.

Ш арқ шеърятда кўп қўлланиладиган, яъни байтда бир сўзни қайта такрорлаб, мисраларни бир-бирига боғлайдиган, уларнинг ўзаро алоқасини таъминлайдиган лафзий санъатлардан бири тасбиғ санъати ҳисобланади. Навоий-шунос олимлар А. Рустамов, Е. Исҳоқов мазкур санъатни «ташобеҳул-атроф» деб атаганлар.

Тасбиғ санъатида асосан биринчи мисра охирида қофия бўлиб келган сўз, иккинчи мисра бошида қайтарилади. Бунда байт мисралари бир-бирига боғланади. Тасбиғ санъати сўзларни жойлашиш ўрнига, қайта қўлланилишига кўра бошқа такрор ва қайтариқли санъатлардан фарқ қилади. Такрир, илтизом, қайтариқ, хожиб, тарди акс каби санъатларда сўз ва сўз бирликлари байт мисраларининг бош қисмида, ўртасида ҳамда мисралар охирида қайта қўлланилиши мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги шеърий санъатларда сўзларнинг ишлатилиш ўрни чегараланган эмас. Аксинча тасбиғ санъатининг ўз қондасига кўра байт мисраларидаги сўз такрорининг ўрни қатъий ва ўзгармасдир. Тасбиғли байтларда ҳар доим биринчи мисра охиридаги сўз иккинчи мисра бошида такрорланиб келади. Бу эса байт мисраларининг бир-бирига ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Иккинчидан, тасбиғ такрори мисралар мазмунини, уларнинг оҳангдошлигини, талаффуз уйғунлигини ҳамда таъкидни ифодалайди.

Буюк сўз султони қаламига мансуб «Лисон-ут-тайр» дostonида тасбиғ санъатининг турли шаклларида, бой воситалар асосида ҳосил қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, шoir мазкур санъатни яратишда ўзбек адабий тилининг ўз (умумтуркий) ва ўзлашган (арабий ва форсий) қатламдаги сўзларни, шунингдек, сўз кўришилари ва турли сўз бирикмаларини усталик билан ишлатган.

Мисол учун дoston ҳикоятидан келтирилган қуйидаги байтда «юк» сўзининг биринчи мисра охирида ва иккинчи мисра бошида қайтарилиши натижасида тасбиғ санъати ҳосил бўлган:

*Юкларон эгнига беандоза юк,
Юк таширдин қолмайин эгнида тук.*

Байтда «юк» (ортилган нарса, оғирлик) сўзининг такрорланиши биринчидан, мисраларни бир-бирига боғланганлигини тасдиқласа, иккинчидан, байт мазмуни оидинлаштирилган, фикр қайта таъкидланган. Байт-ни кенгроқ маънода шарҳласак, биринчи мисрадаги «юк» — айиқ устига оғир нарса ортилганлигини билдиради. Иккинчи мисра бошида такрорланган ўша сўз, биринчи мисрадаги фикрни таъкидлаган ҳолда айиқ устида ҳар доим шундай оғир юк ортилганлиги фикрини кучайтириб ифодалаган.

Асардаги савол-жавоб эпизоди бўлиши «Худхуд жавоби»дан келтирилган қуйидаги байт ҳам яхши мисол бўла олади:

*Бу таманнони чиқорғил бошдин,
Бошни қутқар бу қаттиқ тошдин.*

Мазкур байтда тасбиғ санъати от сўз туркуми орқали яратилган. Байтнинг

биринчи мисраси охиридаги «бош» — ўйлов, хаёл маъноларида келган бўлса, иккинчи мисра бошида қайтарилган «бош» — фикр маъносини таъкидлаб келган.

«Лисон-ут-тайр»нинг кўпгина шеърий байтларида сўз бирикмалари орқали ҳам тасбиғ санъати намуналари яратилган:

*Қоши савдойи улусқа янги ой,
Янги ой девонага ҳайратфизой.*

«Шайх Санъон» ҳикоятидан келтирилган бу байтда «янги ой» бирикмаси орқали тасбиғ санъатининг ажойиб намунасини кўрамиз. Бу ўринда биринчи мисра охирида қўлланилган «янги ой» ибораси маҳбуба (тарсо қизи) қошига ўхшатирилган бўлса, иккинчи мисра бошида такрорланган мазкур сўз бирикмаси маъшуқа, яъни девонани (шайх Санъонни) ҳайратда қолдирган гўзал ёр маъносига ишлатилган. Шоир бу ўринда «янги ой» бирикмасини мажозан қўллаб, сўз ўйини ҳосил қилган. Айни вақтда шеърятда жуда кўп қўлланиладиган бадий воситаларидан бири — тажнис санъати ҳам яратилган.

Алишер Навоий улкан сўз санъаткори сифатида бир сўзни ёки сўз бирикмасини янги-янги маъноларда моҳирона қўллаб олган устоз шоирдир. Юқоридаги мисолдан кўринадики, «янги ой» бирикмаси асосида тасбиғ, тажнис ҳамда мажоз санъатлари қоришиқ ҳолда яратилган. Навоий бу ўринда умумтуркий сўзларнинг кўп маънолигидан, омоним сўзлардан усталик билан фойдаланган. Байт мисраларида фикр таъкидланган, маъно кучайтирилгани натижасида асосий фикр бўёқли, образлилик касб этган.

Асарда туркий сўзлардан ташқари арабий сўзлар такрори асосида ҳам тасбиғ санъати ҳосил қилинган байтлар мавжуд. Дostonдаги «Худхуд ва кабки дарий» савол-жавоби эпизодидан келтирилган ушбу байтда «инзиво» сўзининг такрори орқали тасбиғ санъати ҳосил бўлган.

*Тоғ аро дерсинки туттум инзиво,
Инзиво эрмас, эрур нафси ҳаво.*

Мазкур байтнинг биринчи мисра охирида қўлланилган «инзиво» сўзининг асосий маъноси узлатга чекин, танҳолик, одамлардан ўзини четга олишни ифодалайди. Лекин бу ўринда «инзиво тутмоқ» тарзида бирикма ҳолда мажозан қўлланилиб, макон тутиш, ўрнашиш маъноларида қўлланилган. Яна мазкур сўз юқоридаги байтнинг иккинчи мисра бошида қайта қўлланилиб ифодалаган мажозий маънони янада бўрттирган, конкретлаштирган.

«Худхуднинг яна бир қушга жавоби» эпизодидан олинган ушбу байтга эътибор берайлик:

*Ноқис улдурким ўзин комил дегай,
Комил улким нуқсон исбот айлагай.*

Шоир бу ўринда нуқсонли ва камчиликсиз кишилар қандай бўлишлиги, уларнинг бир-бирдан фарқи ва фазилатларини баён этган. Байт мазмунидан келиб чиқсак, ноқис ҳар доим ўзини доно ҳисоблайди, доно эса ўз камчилигини бўйнига олади, деган мазмун ётади. Байтдаги комил (ақлли, доно, мукамал, етук, камчиликсиз)

сўзи биринчи мисра охири ва иккинчи мисра бошида қайтарилиб, жойлашиш ўрнига кўра тасбиғ санъати ҳосил қилган. Бу ерда мазмун жиҳатидан бир хил маънога эга бўлган «комил» сўзи иккинчи мисрадан такрорланиб, шоир айтмоқчи бўлган фикрни янада оидинлаштиради, яъни комилнинг етуқлиги-ю ноқиснинг нуқсонлиги ораларидаги фарқ «комил» сўзининг қайта такрори асосида очиқ-ойдин ифодаланган.

Юқоридаги савол-жавоб эпизодининг қуйидаги байтида ҳам арабча «жаҳл» сўзининг қайта қўлланилиши орқали тасбиғ санъати ҳосил қилинган:

*Ўз камолидин дематур маҳзи жаҳл,
Жаҳлдин сўз ойтқай ким бўлса аҳил.*

Бу ўринда ҳам маъно кучайтирилган. Умуман, «Лисону-т-тайр»да арабий сўзларнинг такрори туфайли тасбиғ санъати ҳосил қилинганлигини жуда кўп ўринларда учратиш мумкин.

«Лисону-т-тайр» байтларида форсий сўзларнинг такрори асосида тасбиғ санъати яратилганлигига мисол:

*Бор эди шоҳи жамол авжида моҳ,
Моҳ пайкарлар — сипоҳ, ул эрди шоҳ.*

Асар ҳикоятдан келтирилган мазкур байтда, шоир биринчи мисра охиридаги «моҳ» сўзи орқали шоҳнинг хусундорлиги, чиройлигини тўлини ойна ўхшатган. Иккинчи мисра бошида яна «моҳ» сўзини «моҳ пайкарлар» (ой юзлари) сўз бирикмаси тарзида қўллаб, шоҳнинг чиройлигини гўзал, ой юзли қизлардан ҳам устунлигини ифодалаган. Бунда «моҳ» сўзининг қайта қўлланиши ўрнига кўра тасбиғ санъати ҳосил қилинган бўлса, мазмунан фикр кучайтирилган ва таъкидланган. Яна «моҳ» — ой сўзи ўз маъносидан ташқари иккала ўринда ҳам, бутунлай қўчма маъно ташиб, истиора санъати ҳам яратилган.

Хуллас, тасбиғ санъати ҳам лафзий санъат турларидан ҳисобланиб, сўзларни қайтарилиши ўрнига кўра яратилади. «Лисону-т-тайр» тили, хусусан лексикасини кузатиш натижасида шуни кўрсатадики, мазкур санъатнинг ҳосил қилинишида, асосан сўз ўзаклари муҳим воситадир. Чунки ҳар бир сўзнинг қайта қўлланилишининг ўрни муҳимлигидан ташқари маънони ҳам кучайтириб келгани диққатга сазовор. Бу борада шоир тасбиғ санъати орқали биринчидан, мисраларни бир-бирига боғлиқлигини кўрсатса, иккинчидан, байт мусиқийлигини, мисралар оҳангдошлигини таъминлаган. Учунчидан, байт мазмундорлигини, фикрни қайта таъкидлаш, бўрттириш каби хусусиятларга ҳам катта эътибор берган. Шеърят султонининг шоирлик маҳоратини синчиклаб ўрганиш ёш шоирларга, шеърят мухлисларига улкан мактаб вазифасини ўтайди, кенг журналхонлар оммаси эса тилимиз имкониятларининг беқиёслигини кўриб чексиз завқларга тўлишлари шубҳасиз.

Зиёдулла ҲАМИДОВ,
Низомий номидаги Тошкент
ўқитувчилар тайёрлаш олий илмгоҳи
ўқитувчиси, филология факультети
номзоди.

Бу хатни сизлардан ёрдам ва нажот сўраб, кўзимда ёш билан ёзаётурман. Менинг тўққиз нафар фарзандим бор. Тўрт нафар фарзандим студент. Узим пенсияга чиққан бўлсамда ишляпман. Турмуш ўртоғим 1983 йилда бевақт вафот этган. Мана икки йилдирки судма-суд чопиб тинмадорим қолмади. Битта ишловчим шу ёғлим эди. Бир кишига яхшилик қиламан деб шу балоларга гирифторм бўлди.

Ўғлим Махмудов Абдужалол 1988 йил март ойида ўзи билан бирга ишлайдиган Тиловоов Ҳамдамнинг илтимосини рад эта олмай «уйимга қўйиб кел» деса, «хўп» деб ўзининг «Урал» мо-тоциклда кетаётганида Самарқанд — Лойиш йўлида авария содир этди. 1988 йил август ойида Поиариқ ноҳия халқ суди ўғлимнинг иштини кўриб чиқиб 5 йилга мажбурий хизматга Ир-кутскка ишга жўнатди. Асосий айбдор Илёсов Латиф ва Қорабеков Миртазолар иштини эса тергов-кутска ишга жўнатди. Чунки асосий айбдор Илёсов Латиф ва Қорабеков гувоҳ сифатида иштирок этишди. Жабрланувчилар суд иштини бузиб, вилоят суди Иркутскдан 15 май кўни ўғлимни қақриб олди. Ўғлим яна 9 ой Иштихон ноҳия прокуратурасига терговга қатнади. Яна Илёсов ва Қорабековлар бир мартаба гувоҳ сифатида терговга берилди.

1990 йилнинг 9 февраль кўни ўғлимни Ишти-хон ноҳия халқ суди 4 йилга озодликдан маҳрум этди. Суд процессида асосий гувоҳларнинг берган кўрсатмалари иноватга олинмади ва асосий айбдор Илёсов Латиф ўз қилмишига иқрор бўлсада, яна асосий айб ўғлимга қўйилди.

Мен сизларга суд процессида ўғлимнинг ҳи-момачиси томонидан олиб борилган иш материали-ни жўнатаялман. Суд айб кимда эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб берса-да, ҳақиқатни тан олгиси келмади.

Икки йилдирки, қувонч нимагини билмайман. Уйлаб ўйимнинг охирига етолмайман. Наҳотки, кўришиб турган нарсани ҳал қилиш шунчалик қийин бўлса?! Суд бузилса-да, яна оғирлик ўғлим-га тушди. Самарқанд вилоят суди органларига умуман ишончим қолмади. Энди бутун умидим сиздан. Ердам беришингизни ўғлиниб сўраб, йўли-гизга интизорман.

Жонигул ШЕРМАТОВА,
Самарқанд вилояти Оқдарё ноҳиясидаги
Ленин номли жамоа хўжалиги

- **Ҳукм адолатли бўлсин!**
- **Тарбиясиз тарбиячилар**
- **Тонгда хотиржам уйғонай...**


Икки йилдан буён бир йигит билан дўстман. Дўстлигимиз муҳаббат-га айланди-ю, унинг ота-онаси бунга қарши. «Колхозчидан қиз олмай-ман», дейишибди. Узлари ҳам колхозчи бўлсалару, яна фарзандлари-нинг бахтини мол-мулкка боғласалар... Буни қандоқ тушунай, «Еш куч»?

Х. Т.

Мен ҳам тирик етимман. Бувимнинг қўлларида тарбиялан-дим. Саккизинчи синфни битириб чевар бўлмоқчи эдим. Яхши ўқиганим учун хужжатимни беришмади. Унни битирдим. Олий билим даргоҳларида таҳсил олиш ҳатто хаёлимга ҳам сиғмасди. Чортоқдаги хунар-техника билим юртига борсам ўнни битирганларни олишмас экан. Шаҳримиздаги «Сағнат саройи» қошида машинисткаликка ўқишмоқчи бўлдим. Яна но-ҳайдан оламан? Кейин шогирд бўлиб ишга кирдим. Яна но-ҳайдан қўлини қилдиришди. Бетоб бўлиб қолдим. Касалхонада керак экан. Кооператив ина бўлгани учун шундаймиш. Бу пулни қайдан оламан? Йиғлаб-сиқтаб, дашном эшитиб пулни бўвимдан олиб бердим. Ишга келдим. Яна ноҳақлик. Тўғри-ўзимнинг ҳам қайсарлигим бор. Ҳаммасини ютиб кетолма-ганим учун ишдан бўшатишди. Уйда хўп калтак едим.

Мен эрта тонгда хотиржам уйғонишни орзу қиламан. Бу-нинг ўрнига тонгданоқ зарда-ю, дашномлар билан уйғонаман. Нима қилай? Мени нуқул калтаклайдиганларга «берган тар-биянгизни ҳам калтак билан ювиб юборяпсиз», деб айтгим ке-лади. Аммо... Қўрқаман. Яна уришилари мумкин... Очиғи, бошқа яшагим келмаяпти. Нима қилай?

Наманган вилояти Учқўрғон ноҳияси. Гулхумор,



Ўғлим Тўхтамиш ўрта мақтабни битириб Термиз шаҳридаги 2-хунар-техника билим юртининг пайвандчилиқ бўлимига ўқишга кирди. Хунарли бўлса жамиятга нафи тегади деб мен ҳам хурсанд бўлгандим, янглишган эканман. Сабаби, сентябрь ойида уларни амалий тажрибага шахримиздаги «Узсантехгазмонтаж» кўчасида жойлашган «Узсантехгазмонтаж» ташкилотига юборишганда у ердаги уларни тар ўраатиш ўрнига оғир ишларни, жумла-дан юк машинага қум ортишни буюришган. Буни етмагандек махсус иш кийими бе-булганиб, у уйга кийимлари чанг ва лойга бабини сўрасам ишда чарчаб бироз дам олай деса «Узсантехгазмонтаж» ташкилоти цех бошлиғи Мўмин Жўраев ҳақорат қилиб ишдан ҳайдаб юборибди. Ахир ўқувчилар ўзлари қизиққан соҳа бўйича амалий иш кў-никмасини қачон ва қаерда оширадилар? Нима учун уларга мутахассислари бўй-ча иш беришмади? Мен ўзимга ўзим шу са-волларни бера эканман, беихтиёр нўноқ ху-нармандлар ниҳоятда кўпайиб кетаётганли-гининг, бунинг орқасида халқ хўжалигимиз ларига зарар кўраётганлигининг туб саба-бларига тушунандек бўлдим. Бўлажак касб-эгаларига муносабат юқоридагидек бўлгани-дан сўнг нўноқ хунармандлар кўпаявера-ди-да.

Бирга ўсган, битта синфда ўқиб, бир партада ўтирган дўстманлик қилиб турса... Менга лақаб тўқиб ҳаммага ёмонласа... Айтингчи, қандай йўл тутишим керак.

Захро ҚОДИРОВА,
Наманган вилояти Чуст ноҳияси.

Бир йигит билан телефонда гаплашаётганимни эшитиб қолган олим мени жуда ёмон уришдилар. Юрагимга найзадек санчиладиган гаплар билан ҳақоратладилар.

Ахир мен фақат сўзлашдим-ку. Юрагим йўқ. Мен ундай қиз эмасман. Лекин гапнинг рости, у йигитни жуда севаман. Чин юракдан севганим учун ҳам у билан учрашмайман, юрмайман. Илтимос, маслаҳат беринг.

Қишлоқда ўқитувчиликдан бошқа иш йўқ. Шунинг учун бу касб-ни эгаллаш ниятидаман. Аммо... қишлоғимиздан бирорта қизни ўқишга юборишмайди. Ота-оналаримиз бизни қачон тушунаркин-лар?..

Лола АҲМЕДОВА,
Советобод ноҳияси Жом совхозини
Ленин йўли қишлоғидаги
24-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

СССР журналистлар уюшмаси аъзоси.
МУҲАРРИРИЯТДАН: Хатда ҳақиқатдан ҳам жиддий муаммо ўртага ташланган. Биз «Узсантехгазмонтаж» раҳбарларидан жавоб кутиб қоламиз.

ҚАТОРТОЛГА

- Оилали одамнинг ташвишлари
- Шифокорга раҳмат
- Ноҳақ жазо!..
- Қишлоқдагилар одамнинг яримтасими?



Мен Сизлар орқали бир меҳрибон инсонга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Ешим 50 да, 7 та фарзандим бор. Мен ўтган 1989 йилнинг 4 январидан март ойининг охиригача Иштихон ноҳия касалхонасида оғир хаста бўлиб ётдим. Мен бу касалликдан тузалишимга ишонмаган эдим, чунки бир қўлим, бир оёғим ишламай, юзим қийшайиб шол бўлиб қолган, қорним шишиб кетган эди. Иштихон ноҳия поликлиникасининг ёш терапевт врач Илҳомжон Давидов ўзининг барча билимини, маҳоратини ишга солиб мени даволади ва аввалги ҳолатимга келдим. Илҳомжон кеча-кундуз бошимда турди, ўзининг меҳри, ширин сўзи ва билими билан мени оёққа турғазди, ҳаётга қайтарди. Энди у менинг фарзандим бўлиб қолди, менинг 8 та фарзандим бор. Мен Илҳомжонга чексиз миннатдорчилик билдириб, унга соғлиқ, узоқ умр тилайман. Ҳамиша омон бўлинг, ўғлим! Яхши одамлар абадий яшасинлар! Сизларга ҳурмат билан

Шарофат ЖОНУЗОКОВА,
Самарқанд вилояти Иштихон ноҳиясидаги
Энгельс номли колхознинг Авлиётепа қишлоғи.



Мен ўртоқларимга қизиқиб билим юртига ўқишга ҳужжат топширган эдим. Энди бу ўқишдан айнидим. Уз мактабимга қайтай десам, ҳужжатларимни беришмаяпти. Мажбуран ўқитиш ҳуқуқимни поймол қилиш эмасми?

У. МАМАНОВА,
Хоразм вилояти Урганч ноҳияси,
Фрунзе кўчаси.

Оилали одамман. Тракторчи бўлиб ишлайман. Аммо турмуш ўртоғим ота-онасининг уйига кетиб қолган. «Шу ердан уй қурсанг, бирга яшайсан», деб шарт қўйган ота-онаси ҳеч тушунмаяптилар. Одди, менга бошқа жамоадан ким ҳам ер беради. Оддий колхозчиман, ахир. Болаларимни тирик етим қилиш ниятим йўқ. Ердан беринг!

М. ҲАСАНОВ,
Тожикистон ССР Евон ноҳияси 2-совхоз
«Олий Совет» участкаси.

Мактубим аммам — Муҳтарамнинг турмуши хусусида. Унинг тўрт фарзанди, севган турмуш ўртоғи бор. Аммо ҳозир оиласи бузилиш арафасида. Поччамиз бошқа қизни севиб қолибдилар. У қиз аммамнинг ўрнига ўзини қўйиб кўрсин эди.

Муборак ҲАЙДАРОВА,
Қарши шаҳри.

Мен кейинги вақтларда «Еш куч» журналда жиддий ўзгаришлар бўлаётганини сезмоқдаман. У кундан кунга қизиқарли бўлиб борапти. Журнал тарғиботчиликдан воз кечиб баҳсга чорлаяпти, фикрлашга ундаяпти. Аммо фикримча, журналнинг ҳажми анча кичик.

Самарқанд вилояти Советобод ноҳияси
Созағон қишлоғи, 10-мактаб.

Хурматли редакция ходимлари. Мен сизларга бу мактубни бутун қишлоқда бўлган номидан йўллаяман десам муболажа бўлмас. Турғунлик даврида бутун иттифоқимизда рўй берган қанчадан-қанча кишилар ҳақида кўриб ўтдим. Шулар қаторида ҳамқишлоғимиз Жуманазар ака Очилов бор. Давлатдан бири Жуманазар ака Ф. Хўжаев бўлиш-пахта тайёрлаш пунктига тарозибон бўлишдан олдин, давлат хўжалигида узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилган. У кишининг ишбилармонлиги, ҳисоб китобни яхши билиши сабаб-қанча фахрий ёрлиқлар ва мукофотлар билан тақдирланган. Ана ўша киши қаердан-дири пахта пунктига уч ой тарозибон бўлиб ишлади, боши балога қолди. Жуманазар аканинг устидан ҳар хил фитна ва бўхтонлар уюштирилиб, у 10 йилга озодликдан бўён этилди. Мана у киши олти йилдан буён қамоқ жазосини ўтамоқда. Жуманазар ака 1984 йили декабрь ойидан буён ўз уйи ости-насига қадами теккани йўқ. Шу вақт ичида у кишининг оиласида анча нохуш воқеалар рўй берди. Ҳарбий хизматга чақирилган ўғли Абдужалолнинг олти ойдан сўнг темир тобутда жасади келди. Кейин онаси вафот этди..

Яқинда «пахта иши» бўйича қамалган 100 га яқин кишининг ишини қайта кўриб уларни оқлашди. Лекин ана ўша кишилар орасида Жуманазар аканинг йўқлиги ҳам-қишлоқларимизни қаттиқ ранжитди. Хурматли редакция ходимлари, сизлардан ўқитиш ҳуқуқимизни қайта кўриб чиқишда ўз ёрдамингизни аямасангизлар.

Раҳматулла ЧОРИЕВ,
Қашқадарё вилояти Чироқчи ноҳияси.

Поччам бир неча йилдан бери комсомол-ёшлар бригадасига бригадир. Авваллари оиласи билан аҳил-тотув яшар эди. Аммо 1,5—2 йил бўлдики, босар-тусарини билмай, ўзига номуносиб ишлар билан шуғуллана бошлади. Қўл остида ишловчи қизларга кўз олайтира бошлади. Узининг гулдай фарзанди бўла туриб, бундай номуносиб ишга қўл меҳнатсиз даромад мавжуд, етти ака-ука ҳар хил муносабатларда ишлайди. Поччамиз ҳам ҳеч қоқилмай акаларининг суянчи билан бригадир бўлди. Опамага поччамнинг акаси «Тилхат бергин. «розиман уйланишингга» мазмунида, деб тазийқ ўтказибди. Аммо опам бермади. Бу қайси қонунга сиғади? Замон зўрникими?

Замира,
Хоразм вилояти Шовот ноҳияси.

Ўзбек хотин-қизлари ўз урф-одатларини тарқатиб, анъанавий либосларни киймай қўйдилар. Сабаблари нима?

Д. ЭЛМУРОДОВА,
Бухоро вилояти Навоий ноҳиясидаги
11-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

1981 йилда колхозга келин бўлдим. Ҳозир уч ўғил, бир қизим бор. Шаҳарда ўсганман. Қишлоқ шароити жуда оғир экан. Мана тўққиз йилдирки, ханузгача ўргана олмаяпман. Қишлоқда на водопровод, на электр қуввати етишди. Ҳаммом, табиий газни-ку, гапириб ўтирмайман. Инсон яшаши учун бирорга қулайлик йўқ. Ўзим қишлоқдаги мактабда тил-адабиётдан дарс бераман. Қишлоқдагиларнинг турмуш шароити жуда оғир экан. Бечора қишлоқда туғилганларнинг айби нима?..

Фарида ҲАМЗАЕВА,
Самарқанд вилояти.

МАКТУБЛАР

ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...

1990 йил 28—30 ноябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон комсомолларининг XXIV съезди бўлиб ўтди. Қурултой қандай ўтди! У ёшларга нима беради! Бу саволларга яхшиси анжуман делегатлари жавоб бергани маъқул. Негаки делегатларни комсомоллар ўз ичларидан сайлаб олишган. Улар ёшларнинг фикрини қанчалик ифодалашини муштарийларимиз эътиборига ҳавола қиламиз.

Сўз — делегатларга

Ботир Тўраев, Жиззах вилояти комсомол қўмитасининг котиби:

— Мен сўзимни съезд ҳақидаги таассуротларимдан бошласам. Съездда биринчи маротаба Ўзбекистон комсомоли ўзининг мустақил ҳаракат дастури ва Уставига эга бўлмоқда. Ёшларимиз мустақил фикрга эга бўлиб бормоқдалар. Уларнинг сиёсий онги ҳам шаклланиб қолди. Бунга мен котиб сифатида съездолди учрашувларида ҳам, съездда ҳам ишонч ҳосил қилдим.

Союз номини ўзгартириш масаласи съездда очиқ қолди. Лекин номни ўзгартириш масаласи ҳақида талай тортишувлар бўлганининг ўзи ижобий ҳодиса. Негаки, ҳақиқат баҳсларда туғилади. Энди, менинг бу масаладаги шахсий фикрим шундан иборатки, комсомол ўзининг номини ўзгартирган билан жумҳуриятимиз ёшларининг турмуш даражаси ўзгариб қолмайди. Бугунги кунда соғлом фикрга эга бўлган ҳар бир киши ёшларимиз муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши лозим.

Мана, масалан ёшлар ўртасидаги ишсизлик муаммосини олиб кўрайлик. Бу муаммони бартараф этиш учун кичик корхоналар ташкил этиш ҳақидаги ташаббуслар ҳали-ҳануз ўз амалий ечимини топганича йўқ. Қишлоқ ёшларига кўнгилли дам олиш учун мутлақо шароит йўқлиги ҳам неча йилдан буён айтиляпти-ю, лекин бу соҳада ҳалигача ўзгариш йўқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида ёшларимизни ким ҳимоя қилади? Корхоналар мустақиллиги ошган, ўзини-ўзи бошқаришга ўтган шароитда ёшларни бир четга чиқариб қўйса, унинг етакчиси, ҳимоячиси комсомол нима қила олади? Менимча, комсомол аввал жамиятдаги ўз қадрини тикламоғи (бунинг учун эса у давлат бошқарув органларида ўз вакилларига эга бўлмоғи лозим), кейин бу ҳуқуқдан фойдаланиб, ёшларга йўлбошчи бўлиши лозим. Агар шу ишларни уйдalasа комсомол яшашга ҳақли. Йўқса, у бошқа тузилажак ёшлар партияларига, ҳаракатларига ўрин бўшатиб бергани маъқул. Ҳокимиятни зўрлик билан узоқ вақт ушлаб бўлмайди.

Халқимиз, хусусан ёшлар ҳам, қуруқ гапдан ҳўп тўйган. У амалий иш қилганларнинггина ҳўрмат қилади ва эргашади. Бу оддий ҳақиқатни комсомол қанча эрта тушунса, шунча яхши, ақс ҳолда...

Икки оғиз сўз комсомол ва демократия тушунчаси ҳақида.

Демократия шароитида комсомол ҳар жиҳатдан ўзгарди. Энди бошланғич комсомол ташкилотларидан тортиб вилоят, жумҳурият комсомоли марказий қўмиталаригача ўз фаолиятини ўзи белгилаши, ички иттифоқ ишлари бўйича барча ҳуқуқлар бошланғич ташкилотларга берилиши, жумҳурият комсомолининг ўз ҳаракат дастури ва Уставига эга бўлиши бунинг ёрқин далилидир.

Комсомолга барча имкониятлар яратиб берилди — энди амалий ишга!..



Қандолат Мирзаева, Жиззах вилояти Жиззах ноҳиясидаги 3-ўрта мактабнинг тарбиявий ишлар ташкилотчиси.

— Мени ўқитувчи, қолаверса съезд делегати сифатида кўп ўйлантираётган муаммолар — бу ёшларимиз ўртасида тарбиянинг тобора издан чиқиб бораётганлиги ва унга комсомол ўз таъсирини ўтказа олмаётганлигидир. Бунинг сабабларига келсак... кўпинча ўқитувчининг Шахс сифатида ўқувчиларга ўрнак бўла олмаётганлиги айтилади. Вилоятимизда, хусусан, ноҳиямизда эса ўқитувчининг ўзи етишмаётганлигини, хусусан ўқувчилар тарих, кимё, биология фанларини ўқимай мактабни битираётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?.. Олий ўқув юртлари орасида дорил муаллимин (педагогика институтлари) нинг мавқеи паст, бинобарин ундан етишиб чиқаётган кадрларнинг савияси ҳам шунга ярашади.

Ўқувчилар тарбиясига яна фаолиятини наинки шаҳарда, балки қишлоқларда ҳам кучайиб бораётган видеосалонларнинг салбий таъсири яққол сезила бошланди — бунга қишлоқларимиздаги жиноятчиликнинг кучайиб бораётганлиги яққол мисол. Хўш, бу гапларнинг комсомол анжуманига нима даҳли бор, дейсизми? Даҳли шундаки, турли вазиятларда ёшлар билан иш олиб борадиган комсомол ташкилотларининг вазифалари қандай, деган адоқсиз саволларимга съезддан жавоб топгани келдим.

Баҳодир Жўраев, Самарқанд вилояти комсомол қўмитасининг котиби:

— Биз ҳаётга юзма-юз қарши келадиган онлар келди. Тузилаётган янги жамоат ташкилотлари, партиялар, ҳаракатлар ёшларни бизни таъсиримиз-

дан чиқаришга ҳаракат қилади. Биз шу аснода зиммамиздаги масъулиятни унутмаслигимиз даркор: бу ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласидир. Биз бу борада ўз ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз керак. Бунинг учун эса аввало ўтмишни танқидий сарҳисоб қилган ҳолда ҳозирги, кун сайин ўзгариб бораётган замонда комсомолнинг ўрни, келажагини англаб олоғимиз даркор.

Ёшлар ташкилоти бўлиши керак. Лекин, у қандай — сиёсий бўлиши керакми ёки йўқми? Ҳар ҳолда биз қотиб қолган эскича иш услубларидан воз кечмасак бўлмайди. Айни бизнинг регионга тегишли муаммоларни бусиз ҳал қилиб бўлмайди.

Булар орасида фикримизча ёшлар ўртасидаги ишсизлик муаммоси алоҳида ўрин тутди. Ҳозир вилоятимизда ишсизлар сони 46 мингдан зиёддир. Шунинг учун комсомолнинг ўрни наинки ёшлар учун ишчи ўринларини белгилашдан, балки ёш мутахассисларни турли ўқув юртларига тайёрлаш режасига фаол таъсир кўрсатишдан ҳам иборатдир.

Ишсизлар армиясини тўлдиришда ҳўнар-техника билим юртлари ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Айни шунинг учун ҳам бу ўқув йилида Большевик, Нурота, Қўшрабат ноҳиясидаги ПТУларга мўлжалдаги ўринларнинг 80 фоизи банд қилинди холос. Комсомол ўқитишнинг мазкур шаклига ўз муносабатини билдириш пайти аллақачон келган.

Афсуски, савдогар сўзи бизда кўп йиллар мобайнида салбий маънода ишлатилиб келинди. Бугунги кунда биз бўлғуси менежер, савдогар, ишбилармон кишиларни тарбиялаш ҳақида ўйлашимиз керак. Айни шунда одамлар-



га жумҳурият ҳўжалигини оёққа турғизишда катта масъулиятлар юклаш мумкин. Яхшиям бу борадаги соғлом аънаналар Самарқандда буткул йўқ бўлиб кетмагани.

Айни Самарқанд Ўзбекистонда биринчи эркин иқтисодий зона деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Мана, ёшлар учун меҳнат майдони. Биз бунинг учун менежмент маданиятини ривожлантириш учун хизмат қиладиган курслар, мактаблар тузишимиз, шу орқали ёшлар қалбига йўл топишимиз керак.

Биз бозор иқтисодиёти шароитида ёшларни ҳимоя қилишда ҳам тайёр турмоғимиз керак. Умуман жумҳуриятимизда яхлит ёшлар сиёсатини ўтказиш учун ҳар бир вилоятдаги бошқарув органлари таркибида ёшлар фаолияти бўйича давлат органларини тузиш лозим, деб ҳисоблайман.

Мен съезд минбарига шу муаммолар ҳақида гапирган бўлар эдим.



Дилдора Абдухалиқова, Андижон вилояти Андижон ноҳиясидаги 47-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси:

Мен съездда мактаб бошланғич комсомол ташкилотини мактабдан чиқариш, унинг ўрнига эса ўқувчилар Ассоциациясини тузиш ҳақида таклиф киритдим. Қолаверса, комсомолга ёшларни 14 дан эмас, 16 ёшдан қабул қилиш тўғри бўларди. Негаки, фикримча 14 ёшли ўқувчи ҳали бирон-бир оқим, ташкилот тўғрисида тўла тушунчага эга эмас. Эҳтимол марказда, Болтиқбўйида 14 ёшдаги ёшлар комсомол сафига ўтса бўлар. Болтиқбўйи билан Урта Осиё жумҳуриятларининг фикрлаш даражалари эса ҳар хил. Қолаверса, ҳозир ёшлар ўртасида комсомол ташкилотининг яққа ҳокимлиги ўқувчиларни танлаш имкониятидан маҳрум қилиб қўйган. Шу сабабли комсомол аъзолари «комсомол менга нима берди» деб юришаверади.

Менинг комсомолни мактабдан чиқариш тўғрисидаги фикрим съездда жуда кўпчиликни асабийлаштирапти. Чўнки бу биринчидан комсомолга кирётган ёшларнинг сонини кескин қисқартирган, қолаверса мактаб тарбияловчи ташкилотга эга бўлмай, бу вазифа ўз эгаларига — ўқитувчиларга топшириб қўйилган бўлар эди.

Ҳозир жамиятимизда кўп партиялик қабул қилинаётган бир кезде юкоридаги фикр кулгули туюлади ҳам. Чўнки, биринчидан, мазмун сонда эмас, сифатда. Иккинчидан комсомол тарбияловчи эмас, энг аввало ёшларнинг маълум қисмининг қизиқишларини ҳимоя қиладиган ташкилот. Ундан ташқари агар ёшлар ўртасида комсомолга ўхшаган бошқа ёшлар партиялари пайдо бўлса, улар ҳам мактабга интилишса, мактаб ўзининг функцияларидан четга чиқиб кетади. Ахир мактабнинг вазифаси ўқувчиларни бирон-бир оқимга тортиш эмас, ўқувчиларга билим бериш-ку!



Абдуҷаббор Мамадалиев, Фарғона вилояти Олтиариқ ноҳияси комсомол қўмитасининг саркотиби:

Фикримни съезд ҳақидаги таассуротларимдан бошламоқчиман. Назаримда съездга кўпроқ комсомол ишидан узоқроқ бўлган делегатлар сайланган кўринади. Негаки, съезд аввалгидай «шаблон» асосида олиб борилгандай.

Қолаверса, съезд мобайнида ташкил этилган мунозара марказлари иши ҳам жонли, тортишувли баҳслар билан эмас, турғунлик йилларидаги 1-2 нотиқнинг ҳисоботини эшитиш усулида ўтказилмоқда.

Комсомол амалий фаолиятга ўтиши керак, деб ҳисоблайман. Ноҳия комсомол қўмитасининг котиби сифатида 5 йил ишлаб шунинг англадимки, аппарат бошланғич комсомол ташкилотига ёрдам бериш учун ташкил этилган. Биз аппаратдаги баъзи штатларни қисқартириб бошланғич комсомол ташкилотларига амалий ёрдам берадиган 4 та мавзе бўйича йўриқчи ташкил этдик. Ноҳия комсомол қўмитаси қошида «Импульс» ёшлар маркази ташкил қилдик. Бу марказ ёрдамида бир қанча ишсиз ёшларни иш билан таъмин қилдик. Албатта ноҳиямиздаги барча ишсиз ёшларни биз иш билан таъминлай олмаймиз. Негаки бу давлат миқёсида ҳал қилинадиган улкан масала. Съездда айтилган ёшлар сиёсати амалга ошгудай бўлса, комсомолнинг мавқеи ҳам ёшлар ўртасида юксалишига шак-шубҳа йўқ.

Энди комсомолда демократия масаласига келсак.

Менимча, демократия ва ёшлик тунунчаси эгизакдир. Шунинг учун комсомолда демократияни дадил жорий этиш керак. У жамиятдаги янгиликларнинг бир воситаси бўлиб хизмат қиладди.



Ирода Ғубова, Андижон вилояти Избоскан ноҳиясидаги 11-мактаб ўқувчиси:

— Комсомол ташкилотлари эски иш услубларидан воз кечиб, самарали натижа берадиган иш юритиш тартибига ўтса, хусусан ўқувчиларга, айниқса мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларга амалий ёрдам берган бўлур эди. Акс ҳолда, комсомолнинг келажаги ҳақида бир нима дейиш қийин.

Мен съездда сўзга чиққанимда бошланғич комсомол ташкилотларидаги муаммолар ҳақида гапирган бўлар эдим. Масалан, қоғозбозлик иллатини олиб кўрайлик. Бирон тadbир ўтказиш учун дарров қарорлар билан папкалар тўлади. Комсорглар қилинмаган ишларни ҳам «бажарилди» деб ёзиб қўйиши мумкин. Юқоридан келганлар ҳам бу ҳужжатларни варақлаб кўриб, «Э, бу дўстимиз жуда яхши ишляпти экан» деб кетаверадилар. Ўқувчилар билан суҳбатлашиш йўқ. Ҳолбуки юқоридан келганлар салгина «эгар»ларидан тушиб, ўқувчилар билан мулоқотда бўлсалар, қилинган ишларнинг ҳақиқий натижасидан бохабар бўлардилар.

Қолаверса, комсомол ташкилотлари ёшларнинг манфаатини жон-жаҳди билан ҳимоя қилсин. Токи, ҳар бир ёш комсомол қиёфасида ўз суянчиғини, йўлбошчисини кўрсин. Шунда комсомолга тарғиб-ташвиқ орқали эмас, ёшларнинг ўзи югуриб кирадиган бўлади.



Ойсўлтон Қодирова, Сурхондарё вилояти Ангор ноҳиясидаги 30-ўрта мактаб ўқувчиси, мактаб бошланғич комсомол ташкилотининг котибаси:

— Менга съезд минбаридан гап тегмади. Лекин, мен хафа эмасман. Съездда сўзга чиқиш шарт эмас. Барибир юксак минбардан айтилаётган муаммоларнинг ҳаммаси ҳал бўлавермайди. Энди муаммолар ҳақида.

Мактабни битиргандан кейин ёшларнинг ўқишга киргани бор, ишга жойлашгани бор, на ўқишнинг, на ишнинг бошини тута олмаётганлар бор. Чунки, ишга кирай деса иш, ўқишга кирай деса имкон йўқ. Бекорчиликдан майда безориликдан тортиб, миллатлараро жанггача фожиялар содир бўлмоқда.

...Халқ таълими вазирлиги томонидан янги дастурлар қабул қилинди. Яхши. Лекин қани шунга яраша дарсликлар, ўртоқ вазир?! Ўқув қуролларининг тақчиллиги-чи? Дафтар учун қоғоз йўқ эмиш. Агар юқоридан ўтирган шляпани амакилар ўйлаб иш юритганларида китоб магазинларида йиллаб чанг босиб ётган «тирик классик ёзувчиларимизнинг китоблари ўрнига дарсликлар чиқаришнинг ҳаракатини қилган бўлур эдилар.

Ёш бошим билан шулар ҳақида ўйлаб, ҳеч ўйимга ета олмайман.

Р. АЛБЕКОВ суратлари.

ҚАТРАЛАР Муаллиф

Қишлоғимиз билан телефонда гаплашгани алоқа бўлимига кирдим. Алоқачи аёл жиндек кутиб туришимни айтди. Йўлакда ўртага қўйилган стол ёнига бордим. Бирдан «Камтарлик ва хушфёъллик — олижаноб фазилат» деган китобга кўзим тушди.

— Ия, яхши китоб экан, қайси магазиндан олдингиз? — шошиб сўрадим қорачароқ йигитдан. Йигит эса, китобни юлқиб қўлига олди-ю, такаббурлик билан деди:

— Ҳеч қардан олганим йўқ. Ўзим ёзганман! — Ёнимдаги ёши улугроқ одам ҳам кўриш орзусида китобга қўл узатганча қолди. Китоб муаллифи гурс-гурс юрди-ю, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди...



Кенжатоининг жавоби

— Ойингни яхши кўрасанми, меними?
— Мени яхши кўрасизми, акамими? — деди кенжатоим саволга савол билан.

Азоб

Фикрлар, ташбеҳларга бой мисралар — қасқонга тушиб қолган олмахондай — мияда, дилда айланар, тўхтайдеса эрк, ёзай деса қалам йўқ, қалам топилса қоғоз йўқ, шивир-шивир, қимтилган лаблар шивир — гирдибодга ғарқ бўлаётганга ўхшайди одам!..



Ибодат

Юз ёшни қоралаётган Мулла Абдуқодир ота катта-кичик ўлтирган даврага дедилар: «Хотинга, болаларга, невараларга ширинсуханлик ҳам ибодатдир!..»

Нуриддин БОБОХУЖАЕВ,
Наманган.

ЁШЛИК - КЎШ ҚАНОТ ДЕМАК

**Фарғона вилояти Ўзбекистон ноҳия партия кўмитаси
биринчи котиби Анвар ЭРКАБОВЕВ билан сўхбат**

— Анвар ака, биласиз бизнинг «Ёш куч» ойнама-миз асосан ўсмирларга, жумҳуриятимиз ёшларига мўлжалланган. Сиз маълум мuddат комсомолда ишлаб ноҳия ёшларига бош бўлган экансиз. Айтингчи, сиз учун ёшлар билан ишлаш қийин бўлганми ёки ҳозирги шиддаткор давримизда партия кўмитасини бошқариш масъулияти оғирроқми?

— Тўғри, мен 1966-70 йилларда ноҳия комсомол кўмитасида ишлаганман. У пайтларни тез-тез эслаб тураман. Комсомол асосан ёшларнинг жамоат ташкилотли, шунинг учун унинг ўзига хос томонлари бор. У ерда ҳамisha ёшлар билан биргасан. Орадан шунча йиллар ўтиб ўша кунларни хотирласанг, энди-энди кўп нарсалар ойдинлашгандек, фикрлар тиниқлашгандек бўлади. Биз ишлаб юрган пайтларда ҳам ҳозиргидек ёшлар орасида муаммолар кўп эди, уларни ҳал этиш эса кўпинча ўзимизга боғлиқ бўлмасди. Уша пайтларда комсомол кўмиталарида асосан ёшлар тарбиясига, дўстлик, байналмилал тарбия, Ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат, ўзига юкланган жамоат топшириқларини астойдил бажаришга, кичик жамоат топшириқларини ҳис қилишга, ёшларни келажакка тайёрлаш, касб-ҳунар ўрганишларига, уларда ўзаро ишонч, эътиқод туйғуларини камол топтиришга кўп аҳамият берилар эди. Айниқса, ёшларнинг меҳнат тарбиясига эътибор катта эди. Бу мақсад йўлида кўплаб ўқувчи комсомол-ёшлар бригадалари ташкил қилинарди. Лекин гоҳо бу ишларга керагидан, мўлжалдагидан ортиқ талаб қўйиб юбориларди, натижада ёшларнинг мустақиллигига, ўқишларига ҳалақат бериларди. Бирок, мен ҳозир ҳам ўша вақтлардаги меҳнат тарбиясининг аҳамияти катта бўлган, деб ўйлайман.

Ҳозир комсомол ҳақида ҳар хил фикрлар айтилмоқда. Хўш, ҳозир комсомол зарурми?! Очиғи, ёшлар ташкилоти олдига бу саволнинг қўйилиши ўзи ғайри табиий. Ахир, комсомол ёшларнинг жамоат ташкилоти-ку. Тўғри, қайта қуриш муносабати билан ёшларнинг дунёқарашлари ўзгармоқда, лекин шу дунёқараш ўзгарган ёшларга ҳам комсомол керак, деб ўйлайман. Фақат у ерда ишлаётганлар ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб ўз иш жараёнларини янгитдан ташкил этсалар, ёшларнинг юра-сига қўл солсалар, уларнинг дарди-ўйи билан яшасалар. Бу ишларни қилиш учун эса ҳозиргидек кенг майдон ҳеч қачон бўлмаган. Комсомол — илгари керак бўлган, ҳозир ҳам, келажакда ҳам керак! Хўжалик механизми билан боғлиқ бўлган ёшлар ташкилоти сира кун тартибидан тушмаслиги лозим!

Комсомол ўз фаолиятида қайси формада ёшлар ташкилоти бўлиб қолишидан қатъий назар у сира ҳам меҳнат тарбиясини эсдан чиқармаслиги, ҳеч қачон ёшларнинг камолат ўчоғи бўлмиш мактабларда меҳнат тарбиясини, касб-ҳунарга бўлган эътиборни, эътиқодни сусайтирмаслиги керак. Ёшлар ташкилотини бўлар-бўлмас хўжалик ишлари йўналишига, иқтисод, кооперативлар фаолиятига боғлаш вериш нотўғри деб ўйлайман. У асосан ўзининг тарбиявий ишларини қилиши — ёшларни келажакка тайёрлаш лозим, уларда Ватанга, меҳнатга муҳаббат туйғуларини, касб-ҳунар кўникмаларини ҳосил қилиши лозим. Шунинг учун комсомол ташкилотлари ҳар хил кооперативлар орқали эмас, балки давлат томонидан маблағ билан таъминланиши керак.

Энди саволингизнинг иккинчи қисмига тўхталсак: ноҳия фирқа кўмитасида ишлаш масъулияти комсомолдагидан бутунлай бошқача. Чунки районнинг сал кам 170 минг аҳолисининг барча муаммоларининг бир учи ноҳия фирқа кўмитасига келиб тақалади десам муболага бўлмас. Шунинг учун бу муам-

моларнинг, қилинадиган ишларнинг масъулияти ҳамisha кўз олдидан туради.

Ҳозирги қайта қуриш даврига келиб ноҳиядаги социал масалалар хусусида кўп хатоликлар борлиги очилди, партия кўмиталари қилиши керак бўлган ишлар юзага чиқди. Айниқса, булар ичида мураккаб, чигал масалалар ҳам кўп: ёшларни иш билан таъминлаш, қишлоқларнинг социал, маданий шароитларини яхшилаш шулар жумласидандир. Булар эса жуда катта ҳажмдаги ишни талаб қилади. Энди бу ишларни аввалгидек буйруқбозлик билан амалга ошириб бўлмайди. Уларни бажариш учун аввало халқ сафарбарлигини ташкил эта билиши, коммунистларнинг жавобгарликларини, масъулиятини ошириш, муаммоларни иқтисодий йўллар билан ҳал қилиш, муҳими одамларнинг партияга бўлган ишончларини йўқотмаслик даркор. Бу соҳадаги ишларимизга Президентимиз И. А. Каримов томонидан қабул қилинган кўплаб қарорлар ёрдам берапти. Уларнинг бажарилишини назорат қилиш учун эса партия кўмиталарининг ёки хўжалик коммунистларининг масъулиятларини оширишни замон талаб қилапти.

Ҳозирга келиб қуруқ ваъдалар билан одамларни ишонтириш вақти ўтди, энди фақат амалий иш билан одамларни ишонтириш мумкин. Бунинг учун эса қилинадиган ишларни аниқ режалаштириш, кўз илғамас резервларни излаб топиш керак, энг муҳими эса одамларни ўзлари қилаётган вазифаларни бажаришларига астойдил йўналтириш билишлари зарур.

— Сиз комсомолда ишлаганингизда ёшларга кўпроқ ёрдамнингиз тегармиди, ёки ҳозир?

— Комсомолда доимо ёшлар орасида бўлардик, ёшлар муаммолари билан бирга яшардик. Очиғини айтсам, ҳозир шароит тақозоси билан ёшлар орасида кам бўламан, лекин улар қўйган масалаларни, кўтариб чиқаётган муаммоларни ҳал этишда иложи борича уларни охирига етказишга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

— Ҳозирги ёшлар билан ўзингиз улар билан ишлаган даврдаги ёшлар орасида қандай фарқларни, фазилатларни кўрасиз?

— Мен ишлаган олтинчи йилларнинг ёшларида меҳнатсеварлик, ўзаро бир-бирларига ишонч, ўзидан катталарга ҳурмат кучли эди. Аммо уларда фикрлар хилма-хиллиги ва мустақиллиги, журъат камроқ эди. Ҳозир қайта қуриш шарофати билан ёшлар ҳам уйғонди. Ҳозирги ёшлар мустақил фикрловчи, масалаларни дадил кўтариб чиқувчи, журъатлироқдир. Лекин уларда меҳр, байналмилаллик руҳи, ўзаро ҳурмат сусайган. Бунга сабаб эса ҳозирги шароитни тўла-тўқис тушуниб етмаслиқдир. Илгари тарбияга эътибор кўп бўлган, ҳозир эса камроқ. Айрим ҳудудлардаги айрим кучларнинг таъсири ҳам бу тарбияга ўзининг салбий кучини ўтказмоқда. Айниқса, 16-ўшдаги йигит-қизлар эргашувчан бўлади. Юқоридаги салбий ҳолатлар эса ёшлар орасидаги миллатлараро муносабатнинг сусайишига олиб келмоқда. Кейин мамлакатдаги ҳодисаларни гоҳида ўз вақтида ёшларга тўғри тушунириб беролмаётганимиз ҳам бу салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Лекин ҳозирги қайта қуришни рўқач қилиб, айрим ёшлар онгли, маълум мақсадга қаратилган талаб, тақлиф ўрнига иқтисодий жиҳатдан асосланмаган, камроқ меҳнат қилиб ёки умуман меҳнат қилмай мақсадга эришувчи тақлифларни ҳам кўтариб чиқишмоқда. Менимча, ўтмиши ҳадеб титкилайвермай ҳозирги ҳаётимизни таъминлайдиган социал-иқтисодий ишларга эътиборимизни қаратишимиз ке-

рак. Шунингдек, ҳар ким ҳам қайта қуришдаги ўз ўрнини топиши лозим.

— Ҳозир партия ҳақида ҳар хил фикрлар айтыл-япти. Сиз ўз партиянгиз — коммунистлар партиясининг келажакига қандай қарайсиз?

— Партиянинг келажакига тўла ишонч билан қарайман. Чунки биз ўзимиз йўл қўйган камчиликларни ўзимиз очиб, келаятган зарбани, ўтмиш ўзимизга қаратдик. Энди ҳозирги демократия шароитида ҳали йўқолмаган халқ ишончини оқлай олсак, ҳаммаси яхши бўлади.

Мен кўп партияликка ҳозирги шароитда салбий муносабатдаман. Сабаби бизда халқ ошкоралик, қайта қуриш ва демократияни у қадар тушуниб етиши осон бўлмаяпти. Гоҳо турли шорлар остида кўп жойларда норози гуруҳлар тузилапти, улар эса тузумни ўзгартиришгача бўлган уринишларга бошқ бўлмоқда. Лекин улардан ҳам эл-юртга, халққа, Ватанга фойдаси тегадиган илғор фикрларни ҳамisha олиш керак. Бироқ бир партия сафида бўлиб ҳам яхши фикрларни айтиш, биргаликда, ҳамжиҳат ҳаракат қилиш мумкин.

— Ноҳияда ёшлар учун қандай маданий-маиший шароитлар яратиб берилмоқда?

— Мактабларимизнинг ҳаммасига спорт майдончалари ажратилган. Янги беш йилликда ёшлар учун бир неча клублар ҳамда 3,5 миллион сўмлик спорт-комплекс қуриш режалаштирилган. Булардан ташқари ёшларнинг ҳозирги талабларига мослаб маданият саройи, пионерлар саройи лойиҳалаштириляпти. Яқинда эса «Пахтакор» ва Фафур Фулом номли жамоат хўжалигида қурилган маданият саройлари ишга туширилди.

— Анвар ака, 1989 йилда бўлиб ўтган Фарғона воқеалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Айниқса, бу воқеалар уларни ўз кўзи билан кўрган фарғоналикларнинг қалбида ўчмас из бўлиб қолди. Бу воқеаларнинг юз беришини ҳар ким ҳам талқин қил-япти. Сиз бир фарғоналик сифатида уларнинг сабаби қаерда деб ўйлайсиз?

— Бу воқеаларни келтириб чиқарган ва улардан манфаатдор маълум кишилар бўлган. Кўплар уни социал шароитларга боғлашяпти, ким билади дейсиз... Балки бу гапларда ҳам оз-моз жон бордир.

Аслида ёшлар бу ҳодисалар нимага олиб келишини билмай кимларгадир эргашиган, онгли равишда эмас албатта.

— Ёшларнинг одоби, тарбияси ҳақида, улар орасидаги ишсизлик ҳақида нима дея оласиз?

— Аввало биз одоб-тарбия ҳақида гапиришимиздан олдин ишсизлик муаммоси ҳақида бош қотиришимиз керакка ўхшаб қолди. Чунки кўпгина тарбия бузилишларнинг ҳам, жиноятларнинг ҳам илдизи бекорчиликка бориб тақалапти. Ахир «бекорчидан — худо безор» деб бекорга айтилмаган-ку. Биз ишсизлик иллатидан қутулсак, ёшларни тўла-тўқис ишга жалб қилсак, улар орасидаги жиноятчиликнинг кўпайишининг олдини олган бўламиз. Ҳозир биз ҳам айни шу йўлдан бормоқдамиз. Ноҳиямизда 3.000 ишсиз бор. Биз улар учун тинмай янги ўринлар қидираймиз. Утган йили ноҳиямизда «Феркон» (Фарғона конденсатор ишлаб чиқариш) заводи қурилишини бошлаб юбордик. У битса, 1200 ёш иш билан таъминланади. Бизда Қурган вилояти тикув савдо бирлашмасининг филиали очилди, натижада беш юздан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди.

Шўрсувдаги механика заводи, тоғ кимё ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўян қуйиш цехи, 98-МПМК қошидаги гишт цехи, «Қўқон» давлат хўжалигида

консерва тайёрлаш цехи, Ленин номи давлат хўжалигида миллий кийимлар цехи, ноҳия аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш бирлашмаси қошида сочиқ ва трикотаж тўқиш кооперативлари, ноҳия «Агрорасаноат энергияси» идораси қошидаги хўжалик совуни цехи, Яккатутдаги еттинчи қурилиш колоннаси, Қулибекдаги «Ўзбеккооператив қурилиш-монтаж» трестининг кўчма колоннаси ташкил этилиши туфай-

— Ноҳияда нечта мактаб бор! Уларда ўқувчилар учун қандай шарт-шароитлар яратилган! Бу соҳада қандай муаммоларни ечиш керак деб ўйлайсиз!

— Районимизда 72 мактаб бор. Уларда 38 мингдан ортиқ ўқувчилар таълим олади. Мактабларимизнинг 40 дан ошиги компьютерлар билан таъминланган. Утган йили 3 та янги типовой мактаб

Энди муаммоларга ўтсак: мени маориф соҳасида мактаблардаги ўқув-тарбия ишларининг олиб борилиши кўпам қониқтирмайди. Истардимки, ўқитувчилар ўқувчиларга билим бериш сифати ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилишса, қайғуришса. Чунки узоқ йиллар мактаб болалари уч-тўрт ойлаб қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиниши оқибатида ўқитувчиларнинг масъулияти пасайиб кетди. Худди шу ҳол мактабларга мутахассислар тайёрлайдиган олийгоҳларда ҳам юз берди. Шунинг учун халқ маорифида ушбу соҳада қаттиқ ўзгариш ясаш керак. Кейин ўқитувчилар орасида ўтказилаётган аттестациялар талаби ҳам, натижалари ҳам жуда суст, уларни ўтказилган ўтказилмаганини биров билди, биров билмайди. Ҳали мен палон ўқитувчи ўз касбига нолойиқ топилиб кескинроқ чора олганини эшитмадим.

Мана ўтган йили муаллимларга бир қатор имтиёзлар берилди. Бу албатта яхши. Энди шунга жавобан улар ҳам ТАРБИЯ, БИЛИМ, МАСЪУЛИЯТни оширишлари лозим.

— Анвар ака, кўп жойларда Советлар раиси қилиб ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиблари сайланди. Сизларда ҳам шундай бўлибди. Шунинг учун сўнги саволларимни шу хўсусда берсам.

— Марҳамат!

— Янгидан ташкил бўлган ноҳия Совети Президиуми ўз йиғилишларида комсомоллар, ёшлар масалаларини ҳам муҳокама қилишяптими!

— Ноҳия Совети ўз йиғилишларида мактаб, маориф соҳасидаги йиғилиб қолган муаммоларни ўрганишяпти. Масалан, ўтган йилги бир йиғинда доимий комиссия мактабларда ўқувчиларни иссиқ оқат билан таъминлаш масаласини кўриб чиқиб ошхоналар етишмаслигини аниқлади. Ушандан кейин 13 та мактабда ўқувчилар учун янги ошхона биноси қуриб ишга туширилди.

— Сиз — ҳам ноҳия партия қўмитаси биринчи котиби ҳамда ноҳия Советининг раиси экансиз. Ойликни қаердан оласиз!

— Ойликни Советлардан оламан.

— Ҳозирги партиянинг обрўси бир қадар тушиб кетаётган шароитда, Сиз маошингизни партиядан олиб, ўзингизнинг асосий кўчингизни партия обрўсини кўтаришга қаратсангиз бўлмайди! Еки демақчиманки, ноҳияларда юқорида айтган икки амални бир киши қўшиб олиб боришига кўпчилик турлича фикрда. Сиз бунга қандай қарайсиз!

— Ҳозирги шароитда ойликни қаердан олишдан қатъий назар асосий эътиборни Советларнинг ролини оширишга қаратган яхши, чунки узоқ йиллар давомида ҳокимият Советларда бўлмагани учун одамларнинг асосий ишончи ёлғиз партияга боғлиниб қолган эди.

Менинг назаримда, умуман партия у масала билан, Советлар бу масала билан шуғуллансин, деб масалани бундай қўйилишининг ўзи нотўғри. Чунки асосий мақсад халқ оғирини енгил қилиш, ноҳиядаги социал, маданий, маиший муаммоларни бартараф этиш бўлгач... Бу масалалар эса барчага тегишли. Партия — халқ ғами, халқ дарди билан яшаркан партиянинг Советларга раҳбарлигини мен табиий бир ҳол деб биламан.

— Анвар ака, сўнги савол: ташвиқот ишлари ҳамisha ёшларнинг тарбияси билан чамбарчас боғлиниб кетган. 1991 йил учун ёшларнинг обуна масалалари ноҳияда қандай ташкил этилди!

— Биз обунада ҳам эски сийқаси чиққан «команда» усулидан батамом воз кечдик. Фақат қайси нашр кимларга кўпроқ наф келтириши ҳақида тушунтириш ишларини олиб бордик, холос. Энди ноширларга келсак, шу ўринда ўзбекларнинг эски бир гапини эслатай: «Ҳар ким суйган ошини ичади» деган гап бор. Ким ёмон масаллик тайёрласа, энди ўшани ҳеч ким ичмайди. Ҳа, ҳозир замон шунақа, одамлар ҳам танлаб, ўйлаб ёзиладиган, ўқийдиган бўлиб кетди. Биргина бизнинг Ўзбекистон ноҳиямиздан сизларнинг «Еш куч» ойнамаларингга 10.000 муштарийнинг ёзилишини ўзи юқоридаги гапларимнинг исботи бўлиб турибди. Демак, сизлар тайёрлаётган ош кўпчиликка, айниқса, ёшларга хўш келмоқда. Шу ўринда инқирозга юз тутиб, ўз ўқувчиларини йўқотаётган нашрлар авваламбор ўзларидан ўпкалашсин.

— Анвар ака, мазмунли сўхбатингиз учун Сизга катта раҳмат!

Сўхбатдош —
Адхам ДАМИНОВ,
«Еш куч»нинг махсус муҳбири.
Яйпан.




ли ҳам 2.700 дан ортиқ ёшлар сўнги икки йил ичида иш билан таъминланди.

Бу йил пахтаи қайта ишлаб чиқарадиган Момиқ фабрикаси, Керамзит заводи, Яйпан тикувчилик фабрикасининг 2-навбати қурилишини бошлаб юбордик. Булар ҳам ишга тушгач ишсизликни камайтиришга ёрдам беради.

фойдаланишга топширилди. 5 та мактабда қўшимча синф хоналари қурилди. Бу йилдан 7 та янги замонавий мактаблар қурилиши бошланди. Мактабларимизнинг 40 фоизи бир сменада ишламоқда. Лекин 10 та авария ҳолатидаги мактабимиз борлиги бизни ташвишга солмоқда. Ҳозир улар ўрнига замонавий мактаблар қуришни режалаштиряпмиз.

ЯЙПАНЛИК ШИФОКОРЛАРНИНГ

ЮТУҚ ВА ТАШВИШЛАРИ



Абдуқаҳдор УЗОҚОВ, жарроҳ, бу соҳада 18 йиллик тажрибага эга. Ўзбекистон ноҳияси Марказий шифохонасининг бош вақри:

— Мен сўзимни ўтган йили илк бор ўтказилган жумҳуриятимиз врачларининг I съезидан бошламоқчиман. Унда шифокорларимизнинг халқимиз олдида бажариши лозим бўлган долзарб муаммолар — қишлоқ аҳолисига тиббий хизматни янада яхшилаш, оналикни, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, болалар ўртасидаги ўлимни камайтириш масалалари атрофлича ўрганилиб, бу тўғрида зарур кўрсатмалар берилди. Биз ҳам ишларимизни асосан юқорида тилга олинганидек, қишлоқ меҳнатқашларининг соғлиғини яхшилашга, юқумли касалликларнинг олдини олишга, оналар ва болалар соғлиғини сақлашга, бунинг учун профилактик тадбирлар кўламини кенгайтиришга қаратмоқдамиз. Натижада ноҳия аҳолисининг соғлиғини сақлашдаги кўрсаткичларимиз йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Масалан, ўтган йили болалар юқумли касалликлари бўлимидаги ўринлар сони 250 га етказилди, унинг таркибида 6 ўринли реанимация бўлими очилди. Ушбу тадбир самарасида мингта туғилиш ҳисобига болалар ўлими 1989 йилга нисбатан 57 дан 33 га тушди. Уткир ошқозон-ичак касалликлари, юқумли сариқ касалликлари камайтиди.

Шифохонамизда жазми 1600 га яқин ўрин бўлиб, врачларимиз эса 333 та, уларнинг 40 дан ошиги олий ва I даражага эга. Умуман, бизда ҳар 10.000 кишига 18 врач тўғри келади. Лекин бу ҳали жуда кам. Ахир Тошкентда бу кўрсаткич 87 га тенг.


Энди қилинаётган ишларимизга тўхталсак, ўтган йилнинг ўзида 4 қишлоқда янги врачлик амбулаториясини очдик. Қишлоқлардаги фельдшерлик, акушерлик пунктларини марказий шифохонамиз ихтиёрига ўтказиб олдик. Бунинг самараси катта бўлди. Ахир илгари улар қишлоқ Шўролари ихтиёрида бўлиб, у ердаги тиббиёт ходимлари гоҳо асосий ишдан чалғитилиб, гоҳ пахта теримига, гоҳ пичан ўришга деб далага чиқишга мажбур этиларди.

Бизда соғлиқни сақлаш учун 89-йилда 5 миллион сўмлик маблағ сарфланган бўлса, бу кўрсаткич 90-йили 6 миллионга, бу йил эса 8 миллионга кўпайтирилди.

Мени бир врач сифатида ишга келаётган кадрларнинг, айниқса, ўрта медицина ходимларининг малакаси пастлиги кўп ўйлантиради. Ўрта ўқув юрларини қўя турайлик, гоҳида тиббиёт олийгоҳларида оддий ЭКГлар етишмайди. Шунинг учун баъзи олий маълумотли докторлар ЭКГ ёзувларини фарқлай олмайди. Бундай ҳолларга йўл қўймаслик учун аввало тиббиёт билимгоҳлари етарликам моддий-техника базаси билан, малакали мутахассислар билан таъминланган бўлишлари керак.

Бу каби моддий-техник таъминотнинг танқислиги бизда ҳам бор. Масалан, қаттиқ жиҳозлар (айниқса, болалар учун) — стол, стул, мебеллар, замонавий тиббиёт асбоблари, аппаратлар, бир марта ишлатиладиган шприцлар (уларнинг миқдори 8-10 фоизга ҳам бормади) етишмайди. Дори-дармонлар масаласида ҳам аҳвол шу.

Ўрни келиб қолди, бизни кўп қийнайдиган бир муаммони ҳам айтиб ўтай, ҳар йили шифохонамиздаги кўплаб бинолар ремонт қилинади. Очиғи, капитал ремонт деса юрагимиз шув этади, чоп-чоп бошланади. Касбимиз врачу биз ҳали труба ахтарамиз, ҳали тахта қидирамиз... Қўлимизда пул бору, қурилиш материални топа олмаймиз. Кейин ҳар хил ташкилотларга ялинишни бошлаймиз. Ахир йилига бизда 300000 сўмлик қурилиш ишлари қилинади. Бунинг ўзига яраша ташвиши бўлади-да. Шунинг учун мен истардимки, ноҳияларнинг марказий шифохонаси қошида қурилиш бригадалари ташкил этилса, бу ишга мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари бош-қош бўлса. Шунда ҳар ким ўз ишини қилган бўларди — врач инсон саломатлиги ташвишида жон куйдириш ўрнига, қурилиш материали қидириб юрмасди...




Хусанбой ОМОНОВ, ноҳия стоматология поликлиникаси бошлиғи, 23 йилдан буён шу соҳада ишлайди, 1969 йилда Тошкент тиббиёт олийгоҳининг стоматология бўлимини тугатган.

— Поликлиникамиз 1972 йилда иш бошлаганда бор-йўғи уч врач хизмат қиларди. Энди ноҳиямиз аҳолисига малакали 39 стоматолог врач хизмат кўрсатмоқда. Бизда тўртта — жароҳлик, тиш протезлари қўйиш, даволаш ва болалар тиш касалликлари бўлимлари бор. Булардан ташқари махсус «Рентген диагностикаси», «Физиотерапия даволаш» хоналари мавжуд. Физиотерапия хонасида беморларни лазер ёрдамида даволашни йўлга қўйганмиз. Поликлиникамиз мамлакатимизда чиққан энг сўнгги замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Ишни икки сменада ташкил этганмиз, кунига 300 беморга ёрдам кўрсатамиз. Ноҳиямиз ҳудуди катталигини ҳамда аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиб, Шўрсув посёлкасида, Нурсух ва Яккатутда, 1,2,34-мактабларда тиш кабинетлари очганмиз. Биз ўз ишимизда ҳамisha касални даволашдан кўра, олдини олган яхшироқ, деган тиббиётнинг олтин қондасига амал қиламиз. Шунинг учун тез-тез дала шийпонларида, завод ва фабрика ишчилари орасида, мактабларда бу хусусда тушунтириш иш-

ри олиб борамиз. Бу тадбирларда врачларимиздан Рўздатжон Ҳайдаров, Аҳмадали Мелиқўзиев, Собиржон Маҳкамовлар доим жонкуярлик қилишади.

Биз ҳар йили ўз ишимизни ўқувчиларнинг ва мактаб ёшидаги тарбияланувчиларнинг профилактик кўриқдан ўтказишни режалаштиришдан бошлаймиз. Ўтган йили поликлиникамизнинг болалар бўлими қошида махсус профилактик бригада ташкил этдик. Ҳозиргача Яйпан шаҳридаги болалар тўлиқ кўриқдан ўтказилди. Яқинда барча бўлими мавжуд бўлган ҳаракатдаги бригада ташкил қилмоқчимиз. Натижада профилактик назорат ишларини ўтказишга жойларнинг ўзида имконият туғилди. Кейин поликлиникамизда фосфор цехини очмоқчимиз, тишларга нитротитан билан ишлов беришга (пўлатга ишлов бериб, тилла рангдаги протезлар қўллашга) ўтмоқчимиз. Ўтган йили марказий шифохонамизда тиш касалликлари билан оғриган беморларга мўлжалланган 10 та стационар койка ажратдик.

Маълумки, тиш оғриғи кўпинча тунда хуруж қилади. Буни ҳисобга олиб поликлиникамизда кечаси 3,5 врачлик нормасида тунги навбатчилик ташкил қилганмиз.



Мухибилло МАМАДАЛИЕВ, Яккатутдаги участка шифохонасининг ноҳиялараро урология бўлими бошлиғи, 16 йиллик иш тажрибасига эга, Андижон тиббиёт олийгоҳини 1974 йил битирган, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати.

— Мухибилло ака, Сизни уролог врач сифатида нималар безовта қилади!

— Пешоб йўллари ва жинсий органларнинг туғма етишмовчиликларини бартараф этиш бўйича Тошкентда, Фарғонада қандай жарроҳлик ишлари қилинса, бизнинг ноҳиялараро урология бўлимида ҳам бу ишлар қилинади. Бўлимида дастлаб 5 беморга мосланган ўрин бор эди, ҳозир 40 койкамиз бор. Ишимиздаги сифат ва бошқа кўрсаткичларни вилоят, жумҳурият кўрсаткичларига етказдик. Бир йилда 200 дан зиёд операция ўтказамиз. Илгари бундай операциялар учун беморлар Фарғонага, Тошкентга югуришиб, сарсон бўлишарди.

— Соҳангизда қандай муаммолар бор!

— Ҳозирга келиб экологик мувозанатнинг бузилиши натижасида кишилар ўртасида тош касалликлари кўпайиб кетди. Биз кўпгина беморларни операция қилиб, организмнинг турли қисмларидаги тошдан уларни халос этяёмиз, лекин кўпинча беморлар тузалиб кетишгач, бир-икки йилдан сўнг яна ўша жойда тош пайдо бўлиш ҳоллари кузатиляпти. Шунинг учун уларнинг жароҳати га ҳадеб тиғ ураве-риш фойда беравермайди. Шу сабабли бизга масо-фадан туриб тош майдалайдиган замонавий аппаратлар керак. Ҳозир биз жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда жумҳурият бош урологи билан келишиб, Исроилда ва Германияда чиқариладиган замонавий аппаратларни олишга ҳаракат қилаямиз.

— Депутат сифатида қайси ишларга бош-қош бўляпсиз!

— Энг аввал мени қишлоқлардаги тиббий хизматни яхшилаш қизиқтиради. Шу ўринда бир мисол келтирай. Ноҳиямиздаги Пахтақайнар, Ленин номи жамоа хўжаликлари ҳудудида яшайдиган аҳоли шундоққина Қўқон шаҳрига яқин жойлашса-да, шаҳарда даволана олишмайди. Бу хусусда аҳоли ҳамisha оғиз очиб келарди. Охири бу ишга ўзимиз киришдик ва бу хўжаликларнинг 23.000 аҳолиси энди тиббий хизматни Қўқон шаҳридан оладиган бўлди.

Яқинда ноҳия ҳудудидаги 2 шифохонага 2 та ренген аппарати олишга эришдик. Узимизнинг шифохонадаги 240 ўрин 300 га етказилди. Бу ерда келгусида янги болалар бўлими, реанимация бўлими очмоқчимиз. Ҳозир бу ишлар лойиҳалаштирилмоқда.

Булардан ташқари Уқчи қишлоғи газлаштириляпти, у ердан кетадиган газ қувурлари орқали тагин 8 қишлоққа табиий газ боради. Қораёзбобо қишлоғидаги Қораёзбобо мақбарасини Маданият вазирлиги қарамоғига олди. Янги йилдан у ерда таъмирлаш ишлари ўтказилади. Ноҳияда ишсизликни камайтириш, уй-жой муаммоларини ҳал этишда ҳам кўлимдан келганча ҳисса қўшяпман.

— **Врач сифатида қандай муаммолар тезроқ ҳал бўлишини истардингиз!**

— Жумҳуриятимиз Олий Кенгаши соғлиқни сақлаш борасида ҳам тегишли қонунлар қабул қилиши зарур, деб ўйлайман. У врачларнинг ҳуқуқини, даволанувчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиши лозим. Баъзан матбуотда врачлар ҳаддан ташқари урилади. Лекин бунинг ўта ортиқчаси ҳам... Ахир беш қўл баробар эмас-ку.

Қишлоқлардаги кўпгина фельдшерлик-акушерлик пунктлари мосланган биноларда жойлашган, энди улар учун ҳам замонавий бинолар қуриб, илғор тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш пайти келди. Шу ўринда у ерларда ишлайдиган фельдшерлар ойлигини камлигини айтиб ўтай.

Кейин ёшлар ўртасида бепарзандлик кўп. Гоҳо бунга арзимаган иллат, бепарволик сабаб бўлади. Уларнинг олдини олиш, даволаш мумкин. Бунинг учун эса мактаблардаги тиббий кўрикларни қўл учида эмас, жуда пухта ўтказиш керак.



Мурод ОТАМИРЗАЕВ, марказий шифохонанинг кўз касалликлари бўлими бошлиғи, Андижон тиббиёт олийгоҳини 1975 йилда тугаллаган, 1 даражали врач:

— Бизнинг кўз касалликлари бўлимимизда тўрт нафар врач ишлайди. Бу аҳоли сонига нисбатан барибир кам. Шифокорларимиз поликлиникада кунига 70-80 беморни қабул қилишади, ҳафтасига эса 6-8 бемор кўзини операция қиламиз. Айниқса, кўз гавҳари операциясини кўп ўтказамиз. Бу дардга кўпинча қариялар чалинишади. Бўлимимизда 25 бемор ётиб даволаниши учун ўрин бор.

Мени врач сифатида ўз касбим бўйича безовта қилган муаммолар ҳам йўқ эмас. Аҳоли ўртасида узоқни яхши кўролмаслик, кўз яллиғланиши, кўксув (кўз ички босимининг зўрайиши) касалликлари тобора кўпаймоқда. Айниқса, ёшлар орасида кўз яллиғланиши ошиб кетган. Илгари бундай эмасди. Булар асосан турли шикастлар, техника хавфсизлигига амал қилмаслик, бир пайтлар далаларда билиб-билмай қўлланилган кимёвий заҳарлар таъсирида пайдо бўлмоқда. Масалан, бизда биргина кўксув касаллиги бўйича 360 киши рўйхатда туради. Гоҳида эса кўпчилик кўз оғриғига, кўз шикастланишига вақтида аҳамият бермайди. Унинг олдини олмайди, токи кўзи бир аҳволга тушса, ёки кўрмай қолгандагина врачга учрашади. Шунга кўра буларни олдини олиш учун тиббий кўрикларни пухта уюштиряпмиз, ноҳия радиосида, матбуотида тез-тез чиқишлар қилиб тура-миз.

Ўрни келганда яна бир муаммони тилга олиб ўтай, бизга кўз касалликлари учун мўлжалланган «Оптик» микроскопининг сўнгги замонавий тури келмаяпти, биз эса бу туркум микроскопининг эскисини, яъни Қўқон шаҳридан янгиси олиниши билан ортиқча бўлиб қолганларини олиб келиб ишлатиб юрибмиз. Бу эса албатта ишимиз ривожига салбий таъсир қилади. Кейин бизнинг соҳа бўйича асбоб-ускуналар камчил, кўпини ўзимиз югуриб юриб, турли шифохоналарга бориб, сўраб-суриштириб топамиз. Агар бу тақчиллик, камчиликларга барҳам берилса эди, биз ҳам ўз иш самарамиз жиҳатидан шаҳарлардаги замонавий кўз касалликлари шифохоналаридан қолишмасдик.



Насвали ТУСМАТОВ, жарроҳ, ноҳия марказий шифохонаси реанимация бўлими бошлиғи, 1970 йилда Андижон тиббиёт олийгоҳини тамомлаган, шу кунгача 4 мингдан ортиқ турли жарроҳлик операцияларини ўтказган.



— Мени бир жарроҳ врач сифатида ҳамиша ўз соҳамдаги камчиликлар безовта қилиб келади. Бизга кўпинча жароҳатларни тикувчи, наркоз берувчи, ультразвук системаларининг замонавий турлари жуда кеч етиб келади. Бунга сабаб асосан медицина техникаси ишлаб чиқариш билан шугулланувчи корхоналарнинг камқувватлиги, медицина соҳаларига ажратиладиган маблағнинг камлигида деб ўйлайман. Гоҳида бензин танқислиги авж олиб, ҳатто тез ёрдам машиналарига ҳам ёқилғи чеклаб берилляпти. Баъзан энг керакли реанимация хоналарида ҳам шароит кўнгилдагидек эмас, гоҳо иситиш системаси яхши ишламайди, гоҳида иссиқ-совуқ сув масаласи панд бериб қўяди. Ҳозир кўричак, ўт пуфаги яллиғланиши, 12 бармоқли ичак яралари ва уларни тешиши каби касалликларга кўп дуч келмоқдамиз. Уларни келтириб чиқарувчи сабаблар эса жуда кўп.

Хуллас, жарроҳлик ўта нозик соҳа. Жарроҳ бўлиш учун киши юраги шер юрагидек, қўли эса қизлар қўлидек майин бўлиши керак!

Ушбу қўш саҳифани «Ёш куч» мухбирлари Д. АДҲАМОВ, А. КУДРЯШОВ ва жамоатчи мухбир А. УСМОНОВлар тайёрлашди.

ОДОБИНИНГ — ОБРУЙИНИНГ

**Фаргона вилояти халқ таълими
бошқармасининг бошлиғи
Турсунали ҚУРБОНОВ
асаридан боблар.**



Ким қандай саломлашади?

Урф-одатлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Уни ҳеч ким ўзича кашф қилмайди, балки турмуш келтириб чиқаради, элга мансуб бўлмагани унутилади.

Ана шундай урф-одатлардан бири салом бериш одатидир.

Дунёнинг ҳамма халқлари, миллатлари ва элатларининг ўзига хос саломлашиш услуби бор.

Ҳиндистонликлар қафтларини жуфтлаб, пешонасининг ўртасига текказиб, «Намасте» сўзини айтишади. Бунинг маъноси «бош омон бўлса, ҳаммиша сиз билан бирга бўламиз» деганидир.

Афгонлар ўнг қўлини манглайга текказиб, таъзим бажо келтиришади. Бу ҳам «бошимиз омон бўлсин», деган истакни билдиради.

Хитойликларнинг саломлашиши «Чи-фин-яна» хитобини айтишдан иборат бўлади. Бунинг маъноси «Сен бугун овқатландингми? Қорнинг тўқми?» деганидир. Саломлашишнинг бундай шакли келиб чиқишини ҳам одамларнинг турмуш шароитидан қидирмоқ керак. Маълумки, Хитой тарихининг ҳамма даврларида ҳам аҳолиси кўп бўлган. Бу эса озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа масалаларни ҳал қилишда анча қийинчилик туғдиради. Хитойда қорин тўйдириш доим муаммо бўлиб келган, шу сабабли ҳайвоноту набототнинг барча турларидан таом тайёрлаш услублари келиб чиққан. Қорин оч-тўқлигини сўраш — саломлашишнинг бир шакли сифатида келиб чиқишининг босиси ҳам шунда.

Ўзбекистонда саломлашиш, кўришиш, сўрашиш, илтифот кўрсатиш ва умуман одамга нисбатан ҳурматнинг кучли эканлигини ифодаловчи бу одатнинг йигирматача шакли мавжуд. Айниқса, халқимизда миллий урф-одатларимизга кўра одобли кишилар ҳамма вақт биринчи бўлиб салом беришга улгурадилар. Кейинги вақтда халқимизнинг урф-одатларини кўпроқ динга боғлаб, таъқиб қилинганлиги ҳатто саломлашишимизда ҳам рўй берди. Айниқса, ёшларимиз танимаган кишиларига салом бериш шарт эмас, деб тушунадилар. Шу сабабли ҳам кўпгина ёшлар: «Ҳаммага ҳам салом берилаверадими? Бегонага салом бериш шартми?» — дея сўрайдилар. Ҳа, шарт. Бу одатлар ота-боболаримиздан бизгача етиб келган. Халқимиз азалдан инсонга салом беришни бурч деб билганлар. Ҳатто Муҳаммад пайғамбар ҳам бутун умр бўйи кишиларга, улар ким бўлишидан қатъий назар, хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин, биринчи бўлиб салом беришга улгурганлар.

Биз ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган бу одатни қанда қилмаймиз ва ўзимиздан кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирамиз. Бундай мероснинг энг зарур шarti: ҳар ким ўз фарзандига, шогирдига, ўзидан ёшга, болалар боғчаларида, мактабларда ва бошқа билим даргоҳларида ўсиб келаётган ёш авлодларга ўргатишидадир.

Салом-алиқ қилиш, кўришиш ҳам ўзига хос санъат бўлиб, уни юксак маданият даражасида бажармоқ зарур. Чунки, ўта зукко халқимиз кўпинча кишининг салом бериши, кўришишидаги одобига қараб қанчалик тарбия кўргани ёки кўрмаганлигига баҳо берадилар.

Маълумки, жамоатчилик томонидан бериладиган баҳо инсон ҳаётида ҳар қандай имтиҳондан юқори туради. Институтни ёки мактабни аъло баҳога тамомласа-ю, одамлар орасида ўз ўрнини, ҳурмат-эътиборини топиб, яхши ном ололмаса, у одамнинг иши юришиши анча мушкул бўлади. Шунинг учун инсонга ҳаётини баҳони ҳар доим кишилар — жамият аъзолари кўяр экан, демак, ҳар бир одам халқ томонидан юксак баҳоланишга эришмоғи лозим. Бундай юқори баҳо олишнинг бирламчи калити эса саломлашиш одобидир. Саломлашиш одобининг баъзи қоидалари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Саломлашганда

Салом бераётган одам ўнг қўлини чап кўксига қўйиб бироз бошини эгиб, очик чеҳра билан салом беради. Саломлашиш самимий бўлиб, амалига, мавқеига, уст-бошига ёки бошқа хислатларига қараб эмас, ким бўлишидан қатъий назар бир хилда бўлиши керак. Акс ҳолда оддийроқ одамга оддийроқ, амалдор ёки мавқеи юқорироқ одамга бошқача — ўта такаллуф билан салом берилса, атрофдан кузатиб турган одамлар салом бераётган кишини лаганбардор, беқарор, хушмамдғўй, дея баҳолаши мумкин. Бу эса юқорида айтиб ўтганимиздек, одамнинг кўпчилик орасида оладиган баҳосини паслатади. Яна такрор айтишни хоҳлар эдимки, одам боласи учун энг катта имтиҳон бу жамият орасида топшириладиган ҳаёт имтиҳонидир. Шу имтиҳондан доимо «5» баҳо оладиган одамлар юксак мавқега, обрў-эътиборга эга бўлишлари табиий.

*Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма ким дер они, кўргил ким надер.*

*Уч кишидин уч иш ёмон кўринур,
Санга арз айлай аҳли дунёдин:
Шоҳдин тундлуғ, ғанидин бухл,
Молға майлу ҳирс донодин.*

*Розни асра, чунки фош этгинг,
Яна пинҳон бўлурин қилма ҳавас.
Кўнглунг ичра нафас кабудир роз,
Қайтмас, кимсадин чу чиқти нафас.*

*Қуёшдек шаҳ адолат пеша қилса,
Жаҳон мулкини бир дамда ёрутқай.
Агар зулм этса ақшом зулматидек,
Ҳам ул дам тийралик оламни тутқай.*

*Юз туман нопок эрдин яхшироқ,
Пок хотунлар аёғининг изи.*

*Илмдин касб қилки, суд эрмас,
Чарх мушкулларин ҳал қилмоқ,
Лекин ул илм доғи нафъи этмас,
Билибон бўлмаса амал қилмоқ.*

*Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон,
Тутиб аксини топдим андин омон.*

*Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзингдин керакдур шикоят санга.*

*Жаҳон чорбоғики дилкаш эрур,
Йигитлик баҳори била хуш дурур.*

*Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.*

*Олам аҳли билингизким, иш эмас
душманлиғ,
Ер ўлинг бир-бирингизга ки, эрур ёрлиғ иш.*

*Фард киши даврда топмас наво,
Елғиз овучдин ким эшитмиш садо.*

*Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.
Агар адл йўқ ошқору ниҳон,
Яқин билки зеру забардир жаҳон.*

*Ёмон била яхши орасида фарқдир,
Икки кеманинг учин тутган фарқдир.*

*Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.*

*Иззати ҳаддидин кам эса хўб эмас,
Ҳаддидин ортуқ дағи марғуб эмас.*

*Кимники айлай дер эсанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг*

*Мевага мағз ўлса, бўлур пўст ҳам,
Кимсага ҳам душман эрур, дўст ҳам.*

*Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзинга кўпрак дурур.*

*Неча зарурат аро қолгон чоғи,
Чин демас эсанг, дема ёлгон доғи.*

*Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.*

ларнинг келажаги порлоқдир. Ўз оиласига, халқига, ватанига кенгроқ доирада хизмат қилишга имкон бўлади. Ўз халқига кўпроқ фойдаси тегади, жаҳон илм-фани ва техникаси ютуқларидан фойдаланиш имконияти ортади.

Сўз қадри

Инсоннинг гўзал ҳаёт кечиришида, жамият орасида ўз ўрнини топа олишида, кишиларнинг ҳурмат-эҳтиромига эришишида сўз санъатининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Ҳар бир жумласи пур маъноли, мантиқли бўлган одамнинг сўзларини кишилар мириқиб тинглайдилар. Агар нотикнинг сўз санъати бой бўлиб, чиройли сўзлаш қобилияти ҳам бўлса, унинг суҳбатини яна кўмсаб юрадилар.

Ширинсухан ва гўзал нотиклик санъатига эга бўлмоқ ҳам бахтдир. Шу ўринда Қайковуснинг қуйидаги гапларини келтириш жоиздир: «Ҳамма қобилиятлардан энг яхшиси нутқ қобилиятидир. Нутқни жуда яхши ва санъаткорона ўрганиб ол. Нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари ҳам кўп бўлади».

Ҳаётда кишилар меҳрини қозонмоқ юксак фазилатдир. Бундай одамнинг бахти очилади, иши юришади ва юксак мартабага эришади.

Ширинсуханлик ва гўзал нутқ ҳеч қачон ҳеч қаерда сотилмайди. Бунга эришмоқликнинг биргина йўли машқдир. Бу эса асосан кўп китоб (бадий адабиёт) ўқиш, шеърларни доимо ёдлаб юриш, дostonлар, халқ оғзаки ижодини тинглаш ва ўқиш йўли билан амалга оширилади. Синфда, дўстлар даврасида, оила аъзолари, тенгдош дўстлари орасида ўта тортинчоқ бўлмасдан билганларни гапириб беришга одатланиш, овоз чиқариб китоб, рўзнома, жаридларни ўқиш, эртаклар, латифалар айтиб, одамлар дилини хушнуд қилишга одатланиш — нутқ санъатини ривожлантирувчи асосий омиллардандир.

Сўз меъёри

Инсон борки, у сўзлашиш имконига эга. Сўзловчининг ўз фикрини қисқа ва аниқ ифодалаб тингловчига етказиш ҳам ўзига хос санъатдир.

Сўзга беъғтибор кишилар кичик бир мақсадни узоқ сўзлаб баён қилади. Бу тингловчининг жигига тегади, сўзловчини «эзма», «лақма» ва беодоб деб баҳолайди. Шунинг учун ҳам кишининг сўзи ихчам, меъёрли ва маълум мақсадга қаратилган бўлмоғи керак. Бир сўзни такрор ва такрор ишлатмаслик керак. Вемаъно сўз қанча кўп айтилса ҳам у бурдсиз ва бетамиз гап бўлади. Вемаъни ва бемаза сўзни бетамиз одам гапирди.

Олтин, гавҳар ва дуру жавоҳирларнинг қиммати унинг камёблигидадир. Дунёда нимаки ҳаддан ортиқ кўп бўлса, унинг баҳоси шунча паст туради. Шунинг учун ҳам халқимиз «Ариқдан оққан сувнинг қадри йўқ» дейдилар. Агар сув ариқдан оқмайдиган бирор саҳрода бўлиб, уни идишга қуйиб, ўлчаб сотилса борми, ҳаммадан олдин одамлар сув сотиб олган бўларди. Аммо у ариқдан беҳисоб оққанлиги учун беқадрдир. Шунга ўхшаб гапнинг миқдори ортса, унинг қадри камаёди. Сўзловчининг эса бурди кетади.

Донишмандлар айтади:

*Талай сўзлаган сўз келади малол,
Яна сўзламасанг отнинг гунги лол.
Тилингни тийлсанг, омондир бошинг,
Сўзингни қисқа қилсанг, узайди ёшинг.*

Юсуф Хос Ҳожиб.

*Бу айланиб турувчи гўмбаз «таги»да яхши
сўз садосидан ёқимлироқ бирор ёдгорлик
топмадим.*

Абдураззоқ Самарқандий.

*Ҳар кимсаки нутқи фаровон бўлмас
Тил ранжига қолмоқлиги имкон бўлмас.
Мулоим сўз вахшийларни улфатга
айлантиради.*

*Бефойда сўзни кўп айтма,
Фойдали сўзни эшитурдан қайтма.*

*Камтар одамлар кўп гапиришдан қочадилар,
Улар кўп эшитмоқни истайдилар ва ёқтирадилар.
Эшитмоқ кишини бойитади, кўп гапирмоқ —
саёзлатади.*

*Кўп гапирган кўп янглишади.
Кўп еган кўп йиқилади. Тан касалининг
сабаби —
кўп емакдир, қалб касалининг сабаби — кўп
демакдур.
Кўп демак сўзга мағрурлик, кўп емоқ — нафсага
бандалиқдир.*

Алишер Навоий.

Кўпчиликка салом бераётган киши, одамлар орасида ўзига ёқмаган ёки араалашиб қолган киши бўлса ҳам, ҳеч кимга сездирмасдан очиқ чеҳра билан салом бериши керак.

Қўл бериб кўришганда

„Ассалому алайкум» — дея ҳар икки кўришувчи бир-бирларига ўнг қўлларини узатиб, қафтларини энгил сиқиб кўришадилар. Қўл бериб кўришадиганда бир-бирларининг қўлларини қаттиқ сиқиб, оғритиб ёки қўлининг учинигина бериб қўйиш одобсизликдир. Ёшлар ўзидан катта одамлар билан кўришганларида албатта, икки қўлини бериб кўришадилар, айниқса, ёш болаларнинг катта ёшдагиларга бир қўлини узатиб кўришиши ҳам одобсизлик саналади. Баъзи ўринларда болалар ўзларидан катта одамлар билан кўришганларида, ўзларини биров орқага ташлаб, уялиқираб бир қўлини бериб кўришадилар. Бу ҳол катта одамларга ноқулай бўлади ва боланинг одоби етарли эмас экан, — деган фикрга борадилар. Қўл бериб кўришганда эркаклар аёлларга, болалар катталарга аввал қўл узатмайдилар. Эркак кишилар аёллар билан ва қизлар билан кўришганларида ўзбек урф-одатига кўра, биров гавдасини аёл ёки қиз томонга эгиб, ўнг елкасини тутди. Қиз бола ёки аёл киши эркакнинг ўнг елкасидан силаб юзига суртади ва ҳол-аҳвол сўрашади. Унга таниш бўлмаган аёл ёки қиз бола билан кўришганда ҳар икки томон ўнг қўлини кўксига қўйиб салом-алиқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрашади. Агар қиз бола ёки аёл киши унга яқин таниш бўлмаса ҳам, ўзини яқин тутиб кўришмоқ истагида бўлса, эркак киши юқорида баён қилганимиздек елкасини тутди, агар аёл киши қўлини узатса қўл бериб кўришади.

Қадрдонларча кўришганда

Бу ҳолдаги кўришиш ва саломлашишнинг ўзига хос жозибаси ва завқи бўлиб узоқ вақт кўришмай юрган қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар кучоқ очиб «Ассалому алайкум», «Ва алайкум ассалом» — дея ҳар икки томон бир-бирларини кўксига босиб кўришадилар. Кўришиш вақтида узоқдан келган одам кучоқ очиб, салом беради, кутиб олаётган одам кучоқ очиб алик олади. Ўзбек урф-одатига кўра эркаклар эркак киши билан кучоқлашиб кўришган пайтда юзларини юзларига босади, ўпишмайди (ота-она ва фарзандлар, ака-ука, опа-сингиллар кўришганда юзларидан ёки пешоналаридан ўпиб кўришадилар). Аёллар аёллар билан кучоқлашиб кўришганда бир-бирларини юзларидан ўпиб кўришадилар. Ҳар икки ҳолда ҳам оғзидан ўпиб кўришиш гигиеник нуқтани назардан ўзбекона эмас. Айниқса, ёшлар ўртасида қўлларини паҳса қилиб «Хело», «Салом бердик» — дея лабларини чўччайтириб бир-бирларини оғизларидан ўпиб кўришишлар батамом одобсизликдир. Ҳар қандай ҳолда ҳам ўз миллий урф-одатларига содиқ қолаётган ёшлар олқишга сазовор бўлади. Шунинг учун ҳам:

*Емғир билан ер кўкара
Олқиш билан эл кўкара,*

— дейдилар. Олқиш олишга муяссар бўлган ҳар бир ёшнинг келажаги ёрқин бўлади.

Ўзгалар билан сўзлашганда

Инсониятнинг муомала қуроли, бу тил бўлиб, одамлар бир-бирлари билан бўладиган барча муомаларини сўзлашиш ёрдамида амалга оширади. Ҳар бир миллатнинг ўз она тили бўлиб бу тилни мукамал ўрганмоқ инсоннинг муқаддас бурчидир. Инсон ер юзидаги турли жамоалар, миллат ва элатлар билан муомалада бўлганликлари учун ўз она тилидан ташқари, муомала учун зарур бўлган бошқа тилларни ҳам билиши жоиздир. Кўп тилни билмоқлик инсон учун фазилат ва бойлик ҳисобланади.

Ҳар бир миллат вакили ўз она тилини мукамал билиши учун имконият, шароит мамлакатимизда қайта қуриш, демократия ва ошқоралик шарофати билан амалга оширилади. Тилимизга давлат тили мақоми берилди. Иттифоқимизда эса миллатлараро муомала тили рус тилидир. Ҳар икки тилни мукамал биладиган одамлар жумҳуриятимизда ҳам, ватанимизнинг бошқа жумҳуриятларида бўлганида ҳам, ҳеч қийналмасдан кишилар билан муомала қила оладилар. Вунинг устига бирор чет тилини ҳам мукамал ўрганилса, дунёнинг кўпгина мамлакатларида бемалол иш битказиши мумкин. Бундай иқтидорли одам-

ФАРҒОНАЛИК



Фарғона политехника олийгоҳининг ташкил этилганига қарийб чорак аср бўлди. Дастлаб битта мутахассислик бўйича талабалар қабул қилинган бўлса, ҳозирга келиб илмга чанқоқ ёшлар бу ерда ўндан ортиқ мутахассисликларни ўрганмоқдалар. Олийгоҳ эса жумҳуриятимиздаги йирик илм-фан ва маданият марказларидан бирига айланди.

Бу ерда 10 нафар фан доктори, 180 нафар фан номзодлари ёшларга турли фанлардан сабоқ ва тарбия бермоқда. Утган даврда ёшларга

тўла-тўқис билим бериш учун барча шароитлар яратилди. Уқитувчилар марказий шаҳарлардаги, хориждаги йирик илмий-педагогик марказларда малака ва билимларини ошириб қайтмоқдалар. Масалан, техника фанлари номзоди М. Давлатов Чехословакияда малака ошириб келди. Муаллимлардан О. Қаюмов Кубада, О. Худойбердиев Жазоирда меҳнат қилмоқда.

Институтда иссиқлик ҳамда ярим ўтказгичлар физикаси, экология, маҳсулот сифатини оптик назорат қилиш бўйича кундузги аспирантуралар ишлаб турибди. Илмий ишлар натижалари Греция, Ҳиндистон, Хитойда бўлиб

ўтган халқаро кўргазмаларда намоиш этилди. Хўжалик ҳисобида ишлаётган ёшларнинг илмий-тадқиқот марказида эса ёш олимлар, талабалар фаол қатнашмоқдалар. Натижада халқ хўжалигининг турли соҳалари билан ҳамкорлик яшиланди. Жумладан, Фарғона механика заводи, Қувасой цемент комбинати ва бошқа корхоналар билан илмий-ўқув ишлари бўйича ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Олий ўқув маскани компьютерлар билан таъминлаш бўйича жумҳуриятда етакчи ўринни эгаллаб турибди. Янги спорт зали эса Фарбий Германия лицензияси бўйича жиҳозланди, олийгоҳ



МУХАНДИСЛАР



МАКТАБИ

санатория-профилакторияси эса бир неча марта Бутуниттифоқ кўрикларида 2- ва 3-ўринларни эгаллади. Институт ўқитувчилари томонидан топилган шифобахш сув бу ердаги даволаш ишларида кенг қўлланилмоқда.

Ўқув, маданий-маиший бинолар, ётоқхоналар бир жойда жойлашганлиги муаллимлар учун ҳам, талабалар учун ҳам жуда қулай.

Утган вақт ичида бу ерда тайёрланган 15.000 дан ортиқ олий маълумотли мутахассислар халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилмоқда. Айни пайтда кечки, кундузги ва сиртқи бўлимларда 7000 дан ортиқ ёшлар

билим олмоқда.

Олий ўқув юртида қилинадиган ишлар ҳам талайгина: ўзбек тилида дарсликлар яратиш, методик қўлланмалар ёзиш ва нашр қилиш, ўқув жараёнини тубдан яхшилаш, энг муҳими талабаларни етук мутахассис қилиб тайёрлаш зарур. Ҳадемай, буларга ҳам эришилади...

Суратларда: Олийгоҳ ҳаётидан лавҳалар.

Аъзамжон МИРЗАЖОН.
Муаллиф суратлари.



Түлқин РАХИМ

* * *

Юрагим сингари безовта шамол,
 Нотинч эпкинарда титрайди парда.
 Ғашликка ғарқ қилди дилимни малол —
 Мен соғинган одам йўқ бу шаҳарда,
 Мени соғинган одам йўқ, бу шаҳарда!
 Залворин зил қилиб зилдек хавотир
 Хаёлни хун этар жонбахш сафарда.
 Рухимга ғулулар ғул бўлаётир —
 Мен соғинган одам йўқ бу шаҳарда,
 Мени соғинган одам йўқ, бу шаҳарда!
 Ғурбатга қул қилди ғурбатсаро тун,
 Кун чиқмай, мунг чиқди мажнун саҳарда.
 Кетмай кўнглим аро қолди қаро тун —
 Мен соғинган одам йўқ бу шаҳарда,
 Мени соғинган одам йўқ, бу шаҳарда!

* * *

Мовий осмон, зангори осмон,
 Қалдирғочлар парвози эркин.
 Ботин кучлар, елкамдан босманг,

Э, қалдирғоч, қанотинг бергин!
 Жисму руҳим учсин шу нафас
 Қуёш сари учгандек Икар.
 Лек йиқса ҳам мени Қуёшмас,
 Она Ернинг дардлари йиқар.
 Чунки қушдек қилсамда парвоз
 Еру осмон аро муаллақ,
 Кўрурменки, бу олам носоз,
 Хавотирда яшаётир халқ.
 «Муножот»лар қалбини тилган
 Жонни кўкда кўярми холи
 Кўкка қараб ноалар қилган
 Серилтижо, содда аҳоли
 Ва мен кўкда ҳолсиз бўлурман
 Ер дардлари, дудлари аро,
 Қуларману ёлғиз ўларман
 Ернинг жонсиз ўтлари аро.
 Осмон эса тиниқ, пурзий,
 Бошим узра юксалиб тургай.
 Фақат айтаверар марсия,
 Бўзлайверар битта бўзтўрғай...

Емғурдан кейин

Емғурдан хотира беҳисоб кўлмак,
 Мусаффо емғурдан кейинги ҳаво.
 Лекин шаккокликдай шодумон бўлмак,
 Узинга ҳузурни кўрмайсан раво.
 Томчилар гўёки душман жангчилар,
 Булутлар тўсатдан ташлаган десант.
 Қатқалоқ заҳмагин билсанг қанчалар,
 Шунчалар бўлмассан ёгиндан хурсанд.
 Боқасан, тарқалиб қора абрлар,
 Юксакда юз очар зангори маъво.
 Эсланар сафарбар этган даврлар,

Узинга ҳузурни кўрмайсан раво.
 Кўксиди уруғлар асраган ердан
 Элнинг ризқу рўзи унар экан то,
 Кўкнинг қош-қовоғи уюлса бирдан,
 Шамолга айланиб эгинг келар, о!
 Дехқоннинг ичига ёққан ёгиндан
 Халқини севганга йўқ зарра сафо.
 Кўксинга ўт тушар чаққан чақиндан,
 Узинга ҳузурни кўрмайсан раво.

Учинчи қўнғироқдан сўнги йўлар

Қоронғулик ичра мендан настдасиз,
 Қўшиндек саф-сафсиз, даста-дастасиз,
 Қалбингизга қулоқ тутинг аста сиз —
 Агар сокин бўлса, унда хастасиз!
 Ахир, сипоҳларсиз, чериксиз қолдим,
 Евлар аро ёлғиз, шериксиз қолдим,
 Қалқонсиз, имконсиз, йўриқсиз қолдим,
 Охири отимни дарёга солдим —
 Энди богирларим терилган саф йўқ...
 Сиз эса хотиржам, сизларга хавф йўқ?!
 Наҳот, қалбингизнинг тубида гап йўқ?
 Наҳот, дилингида алам, ғазаб йўқ!
 ...Ев қайирди ўғлим билакларини;
 Сўнг итга едирди юракларини —
 Бу пайт тўндек отиб хурраklarини,
 Суянчиққа ишқаб кураklarини,
 Баъзи юртдошларим ухлаб тош қотар,
 Душман эса менга ҳамон тош отар.
 Тил куяр, дил куяр, ўйлаб бош қотар —
 Наҳот, эл ёш тўкса яна шашқатор?!
 Дилхунмен улуснинг аҳолидин мен,
 Забунмен мардларнинг заволидин мен,
 (Майли, бу театру, ўтмиш ҳоли денг)
 Сизлар томошабин, Жалолитдин — мен!

Ориф ТУХТАШЕВ

ҒАРОЙИБ ХАТЛАР

Мушукнинг сичқонга хати

Қочиб кириб кетасан,
 Хўп қўзитдинг жинимни.
 Шунақа қилсанг агар,
 Кенгроқ қургин инингни.

Сичқоннинг филга хати

— Ҳамма ҳайвондан зўрман.
 Деб юрасан ўзинга,
 Унча кўп гердаймагин,
 Кўрсатаман кўзинга.

Қурбақанинг пашшага хати

Аҳволлар қалай, пашша,
 Ғўнғиллаб юрибсанми?
 Озгина ифлоссан-да,
 Ювиниб турибсанми?

Нега ҳеч келмай қолдинг,
 Анҳорларнинг бўйига?
 Эртага кел, борамиз,
 Тошбақанинг тўйига.

Раҳмон АЛИ

* * *

Қор ёғар майин-майин,
 Дилни чулғар мунгли ҳис.
 Сирдошимдир оқ қайин,
 Қорда эса танҳо из.

Мен ёримни алдадим,
 Севмайин севдим дедим.
 Юрагимни очмадим
 Куйса-да ночор кулдим.

Севги олис хотира.
 Муҳаббатим сурагдир.
 Оқ болалик севгима,
 Мени қонлар йиғлатди.

Қор ёғар майин-майин,
 Юрагимда эзгу ҳис.
 Ҳамдардимдир оқ қайин,
 Қорда эса танҳо из.

* * *

Ҳасратимнинг йўли узун,
 Севгида бошланиб,
 Ватанда тугайди.

* * *

Дардга бора-бора кўникдим,
 Энди ғайри туюлар,
 Огоҳ этса бахтиёрликдан.

* * *

Юмиб олдим кўзларимни,
 Ўзга нигоҳларни
 Кўришдан чўчиб.

* * *

Агар қарғиш тегса,
 Сенга тегар эди,
 Сўзини қарғиши.



Хилола ИСҲОҚОВА

* * *

Уфққа тирқираб қон сачраб кетар,
 Деразамда сирғалар беҳол
 Мендан нажот истаган қўллар.
 Тонг қўлида оғир тўлғонар,
 Нур тигида бўғизланган Тун...
 Энди менга узалади Нур.
 Қотилликнинг ёлғиз гувоҳи —
 Кўзларимни суймоқ истайдир,
 Осмонларни тутайди оҳим...



* * *

Тақдир ёнмоқликни қилади талаб
 Шундайин гуриллаб ёнай-ки,
 Эшитилсин суяк қисирини,
 Ва бўғзимдан отилсин бир оҳ —
 Дил шеғри!!!

Бир қалб музин эритолса бас,
 Урим учун бўлардим мен шод.
 Сокин қалбнинг йўқдир кераги,
 Юксакликка туташдир қалбим.

Мен ўзимга Бирам азобли,
 Ҳам оловли Тақдир яратгум!



Замира РЎЗИЕВА

Миннатдорлик

Қўлларимни чўздим
Бу дунё берди
Қизғонмай етмиш хил товланган меҳнат.
Манглайим тиланиб олгани тердир,
Кунлардан етмиш бор ўргилди захмат.

Уй-жой ҳам сўрадим, девор сўрадим,
Етмиш қат сабрни зичу соз терди.
Мен
Раҳмат, Бас сўзин узоқ ўйладим
Ўйловга етмиш қиш, етмиш ёз берди.

Қўшиққа

Қаро кўзим кел-эй мардумлиғ...
Навоий.

Рўпарамга қўйиб қўйди ким,
Қизил гулга айланган ўтқи.
«Қаро кўзим» бағрингга олгини,
Сел-сел бўлиб оққан вужудни.

Бу дунёнинг исми илтижо,
Бу дунёнинг исми севгидир.
«Қаро кўзим» бўлайин фидо,
Жоним асир, забоним асир.

Ҳижрон бу гул умримга ўқдир,
Шафқат қилгин, кел-эй тирагим.
Бу дам жисмим, вужудим ўқдир,
Рўпарамда титрар юрагим...
Қаро кўзим бағрингга олгин...

Ўзбек

Жон-қонида мурувват яшар,
Жон-қонида яшар мезбонлик.
Гоҳо гўдак, гоҳо минг яшар
Чол сингари эртақ, дostonлик.

Пешонасин сахий осмон денг,
Тўрт фасл ҳам ёғдирган ёмғир.
Елкалари унинг шунча кенг,
Ва бу кенглик шу қадар яғир.

Тингламоққа ўрганган кўпроқ,
Йўлин ювган ишончининг сели.
Андишани хуш кўрар, бироқ,
Қийнаб қўяр доим шу феъли.

Ҳолат

Юзингга беибо ишайиб қарар
Манглайингни уриб олганинг харсанг.
Позанин ёдларни булғайди қадар,
Ишончлари шаҳид кетган ишқ сарсон,
Йиғла, йиғлай олсанг бахт — ўша.

Чинқириб, бемаврид хазон тўкади
Ялмоғиз сеҳрлаб кетган дарахтлар.
Хаёллар он сайин жарга чўкади,
Рўҳингга санчилган тиглар ярақлар —
Йиғла, йиғлай олсанг бахт — ўша.

Заминда йўл йўқдир, самога нарвон,
Рутубатин сочиб улгурди кўрлик.
Атроф тўла...
Меҳр вағда қилган жон
Узатган хиёнат, узатган хўрлик —
Йиғла, йиғлай олсанг — бахт ўша.

Баҳор

Бу лаҳзалар нодир ва камёб,
Қучоғига ўзингни отгил.
Юрагингнинг тубига қамаб
Авайлаган сўзингни айтгил.

Дарахтларга тўйгунча термил,
Оқиб кирсин руҳингга гуллар.
Майсаларни беғубор дўст бил,
Ишончингни оқлайди улар.

Ҳислар тиниқ, туйғулар асл,
Сен соғинган бахт бу — илғасанг.
Бўлаверар, тушунар фасл
Кўнгили ёзиб... ҳатто йиғласанг...



* * *

Муҳаббат ҳайрондур, садоқат ҳайрон,
Нигоҳлари оғрир савол юкидан.
Вужуд қутулмоққа йўл излар бу он,
Дарду сабр тушган чекидан.

Бу ёғини энди сўрамаёқ қўй,
Минг турфа башорат селига ғарқман.
Ҳайрон муҳаббатни кўксига қамаб,
Туғига андиша бойлаган халқман.

Муҳаббатга бахш эт ўзингни

Бугунинг кечангдан батамом ўзга,
Кўнглингга истаклар ташийди шамол.
Чувалган йўларинг тушмайди изга,
Чугур-чугур қушлар очиб берар фол —
Муҳаббатга бахш эт ўзингни.

Ҳижрон бор. Дилингга ўрлар изтироб,
Тушун, у ҳамроҳинг бўлар энди чин.
Ғамгин кунларингни қилмагин ҳисоб,
Фақат буюк ғамлар бергани учун —
Муҳаббатга бахш эт ўзингни.

Сездингми, сен риё, ғийбат, арзимас,
Барглар шивирини тинглай оласан.
Дардга дод деганлар бахтга арзимас,
Тунлар ёстигингга тўкиб жала сен —
Муҳаббатга бахш эт ўзингни.

Соғинч бешафқатдир, соғинч қаттиққўл,
Йиғлаб хат ёзасан узундан узун.
Товонингни ўпиб узаяди йўл,
Иродага сиғин, сабогга сиғин —
Муҳаббатга бахш эт ўзингни.

Мумкин, йўлларингда девлар учрайди,
Ялмоғизлар учрар даҳшатга солиб.
Бас келиб жанг қилмоқ осон кўчмайди,
Унутма, чиқмоқчи эсанг гар ғолиб —
Муҳаббатга бахш эт ўзингни.

Бир лаҳза висолни бир бахтга йўйиб,
Жонингни тут, арзир, жаҳонингни тут.
Бақувват кўкракка бошингни қўйиб,
Жилмайиб йиғла, бор дунёни унут —
Муҳаббатга бахш эт ўзингни.

Тўлқин

Аёл

Бу ҳаётдан шу қадар тўйиб,
Яхши-ёмон — барини қўйиб,
Тамом бўлди батамом куйиб,
Ўз-ўзига ўт қўйди аёл!

Унутганча бола-чақасин,
Вайрон қилиб йиртди ёқасин,
Унга боққан кўзларинг чиқсин,
Ўз-ўзига ўт қўйди аёл!

Олов эди — оловда ёнди,
Гўзалликлар, орзулар тонди,
Ҳовуч кулга айланди энди,
Ўз-ўзига ўт қўйди аёл!

Кўзларидан йўқолди зиё,
Ўз домига торгди аждаҳо,
Ярқ этди-ю чақмоқдек гўё,
Ўз-ўзига ўт қўйди аёл!

Ўзинимас, элни ёқди у,
Минг-минг яқин дилни ёқди у.
Эрга вафо гулни ёқди у,
Ўз-ўзига ўт қўйди аёл!

Кўкка ўрлар экан аланга,
Ўт югурди ҳар тирик жонга.
Менга, унга, сенга, ҳаммага
Ва ўзига ўт қўйди аёл!

Бефарқ қараб турмас тирик жон —
Енаётганда олдида инсон.
Тенг ёнапти жон Ўзбекистон,
Ўз-ўзига ўт қўйди аёл!

Ноҳақликлар дардлар туфайли,
Таъвиш, алам, гардлар туфайли.
Оламга ўт қўйсада майли,
Аммо ўзин ёқмасин аёл!
Энди ўзин ёқмасин аёл!..



Таскин

Ҳаёт мени кўп ҳам эркалатмади,
Бошимни бағрига кўп ҳам босган йўқ.
Дарёнинг бўйида яшасам ҳамки,
Ташнаман, челагим доим қуп-қуруқ.

Аслида ҳаммага ишонсам-да гар,
Бу ишонч йўлларда бўлди чилпарчин.
Бугун-чи барчаси ёлгонга ўхшар,
Сизлар жавоб беринг, нима ўзи чин?..

Гапга уста бўлдим бу кунга келиб,
Гап билан қорнимиз тўймайди ахир.
Қуруқ аравани олиб қочган ким,
Ким яшар бир умр бесамар, тахир?..

Атрофга қарасам, ҳамма бир-бирин —
Кўзини ўйди, алдаб чалади.
Наҳотки бу ҳаёт шундай бўлгану,
Ва шундай ҳолатда яна қолади?..

Йироқда милт этиб чарақлаб кетди
Жича қолган умид сочиб кетган нур.
Ушанга талпиниб яшаётирман,
Шу билан тирикман, худога шукур.

— Уфф! Хайрият, қутулдим. Аблахлар! Одампурушлар!.. — ҳансираб пичирлади Обид кеска толга суянаркан.

Уша, қадрдон тол. Таниди. Болалигида бу ерда чакана бўлганми. Ҳаммаси ўша-ўша, ҳеч нарса ўзгармади. Ана бу толнинг ёнгинасидан ўтган ёлғизоёқ сўқмоқ ҳам. Ҳеч нарса. Сойнинг суви ҳам. Қирғоқлар ҳам. Бироқ сув сал совуқ экан. Эти жунжукди. Қўли оғрипти, шекилли. Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ҳозир босилади. Лаби сал ачишганга ўхшади. Сал қонаган кўринади. Бирдан ўнг курагида санчиқ турди. Уша томонга қараб майишди. Орқасидан бир нарса отди-да, аблахлар — кесакмиди-тошмиди, билолмади. Ушаники бўлса керак. Сал бўлмаса ўлдириб қўяй деди-я! Шофёр ҳар ҳолда яхши одам экан. Аралашмади. Машинасидан тушмади. У қўшилганда борми, о-о, Обиднинг ҳоли вой эди! Шофёр Назирниқидеги жанжалга ҳам аралашмади. Анави эшак, ит-вачча, аблах! Пул учун отасини ҳам ўлдиради. Турган гап. Йўл бўйи бировга гап бермади. Миянинг қатигини чиқариб юборди-я, аблах!.. Қани эди, кучи етганда!..

Обид кўллари уқалади. Намунча нозик бўлмаса бу кўллар! Нега бунақа? Ҳеч ўзгармади-ўзгармади. Ақли кирибдики, билаги билан чиганоғидан юқорисини ўлчагани-ўлчаган. Сира йўғонлашмади бу билаклар, куч тўлмади асло бу кўлларга! Нега? Нега у чиллашири? Қисмидаги анави украин, белорус, грузин болалар, ахир, қанақанги бўйни йўғон, бақувват, «гурс-гурс» юришади. Ҳеч кимдан ҳайиқишмайди, «гинг» деганининг тумшугига туширишади.

Дунё зўрниги экан. Мана ҳозир ҳам чиллакилиги панд берди. «Эҳ, аблах, итвачча, ҳали қараб тур, сени!» Барибир топанан, кунлар келар шундоғ ўтиб кетмасман!»

Совға-саломсиз бўлса ҳам соғ-омон келиб олдию, шунисиға шуқур. Фақат, уйга етдим деганда калтак егани яхши бўлмади...

Нималар бўлди ўзи? Еришиб келаётган тонгга ҳайрон тикилганча хаёлга фарқ бўлди Обид. Тавба, уч кун ичида наҳот шунча нарсани бошидан кечирди! Худди тушга ўхшайди. Тўғри, буйруқ бўлди, бунақанги хизматни елкамининг чуқури кўрсин, деб, жавоб бўлиши билан йўлга отланди. Кейин... кейин, ҳа, тўғри, ҳаммаси Қозогистондан бошланди. Биринчидан, вагонда аскарларни имлайдиган ғалати одамлар пайдо бўлди: кўпчилик солдатларнинг аскарлик кийими гойиб бўлиб, энгил-боши ўзгариб қолди, солдатлар чамадонларини қучоқлаб ухлайдиган одат чиқарди. Бир нотаниш одам Обид билан ҳамюрт сафдоши Назир ўтирган ерга келиб Обид билан жуда қуюқ кўришди. «Қўқон томондансиз-а? Э-э, Аҳмад тоғанинг ўғли!» «Маҳмуд ақанинг» дея тўғрилади Обид. Бир зумда эски қадрдонлардек иноқлашиб кетишди. Кейин... кейин иккинчи воқеа Тошкентда: Обиднинг амакиси — нотаниш одам шундай деб чақиргин деб тайинлаган — Обидни маҳкам ушлаганча, чамадонини қўярда-қўймай ўзи кўтариб тўғри бир «Жигули» томон юрди. Адашди. Хавотирли аланглади. «Эшак, аблах!» деб пичирлади. Афтидан у излаётган машина йўқ эди. Кейин Обид билан Назирнинг ўрталарига кириб, худди қўйиб юборса ўлжасидан ажраб қоладиган овчидек кўлларида ушлаб, кўзлари олазарак олма-кесак терди. Обид билан Назирга тикилганларнинг кўпайиб кетганини айтмайсизми?!

Шу пайт худди ернинг остидан чиққандек қора «ГАЗ-24» пайдо бўлди. Олдинги ўриндиқда сочлари ўсиқ, кўзида қора кўзойнак, мўйлаби ўзига жуда ярашган, ингичка бўлса ҳам салобатли, ёшига нисбатан анча босик, бироқ ҳукмфармо,

кириб кетди. Кўп ҳаялламади, тез қайтиб чиқди. Индамай рулга ўтирди-ю, шефга қаради. Шеф қимир этмади, ҳатто шофёрга қараб ҳам қўймади, боши сал силкингандек бўлди, машина олға кетди. Ва ниҳоят «Аэропорт» ёзуви остига келиб тўхтади. Шофёр яна ичкари кириб кетди. Бу сафар ёлғиз эмас, пакана, думалоқ, тепакал, ўрта ёшлардаги одам билан иккита бўлиб қайтиб чиқди. Яқин келиб шофёр орқа эшикни очди. Ичкаридагиларга «тушинлар» дегандек ишора қилди. Тушилди. «Амаки» ҳам бирга тушди. Шеф қимир этмади. Тепакал кўлини хиёл кўтарди, шофёр шаҳдам рулга ўтирди, машина гувиллаганча жўнади.

Тепакал буларни ичкари бошлади. Аэропортда одам кўп эди. Самолётда учамиз, шекилли, ўйлади Обид. Тепакал тўхтади, орқага бурилди «амаки»га ғазабкор тикилди. Кўз қарашидан кўп маъно уқиш мумкин эди. «Амаки» ўнғайсизланди.

— Чамадонларни эғасига бер! — буйруқ қилди тепакал.

«Амаки» осонликча жон берадиганга ўхшамасди, бирдан ўзидан кучли нарсага ҳамла қилаётган одамдек томоғи қуруқлаб саросимада ваддирай бошлади:

— Мен... мен... ахир мен бунинг амакиси бўламан... Бола-чақам бор... Беш-тўрт сўм сарф қилиб қўйдим... Энди қолавераманми...

Атрофдагилар эътибор қила бошлашди. Тепакал шартта бурилди, орқамдан дегандай ишора қилди-да ғазаб билан олға босди. Утиш жойида тумонат одам турарди. Оломон орасига киришдан олдин тепакал яна орқага қаради, кўзлари энди қизариб олайган кўринарди.

— Бер, чамадонларни! — деди у қисқа ва қатъий, бироқ паст овозда.

«Амаки» орқага чекинди.



ХИКОЯ

Ешлик, кўнгил, у ҳам кўп қизларни ўзига пичиб юрарди. Шулардан Салима тўққизинчи синфга келганда сал эгилгандек бўлди-ю, кейин, негадир, кўчалари қўшилмади. Ҳозир кўрса, нима деркин... барибир кулар... Обид чуқур хўрсинди.

Армияга борсам, йўғон, новча, басавлат йигит бўлиб қайтаман, деб ўйларди. Уйларида сал берида машинадан тушиб, гоз юрса, ҳамма ҳавас қилади, Салима ҳам эшитади, турмушлик бўлса ҳам ҳар ҳолда бир кўрай-чи, деб чиқади кўчата... Успирин кўнгли энтикиб завққа тўлади Обиднинг.

Ҳарбийни мутлақо бўлақча тасаввур этарди. Ҳаммаси рўё экан. Афсус, минг афсус!..

Шу дақиқада у онасини, онажонисини жуда-жуда соғиниб кетди, ҳансираётганига қарамай бор вужуди билан талпиниб ўрнидан туриб кетай деди: «Онажон, шу ерданман, соппа-соғман. Салгина нафасимни ростлаб олай, бораман, учиб бораман! Бебош болалик кезларим чўмилиб юрганимда, сиз қарғай-қарғай чақириб кетадиган тол остида ўтирибман, овозингизни эшитиб турибман, ҳа, эшитиб турибман. Болангиз келиб қишлоқнинг бошида ўтирганини юрагингиз сезиб, уйғоқдирсиз. Ҳозир бораман, ҳозир...»

Ие, совға-салом нима бўлди? Қуруқ кўл билан қандай кириб боради? Чамадонни Тошкентда қолиб кетди, қолиб кетди эмас, тўғриси, уриб кетишди. Қизиқ ишлар бўлдию, а? Тавба, шунча эҳтиёт бўлишни ўйлаб, барибир, ландо-вурлик қилди-я! Укаларига — ҳар хатида юлдузли шапка билан камар ваъда қилган укажонларига энди нима совға қилади? Шапка машинада қолди... Камар оқиб кетди, шекилли... Гимнастёркасининг чап чўнтагини сийпалаб кўрди, хайрият, хужжатлар жойида! Ҳар эҳтимолга қарши сув қозоғга ўраб чўнтагига чатиб қўйганди...

ҳар ҳолда, бир лаҳзада Обиднинг ҳавасини келтирган кимса ўтирарди.

Куппа-кундуз юз бераётган гайриоддий ҳодисаларга Обид ҳайрон. «Газ-24» олдинга бир мункиб Обидлар ёнида тўхтади. Эшик очилиб ҳайдовчи тушди. Атрофдан яқинлашиб келаётганлар ўрнида тўхтади. Анча-мунчаси аллақачон кўллари чўнтагига тикқанча ортига қайтди. Ҳайдовчи орқа эшикни очиб аскарларга тўғрилади.

— Мен... мен — каловланди Обиднинг «амакиси», негадир кўллари бўшашиб аскар йигитларни қўйиб юборди, бироқ ҳамон йигитлар ортидан қолмай Назирнинг чамадонига узалганча машинага тикилди. Ҳайдовчи унинг елкасидан тутгандек худди «Сиз нима қиласиз?» дегандай бўлди, аммо у бўш келмади.

Ҳайдовчининг чапанилиги билиниб турар, эғида футболка, бўйнидан очиқ кўксига тилла занжирли алланима осилган, сочи сийрак, калта олинган эди. У «амаки» кетидан эшикни зичлаб ёпдида, машинанинг олдидан айланиб ўтиб рулга ўтирди, сўнг ҳамроҳига қаради. Шеф олдинга тикилганча ҳаракатсиз эди. Машина қўзғолди, энгил ғизиллаганча ҳали у томон-ҳали бу томон бурилиб нотаниш кўчалардан елиб кетди. Ҳеч ким чурқ этмас, гўё ҳар ким ўз хаёли билан банддек эди. Фақат амакигина онда-сонда ғалати овоз чиқариб безовта қимирлаб кўярди. Обид эса ҳайрон, нималар бўлапти ўзи? Намунча меҳрибон кўп? Йўқ, бу ерда нимадир бўлиши керак?... Охири бахайр бўлсин! Онажониси, укалари олдиға эсон-омон, соғ-саломат етиб олсин! Тушуниб турибди — бу ўша солдат болалар кўп гапирадиган солдатфурушлар... Аниқ!..

Вокзал. У вокзалдан бу вокзалга олиб келишибди-да, меҳрибонлар. Машинани тўхтади шофёр тушди ва шошини рўпарадаги бино ичкарисига

— Ол, чамадонингни, нега ўшшасан? — ўшқирди тепакал Назирга ўқрайиб.

Назир билан Обид дарҳол «амаки»нинг кўлидаги чамадонларига ёпишди, бироқ «амаки»дан уларни ажратиб олиш амри маҳол эди.

— Аблах, унда ўзингдан кўр! — деди тепакал «амаки»га ва боши билан олға юришга ишора қилди.

Обид билан Назирни олдинга ўтқазиб ўзи улар ортидан юрди. «Амаки» орқадан эргашди. Оломоннинг кети кўринмайди. Обид хавотирланиб амакани кидирди. У тепакал ортидан унга ёпишган келарди. Сўнг Назирни излади. Шу пайт бирдан «амаки» қорнига мушт егандек «иҳ»лаб юборди, Обид яна унга қаради. «Амаки»нинг юзи бўзарган эди. Бироқ у тепакалнинг ортидан қолмасди. Обид оломон қуюқ жойга кирди, аланглаб Назир кўлини кўтарган томон юрди. Ва ниҳоят четга ёриб чиқдилар. Сал фурсат ўтиб-ўтмай тепакал етиб келди. Ортига бурилди-ю, «Аблах» деб ерга тупурди. Обиднинг юраги «шув» этиб кетди, «амаки» сув бўлган эди. Назир йиғлаудек бўлиб нимадир демоқчи эди, унга тепакалнинг ёнида пайдо бўлган юзи чандиқли, сочи хурпайган, ёши ўттизлар чамасидаги қорачадан келган дароз, бадбашара йигит дағдага қилди:

— Болалар, кўп гапни ёқтирмайман, ҳар бирингга икки юз сўм, сўрасам шундай дейсанлар, понятно?!

Обид ҳайрон бўлди. Нимани айтяпти? Қанақа икки юз сўм? Бунча пулни қаёқдан олишади?!

— Пошли! — деди Обидга иккита келадиган ҳалиги дароз. — Қочсанг... — деди-ю, ёнидан чаққон ўтаётган Назирнинг бўйнига бир туширди.



Тилаовдди ЖУРАЕВ — Фарғоналик, Бўтқачи қишлоғида туғилган. Фарғона педагогика институтининг тили ўқитувчиси.

«Ўзингизда қатта таассурот қолдирган 5 сара асарни санаб ўтсангиз?» саволига жавоб:

Жеймс Жойс, «Улис».

Марсел Пруст, «По направлению к Свану».

Чингиз Айтматов, «Алвидо, Гулсари».

Кениет Грэхем, «Ветер в ивах».

Михаил Булгаков, «Уста ва Маргарита».

Шўринг курғуқ Назир букчайиб инграб юборди. Обиднинг капалаги учди. Бош оғриги ҳам эсидан чиқди. Икковлон итоатғўйлик билан шум дарозга эргашди. Дароз олдинда, унинг ортида инқиллаб букчайганча бўйини силаётган Назир, кейин нақ юрагини ҳовучлаб Обид борарди.

Дароз Обид билан Назирни каттақон устун олдида тўхтатди, «Қимирламай тур», деди-да ўзин рўпарадаги «Жигули» томон юриди. Икки ҳурпайган аскар бола ўша томонга тикилганча энди навбатдаги қисматини кутарди.

Дароз этиб борми-бормай «Жигули»нинг олд эшиги очилиб, бақувват, жуссали, семизроқ одам тушди. Дароз унга алланима деди. Кейин у ясама кулги билан дарозга эргашиб кела бошлади. Дароз яқинлашган сайин Назир хурқар, орқасига тисариларди. Яқин келишгач, дароз Назирга қараб:

— Қанча берасан? — деди.

Назир қўли билан бошини тўсди ва:

— Икки юз сўм, — деб юборди овози титраб.

Дароз энди Обидга жобланди. Обид калласини қимирлатиб розилик ишорасини қилди.

— Гапир, соқовмисан? — сўради дароз.

— Икки юз...

— Келишдик, — деди дарознинг ёнидаги сўйлоқ тишли харидор. — Кейин гиди-пиди йўғ-а?!

«Жигули» кўзгалди. Рудла ўтирган одам ҳар ҳолда маънироқ йигитга ўхшарди. У машинани эпчиллик билан бошқарар, аммо чурқ этмасди.

Ҳайдовчининг ёнида ўтирган семиз сўйлоқ тиш онда-сонда гапирар, ўзича ҳар хил фалсафа сотарди. Сухбат мавзуи ҳаётини масалаларга тақалганда айниқса «сўйлоқ тиш»нинг илҳоми жўшиб кетди. У бир замонлар мактабга директор бўлганини, кейинги пайларда турмушининг қийинлигидан, одамларнинг иблислигидан, раҳбарларнинг укувсизлигига пораҳўр, лаганбардорлигидан, асл кишилар, илм аҳли, билагонларнинг камситилиши, имонсизлик, бузуқчилик, хотинларнинг фоҳишаларига, болаларнинг айниганлиги, хуллас, ҳамма-ҳамма нарсага баъзилар оғиз кўпиртирарди. Бу гапларнинг афзалати Обиднинг қулоғига кирар, кўпини мутлақо эшитмасди у.

Юра-юра Назирни келиб етиб келдилар. Аблах «директор» томошани шу ердан бошлади. Аввало кичкинагина дарвозаси, одам бўйи ҳам келмайдиган туя ўрқач қадрдон гувала деворини кўриб юраги ҳовлиқиб, шошилиб тушаётган Назирнинг қўлидан маҳкам тутганча:

— Ҳой бола, биласи қўй, шунча йўлдан олиб келанми, бўлмаса анови ҳаромиларнинг қўлида энангни кўрардинг... Алдашни ўйлама, нақ, бўйинингни узволаман, давай, чақир ота-онангни! — деди ва тушишга унт юлган Назирни яна тўхтади, — биласан, а уч юз сўм, бир тийн камий ўқ, — дея қўшимча қилди.

Назир бечора гинг демай машинадан тушди, девор оша ичкарига қўл тикди, дарвозани очди, ичкари кириб улгурмай:

— Вой, бола-а-мм, ўзингизсан, болам! — деган аёл кишининг йиғи аралаш овози эшитилди.

Қоп-қоронғи ҳовлининг у ер-бу ерида чироқлар ёнди. Овозлар кўпайди. Машинанинг орқа

томонидаги кулба деразаси ҳам ёриди. Қишлоқ безовталанди, қаерлардан итлар ҳура бошлади.

Гийқиллаб очилган гапир дарвозадан сал букчайган одам чиқди, тўппа-тўғри машинага қараб юриди. Назирнинг «Дадамнинг анча мазаси йўқ, мияси чатоқ бўлиб қолятовди» деб гапириб юрган отаси шу бўлса керак. Машинадан тушиб кўришилгач, «директор»нинг «Вақт йўқ, ака, шу ерда расчётлашиб кўяверайлик» деб оёқ тираганига қарамай у «Битта потиха қилайлик» дея қўйрақа-қўймай ҳаммани ичкари бошлади.

Пастак айвонда усти кир лампочка ёниб турар, нарироқдаги уйларда ҳам хира чироқлар пайдо бўлган, ўртада кичигу-катта Назирни қуршаб, устма-уст қучоқлашар, қиз-жувонлар йиғлашар эдилар...

— Бўл, уйга жой қил, — деди Назирнинг дадаси.

Рўмолининг учини тишлаб, қўлини ҳамон Назирга чўзиб турган аёл туйқус уйқудан уйғонгандек «Вой ўлмасам, эсим қурсин, келинлар, келинлар...» деганча ичкари чопди, орқасидан қизлар эргашиди.

Уйда чироқ ёнди. Қизлар ерга тўшалган кўрпада қатор ухлаб ётган болаларни юқоридаги сандиқ томон тортқилар, қўлида тўшак — Назирнинг онаси каловланарди.

— Мана, мана, мана шу ерга солиб қўяқолинг, битта тўшак бўлади, турамин, иш зарил, — деди «директор» ва солиниб улгурмаган тўшак четига чўқди-да, қўлини дарҳол фотиҳага очди. Назир зўрға остона ҳатлаб улгуриб қолди.

— Чой... — деди шекилли Назирнинг дадаси, бироқ гапи бўғзида қолди.

— Йўқ, йўқ, келинг энди оқсоқол, расчётти қилинг, вақт йўқ, — гапни бўлди «директор» эсноқ тутиб. — Биз чиқиб турамыз, — давом этди у уйдаги саросимани сезиб.

Эшик олдида ўтаркан отаси билан онасига тикилиб турган Назирга қўл тегизиб «Бўл, ука, тезроқ!» деб шипширди.

Ташқарида узоқ кутишга тўғри келмади. Орқалариданоқ Назирнинг дадаси чиқди, унинг ортида қўлида тўн-чорси билан онаси пайдо бўлди. Шофёр негадир ташқари юриди. Назирнинг онаси:

— Худойим, у дунёю бу дунё болаларининг орзи-ҳавасини кўринг, рози бўлинг, раҳмат. — дея тўн-чорсини «директор»га тутди.

— Раҳмат, раҳмат, мана шу об қўясиз, — дея пул узатди Назирнинг дадаси.

«Директор» тўнга парво қилмай, қўлини пулга чўзди ва хавотирда:

— Қанча бу? — деб савол қотди.

Айвонда турган Назир ерга қаради. Ҳамма жимиб қолди.

— Эллик сўм, ука, барака топинг, раҳмат, — деди Назирнинг дадаси.

— Нима?! — ўшқириб юборди, кўзи шокосасидан чиқиб «директор».

— Ҳозир... ҳозир — деди Назирнинг онаси ва қўлидаги тўн-чорсини Обидга тутқазиб уйига югуртилаб кириб кетди, — олиб чиққан пулини мўлтираб «директор»га узатди.

— Рози бўлинг, ука, топганимиз шу, хафа бўлманг, қишлоқчилик...

— Ие, нима дейсизлар ўзи? Ҳазил ҳаром. — Ҳей, бу ёққа кел, нимага кўзингни лўқ қилиб турибсан?! — Назирга ўдағайлади у.

— Уч юз сўм бўлади, бир тийн камий йўқ. Мен бунга сотиб олдм, ана ўзидан сўранглар, нақд пул тўлаганман, ҳей бола, гапир!

У шундай деб қўлидаги пулни отиб юборди. Бечора Назирнинг онаси ўла-топа пулларни йиғиштириб яна «директор»га тутди, ўтиниб:

— Ундай қилманг, жон ука, бизни хафа қилманг! — дея ялина бошлади.

— Мана ака, буниям олинг, бўладими? — деди рўпарадаги уй томондан шошилиб келган йигит — Назирнинг акаси бўлса керак — «директор»га пул узатди.

— Э, ука, белинда белбоғинг борми? — бўшашмади «директор» у пулни ҳам санаб кўргач, — Уканг армиядан келиб турибди-я, эллик сўм олиб чиқасанми? Ҳеч бўлмаса юз сўминг йўқми? Яша, ўғил бола!

— Чоп, тоғанга чоп, тоғанни уйғот, борини берсан, — қошиб қолди Назирнинг дадаси калаваланиб қолган катта ўғлига қараб.

Айвонда турган Назирнинг боши бутунлай қуйи тушиб кетди. «Директор»нинг жағи тинмасди. Ташқарида «гув» этиб машина юриди. Шофёрнинг тоқати тоқ бўлди шекилли, машинани қайтарди, сўнг машинанинг шовқини яна ўчди.

Ва ниҳоят Назирнинг акаси эшикдан ҳаллослаб кириб келди.

— Мана, етар энди, озгина инсоф ҳам бўлиши керак-да, — деди, афтидан пичоқ суягига қадалган эди.

— Инсоф! Қанақа инсоф? Укангни пулни тўлаб, безорилардан қутқариб, олиб келиб қўйсаг-у, яна инсоф дейсан, а! Қанча у?

— Юз сўм.

— Хаҳ номардлар, кимларга учраб қолдим ўзи? Худо сенларни бекорга урган эмас. Бу кунларингдан беш баттар бўл, гадолар.

«Директор» қўлидаги пулни буклаб чўнтагига соларкан вайсаганча дарвоза томон юриди.

— Таварик... қора бўлсам банава тўнни олиб кетинг, жон ука, худо умри бераганини берсин! — тўнни Обиддан олиб «директор»нинг орқасидан чопганча ёлборарди Назирнинг онаси.

«Директор» машинагача югуриб келган аёлга қиё ҳам боқмади, Обидни машинага шошилтирганча ўтқазиб жаҳл билан шофёрга деди:

— Кетдик, падарига лаънат!

Йўл-йўлакай-қуд саросимага тушди: уйга яқин қолди. Назирнинг-бу дадаси, онаси, акаси, тоғаси бор экан. Назирникидаги аҳвол униқиди ҳам юз бериши шубҳасиз. Онаси, укалари нима қила олади? Уйда пул йўқлигини икки йил уйда бўлмаса ҳам беш қўлдай билди.

Билганда қандоқ! Сафдошлари қайтиш учун совғам-саломга пул сўраб, уйга хат ёганларидан, у бундай қилолмади. Ҳаммаси ўзига аён-да. Энди нима қилиши керак? Бу «директор» ҳеч нарасадан тоймайди. Қўни-қўшни орасида шарманда қилиши турган гап. Ўйр чора топиш керак. Ўзини машинадан ташласинми? Е бу одамфурушларни алдаб, ўзи яхши билган чўл-пўлларга олиб кетсинми? Ахир нима бўлганда ҳам онаси, касалманд онажониси шармандаликдан кутулади-ку!

Машина Обиднинг қишлоғига буриладиган тўртқўчага яқинлашиб қолди.

— Ҳў, анави ердан ўнгга, — деди Обид томоғи қуригандан зўрға хириллаб. Тили худди елим юртгандек танглайга ёпишарди. Юрагининг дуқурлагани нақ ўзига эшитилар, қўли ва оёқлари бехос чўчигандек кўтарилиб тушарди.

«Жигули» Обиднинг қишлоғи борадиган қадрдон сой кўпригидан ўтди. Бундан буёғига сой ёқалаб уч чақиримча йўл босилса, яна кўприк келади. Сой яна кесиб ўтилади, ана ўшанда Обиднинг қишлоғи бошланади.

Вақт ўтиб борар, машина сой ёқалаб ерга тармашганча чопар, Обид ўз ёғига ўзи қоврилди: оз қолди, оз қолди, яна бир дақиқа ўтса, ҳеч нарсанинг иложи қолмайди. Тамом!!

«Қарс» этиб машинанинг эшигини очди Обид. Машинанинг ичи шовуллади. Уйқусираган шофёр тормозни босди. Аллақачон пинакча кетган «директор» сапчиб ўйғонди. Шоша-пиша Обидга чанг солди.

— Қорним ёмон оғрипти!... — деди Обид.

— Қочишни ўйлама, тирранча, нақ мижиб қўяман! Шунча оғримаган қорнини қаранглар бунга ҳозир оғриб қолганини! Уйингда ёзиласан. Оз қолдими?!

— Ҳали узоқ... — деди Обид юлқиниб, у бир оёғини ерга тушириб олган эди.

— Қўйинг, тек қўйинг, қаёққа қочарди, деди шофёр эснаб.

«Директор» Обидни қўйиб юборди, бироқ ўзи ҳам шошилиб машинадан тушди.

— Ана шу ерга ўтиравер, — деди Обиднинг нарироқ кетаётганини кўриб.

Обид индамади ва сойга қараб юриди. Қадрдон сой. Обиднинг она сойи. Бу ерларга у мол боққани келарди. Унинг бағрида зйраб-яйраб чўмиларди. Чўмила-чўмила лаблари атрофини лойқа босиб, жунжикиб, туклари тикка, иссиқ кумлақ излаб қоларди. Мана, ҳозир ҳам ҳаммаёқ шох-шабба, тикан ўсиб ётгани билан сойнинг бўйлари унга илгаригидек таниш, ҳар бир нуқтаси беш панжадек аён. Ана ўша қадрдон тол.

Уртоқлари билан мол боқиб юриб тушликни шу тол тағида қилишарди. Баъзан дуррага тугиб осиб қўйган ноиларини ўзларидан кўра моллари эртароқ келиб, тушириб, еб қўярдилар. Дурралар йиртиқ, ё осиглиқ қилиб илиниб, ё ерда чуваланиб ётарди. Шунда қолган-қутган увоқлару шакароб билан қолишар, қоринлари роса очарди.

— Бирдан-бир йўл шу! — қарор қилди Обид, бироқ у сойга сакрашга кеч қолган эди. Ортида «директор» турарди. Шунда ҳам сакраб юбормоқчи бўлган эди, «директор» ушлаб қолди. Жонжаҳди билан юлқинди. «Ах, қароми!» деб ингранди «директор», лекин Обидга қапишиб олди, устма-уст мушт туширди. Сўнг «директор» хансираб қаддини ростлади, Обидни қўйиб юборди, пешонасини сидирганча машинада ўтирган шофёрга ўшқирди:

— Битта менга керакми? Тушмайсизми?!

Обид худди шу лаҳзадан фойдаланди — у «директор»нинг чангалидан юлқиниб чиқди, турган жойидан ўзини сойга отди — онасой уни солдатфурушлардан ҳалос этди...

Боболаримизнинг

Астрономия фанининг ривожига Урта Осиёлик буюк олимлар Абу Райҳон Беруний, Умар Ҳайём, Улуғбек Кўрагоний, Ғиёсуддин Жамшид Коший, Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қўшчининг жуда катта ҳисса қўшганлиги кўпчиликка аён.

Астрономия фанининг ривожланиши ўз навбатида бу фанга мансуб атамалар гуруҳини вужудга келтирди.

Қадимги туркий, эски туркий ва эски ўзбек тили ёзма обидаларида коинотдаги сайёралар, юлдузлар, буржлар ва турли астрономик ҳолатларни англатувчи туб туркийча, араб ва форсча-тожикча атамалар қайд этилганки, уларни мукамал ўрганмай туриб бугунги астрономия фанининг шаклланиши тўғрисида бирор фикр айтиш анча мушкул.

Урта асрларда айрим кишилар ва халқлар тақдирини осмон ёритқичларининг ҳаракат ва вазиятларига қараб башорат қиладиган таълимот кенг тарқалган. Туркий манбаларда бундай таълимот юлдуз илми ёки нужум илми деб аталган.

Коинот ва осмондаги жисмларни қузатувчи ва ўрганувчи кишилар туб туркийча юлдузчи ва арабча мунажжим атамалари билан ифодаланган.

Жойнинг жуғрофий координатларини, вақтни, фазовий жисмнинг азимутини, юлдузларнинг пайдо бўлиш ва ботиш пайтларини аниқ айтиб бериш катта аҳамият касб этган. Бундай мураккаб ишни амалга оширишда махсус астрономик асбоб ишлатилган ва у устурлоб атамаси билан номланган.

Қадим замонлардаёқ осмон фазосининг кўринма 24 соатлик ҳаракатидан ташқари юлдузларга нисбатан ҳаракатланувчи етти ёритқич, яъни сайёралар маълум бўлган ва улар турғун турувчи Ер атрофида айланади деб ҳисобланган.

Биламизки, XVI асрда Н. Коперник Ер атрофида фақат Ойнинг айланишини, ўзга сайёралар, жумладан бизнинг Еримиз ҳам Қуёш атрофида айланишини исботлаб берди. Шу билан бирга сайёраларнинг нур сочмаслиги, балки Қуёш нурини акс эттириши, Қуёшнинг сайёра эмас, балки юлдуз эканлиги, Ойнинг ҳам сайёра эмас, балки Ернинг йўлдоши эканлиги аён бўлди.

Сайёра (планета) тушунчасини ифодалаш учун бобоклонларимиз туркийча юлдуз атамаси билан бир қаторда арабча кавокиб ва акрон ўзлашмаларидан кенг фойдаланганлар.

Утмиш авлод тасавурида сайёралар юқориги ва пастки сайёраларга бўлинган ва улар Ерга нисбатан ўртача узоқлигига қараб маълум тартиб билан жойлаштирилган.

Юқориги сайёралардан энг усткиси Сатурн ҳисобланган. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадағу билиг»да бу сайёрани **Секантир** деб атайди. Носириддин Рабғузийнинг «Қиссас-и Рабғузий» асарига Сатурн туркийча **Секендир** ва арабча **Зухал** атамалари билан аталган. Алишер Навоий арабча **Зухал** билан бир қаторда форсча-тожикча **Кайван** атамасини ҳам ишлатган.

Сатурндан пастроқда жойлашган **Юпитер** сайёрасини Юсуф Хос Ҳожиб **Унгай**, Маҳмуд Кошғарий **Қора қуш**, Носириддин Рабғузий **Унгай** ва **Муштари** деб атайди. Алишер Навоий бу сайёрани номлашда арабча **Муштари** билан бир қаторда форсча-тожикча **Биржис** сўзини ҳам ишлатади.

Марс сайёрасини Юсуф Хос Ҳожиб **Куруд**, Маҳмуд Кошғарий **Бақир сўқим**, Носириддин Рабғузий **Куруд** ва **Миррих** деб номлайди.

Алишер Навоий бу сайёрани арабча **Миррих**, форсча-тожикча **Баҳром** ва эски ўзбекча **туркий фалак** атамалари билан ифодалайди.

Қуёш ҳам сайёра деб саналган ва уни Юсуф Хос Ҳожиб **Яшиқ**, Носириддин Рабғузий **Яшиқ** ва **Шамс**, Алишер Навоий **Қуёш**, **Шамс** ва **Хуршид** деб атайди. Сўнгги икки атама араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашган.

Навбатдаги Венера сайёрасини ифодалаш учун бир қатор атамалар қўлланишда бўлган. Уни Юсуф Хос Ҳожиб **Севит**, Маҳмуд Кошғарий **Темур қазағуқ**, Носириддин Рабғузий **Сақит** ва **Зухра**, Маҳмуд Замахшарий **Тонг юлдуз**, Алишер Навоий **Чўлпон**, **Зухра** ва **Ноҳид** деб атайди.

Меркурий сайёрасини Юсуф Хос Ҳожиб форсча-тожикча **Орзу** атамаси билан номлайди. Носириддин Рабғузий бу сайёрани **Орзу** ва **Уторид**, Алишер Навоий туркийча **кўк дабири** (луғавий маъноси **фалак муншиси, котиби**), арабча **Уторид** ва форс-

ча-тожикча **Тир** атамалари ёрдамида ифодалайди.

Ой энг пастки еттинчи сайёра ҳисобланган. Юсуф Хос Ҳожиб бу сайёрани **Ялчиқ** ва **Ой** деб номлайди. Носириддин Рабғузийда **Ялчиқ** билан бирга арабча **Қамар** атамаси ҳам ишлатилган. Алишер Навоий бу сайёрани аташда туркийча **Ой**, форсча-тожикча **Моҳ** ва арабча **Қамар** атамаларини фаол қўллаган.

Табиийки, кейинчалик кашф этилган **Уран** (1781), **Нептун** (1846) ва **Плутон** (1930) сайёраларининг номлари ўтмиш манбаларидан ўрин олмаган.

Энди буржларга келсак, қадим аждодларимиз сайёраларнинг буржларга мослиги ва ўз навбатида бу сайёра ва буржларнинг бошқа юлдузларга нисбатан қандай жойлашганлигига ҳам эътибор берган.

Қуёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ўн икки тўп юлдуз (бурж)нинг аниқ номи бўлган. Бу ўн икки буржнинг еттитази жониворлар, бештаси эса жонсиз нарсалар номи билан юритилган.

«Бурж»нинг луғавий маъноси рус тилидаги «знак зодиака»га тўғри келади ва у эски туркий манбаларда **туб укак** атамаси билан аталган.

Ҳар бир буржнинг номлашда унинг шакли, кўнда тутган ўрни ва ҳаракат хусусиятларини аёқ эътиришга эътибор берилган.

Ҳамал буржидоғи юлдуз туркуми қўй шаклида тасаввур этилган. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржни **Қўзи**, Носириддин Рабғузий **Қўзи** ва **Ҳамал**, Алишер Навоий **Ҳамал** деб атаган.

Савр буржининг суврати буқа шаклида бўлгани учун Юсуф Хос Ҳожиб уни **Уд** («сигир»), Носириддин Рабғузий ва Алишер Навоий **Уй** ва **Савр** атамалари билан номлашган.

Жавзонинг шакли эгизакдир. Арабча жавзо сўзининг луғавий маъноси бели оқ-қора қўй деганидир. Маҳмуд Кошғарий бу буржни **Эрантуз**, Юсуф Хос Ҳожиб **Эрандиз**, Носириддин Рабғузий **Эран-**

данд ва **Жавзо**, Алишер Навоий икки пайкар ва **Жавзо** деган.

Саратоннинг суврати қисқичбақа шаклидадир. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржни **Қучиқ**, Носириддин Рабғузий **Қучиқ** ва **Саратон**, Алишер Навоий форсча-тожикча **Харчанг** ва арабча **Саратон** атамалари билан юритади. Асаднинг шакли шер шаклида бўлганлиги учун Юсуф Хос Ҳожиб уни **Арслон** ва **Кураарслон** (кур сўзининг маъноси «қўрқмас, ботир»дир), Носириддин Рабғузий **Кураарслон** ва **Асад**, Алишер Навоий форсча **Шер** ва арабча **Асад** атамалари билан атайди.

Сунбуланнинг суврати қўлида бугдой бошоғи ушлаб турган қиз шаклида бўлиб уни Юсуф Хос Ҳожиб **Бугдай боши**, Носириддин Рабғузий **Бугдай боши** ва **Сунбула**, Алишер Навоий форсча-тожикча **Хўша** ва арабча **Сунбула** атамалари билан ифодалайди.

Мизон буржининг суврати тарозидир. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржни **Улгу**, Носириддин Рабғузий **Улгу** ва **Мизон**, Маҳмуд Замахшарий **Тарозу юлдуз**, Алишер Навоий эса форсча-тожикча **Тарозу**, **Палла** ва арабча **Мизон** атамалари билан атаган.

Ақраб буржининг шакли чаён суратидадир. Юсуф Хос Ҳожиб уни **Чазан**, Носириддин Рабғузий ва Алишер Навоий **Чаён** ва **Ақраб** деб атайди.

Қавснинг шакли белидан пастки қисми от шаклидаги ўқ отаётган одамдир. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржни **Е** ва **Ей** деб юритади. Носириддин Рабғузий ва Алишер Навоий асарларида ушбу бурж **Ей** ва **Қавс** атамалари ёрдамида ифодаланган.

Жади буржининг суврати белидан қўйи қисми балиқ қуйруғидан ташкил топган эчкидир. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржни **Уғлоқ** (улоқ) деб атайди. Носириддин Рабғузий **Уғлоқ** ва жади, Алишер Навоий **Учку** ва **Жади** деб юритади.

Дала буржининг суврати идишдан сув қуйиб турган бола шаклидадир, Юсуф Хос Ҳожиб ушбу буржни **Кўнак**, («челак, меш») Носириддин Рабғу-

Етти сайёранинг эски туркийча, арабча, форс-тожикча номлари билан бир қаторда ҳозирги русча муқобиллари.

Эски туркийча аталиши	Арабча аталиши	Форсча аталиши	Русча аталиши
Ялчиқ	Қамар	Моҳ	Луна
Орзу	Уторид	Тир	Меркурий
Севит	Зухра	Ноҳид	Венера
Яшиқ	Шамс	Хуршид	Солнце
Куруд	Миррих	Баҳром	Марс
Унгай	Муштари	Биржис	Юпитер
Секантир	Зухал	Кайвон	Сатурн

12 буржнинг эски туркийча, арабча, ўзбекча ва русча номлари

Эски туркийча аталиши	Арабча аталиши	Ўзбекча аталиши	Русча аталиши	Ҳисобга кўра
1. Қўзи	Ҳамал	Қўй	Овен	22 март—21 апрель
2. Уд	Савр	Сигир	Телец	22 апрель—21 май
3. Эрандиз, Эрантиз	Жавзо	Эгизак қиз	Близнецы	22 май—21 июль
4. Қучуқ	Саратон	Қисқичбақа	Рак	22 июль—21 июль
5. Арслон, Кураарслон	Асад	Арслон	Лев	22 июль—21 август
6. Бугдой боши	Сунбула	Бошоқ	Дева	22 август—21 сентябрь
7. Улгу	Мизон	Таози	Весы	22 сентябрь—21 октябрь
8. Чазан	Ақраб	Чаён	Скорпион	22 октябрь—21 ноябрь
9. Ей	Қавс	Ей	Стрелец	22 ноябрь—21 декабрь
10. Уғлоқ	Жади	Тоғ эчки	Козерог	22 декабрь—21 январь
11. Кўнак	Далв	Қовға	Водолей	22 январь—21 февраль
12. Балиқ	Хут	Балиқ	Рыба	22 февраль—21 март.

Эски туркийча аталиши	Форсча-тожикча аталиши	Арабча аталиши	Ҳозирги ўзбекча аталиши
1. Иаз	Баҳор	Рабиъ	Кўклам
2. Иай	Тобистон	Сайф	Ез
3. Куз	Хазон	Хариф	Куз
4. Қиш	Зимистон	Шито	Қиш

ЮЛДУЗ ИЛМИ

зий **Кўнак** ва **Далв**, Алишер Навоий **Қобқа** (сув идиш — челақ) ва **Далв** деб атаган.

Хут буржининг шакли қуйруқлари бир-бирига боғланган балиқдир. Юсуф Хос Ҳожиб уни **Балиқ**, Носириддин Рабғузий **Балиқ** ва **Хут**, Алишер Навоий **Хут** дейди.

Маълумки, йил тўрт (кўкламги, ёзги, кузги, қишки) фаслдан иборат бўлиб, унинг ойлари буржларнинг номи билан аталади. Йил кўкламнинг биринчи кунини (наврўз) билан бошланади ва қишнинг сўнги кунини билан якунланади. Йилда икки марта кун билан тун тенглашади. Кўклам куннинг энг узун ва туннинг энг қисқа бўлган даврига қадар (22 мартдан 21 июнгача) давом этади ва ундан сўнг ёз фасли келади. Ёз фасли кун қисқаришига юз тутиб кузги кун билан туннинг тенг бўлган пайтигача (22 июнь — 21 сентябрь) давом этади. Куз туннинг энг узун ва куннинг энг калта бўладиган вақтигача 22 сентябрь — 21 декабрь) давом этади. Шу кундан қиш бошланади ва кун узая боради. Қиш баҳорги кун билан туннинг тенг бўлган пайти (22 декабрь — 21 март) гача бўлади ва йил тугайди.

Туркий халқларда мучал ўн икки йилдан иборат бўлган. Улар ўн икки хил ҳайвон номини ўн икки йилга қўйганлар. Турли саналарни шу йиллар айланишидан ҳисоблаганлар. Буёқ лугатшунос олим Маҳмуд Кошғарий мучалнинг пайдо бўлишини қуйдагича тушунтиради:

Турк хоқонларидан бири ўзидан бир неча йил илгари содир бўлган уруш кунини аниқламоқчи бўлади. Чунки у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда турли фикрлар мавжуд бўлган. Ушбу масалани хоқон ўз халқи билан кенгашади ва шундай қарорга келади: «Биз бу тарихни аниқлашда қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шундай янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ўн икки ой ва осмондаги ўн икки буржга асосланиб, ўн икки йилга от қўйишимиз керак, токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин». Халқ бу фикрга тўла қўйилади.

Хоқон ўз истагини амалга ошириш мақсадида ов уюштиради. Унинг одамлари ҳайвонларни Ила дарёси томон қува бошлайдилар ва шунда ўн икки

ҳайвон сувдан ўтади. Ушбу ўн икки ҳайвон исми билан ўн икки йилни атайдилар. Сувни энг аввал сичқон ўтгани учун йил бошини унинг номи билан сичқан йили деб аташади. Сичқондан сўнг дарёдан ўтган ҳайвонлар номи ҳар бир йил учун исм бўлиб қолади.

Туркий мучал номлари Маҳмуд Кошғарий лугатида қуйидаги тартибда келтирилади:

- | | |
|------------------|--------------|
| 1. Сичқан йили | сичқон йили |
| 2. Уд йили | сигир йили |
| 3. Барс йили | барс йили |
| 4. Тавишган йили | қуён йили |
| 5. Нек йили | тимсоҳ йили |
| 6. Йилон йили | илон йили |
| 7. Йунд йили | от йили |
| 8. Қўй йили | қўй йили |
| 9. Бижин йили | маймун йили |
| 10. Тақағу йили | товуқ йили |
| 11. Ит йили | ит йили |
| 12. Тўнғиз йили | тўнғиз йили. |

Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, туркий халқлар бу йилларнинг ҳар қайсиси бир ҳикматни англатади, деб тахмин қилганлар. Масалан, сигир йилида уруш ва жангу жадаллар кўп бўлади, чунки сигирлар бир-бири билан тез-тез сузишиб турадиган ҳайвон. Тovuқ йилида озиқ-овқат мўл бўлади, бироқ инсонларда ташвиш кўпаяди. Чунки товуқ емиши дон бўлиб, уни топиш учун турли нарсаларни титишга мажбур. Тимсоҳ йили кирса, ёғин-сочин кўп бўлиши кутилган, чунки тимсоҳ сувни яхши кўради ва сувда яшайди. Тўнғиз йилида кунларнинг совуқ келиши ва одамлар ўртасида турли фитна ва фуружларнинг кўп бўлиши кутилади ва ҳоказо.

Исломга қадар туркий халқларда ҳафтадаги етти куннинг исми бўлмаган, Маҳмуд Кошғарийнинг гувоҳлик беришича ҳафта исломдан сўнг шуҳрат топган.

Аждодларимиз Қуёшнинг фалакдаги кўринма ҳаракати ҳамда табиатдаги мавсумий ўзгаришларга қараб йилни қадимдан даврларга, яъни фаслларга бўлганлар.

Нужум илмида ҳар бир фаслнинг бошланиши осмонда Қуёшнинг кўринма ҳаракатига қараб аниқланган. Ҳар бир фаслда иқлим кўрсаткичлари ва табиатдаги мавсумий жараён ва ҳодисаларнинг ўзгариб туришига эътибор қаратилган. Йил тўрт фасл — кўклам, ёз, куз, қишга бўлинган ва улар аниқ исмлар билан номланган.

Кўклам фаслини туркий халқлар ёз атамаси билан ифодалаган. Қўй, сигир ва эгизак қиз баҳорги ойлари ҳисобланган. Алишер Навоий, Бобур асарларида кўклам, форсча-тожикча баҳор, арабча рабиъ атамалари билан номланади.

Ёз фасли қадимги туркий ва эски туркий ёдгорликларида ёй деб аталган. Эски ўзбек тилида бу сўз ёз фонетик шаклида истеъмолда бўлган. Бобур бу фаслни ёз ва форсча-тожикча тобистон атамалари билан номлайди. Алишер Навоий ёз фасли маъносидан сўнги атамани ва арабча сайф сўзини ишлатади. Қисқичбақа, Арслон, Бошоқ ёз ойлари дид.

Куз фасли жуда қадимдан туб туркийча куз атамаси билан номланган. Алишер Навоий куз билан бир қаторда форсча-тожикча ҳазон ва арабча ҳариф атамаларидан ҳам унумли фойдаланган. Куз ойларига **Тарози**, **Чаён** ва **Ей** киради.

Йилнинг тўртинчи фаслини туркий халқлар қиш деб номлаган. Эски ўзбек тилида қиш атамаси билан ёнма-ён форсча-тожикча дай, зимистон, арабча шито ўзлашмалари ҳам фаол истеъмолда бўлганлигини кўраемиз. **Тоғ эчки**, **Ковка**, **Балиқ** қиш ойлари дид.

Қуёш йили фаслларининг эски туркийча, форсча тожикча, арабча ва ўзбекча аталиши.

Энди аждодларимиз дунё томонларини номлашда қўлланган атамалар билан танишишга ҳаракат қилаемиз.

Уфқнинг тўрт асосий нуқталаридан бири шарқ қадимги туркий ва эски туркий манбаларда **кун тўғсуғ**, **тўғсуғ**, **кун тўғар**, **кун тўғиш**, **тўғар**, **ўнг тонг сари** атамалари ёрдамида ифодаланган. Алишер Навоий асарларида арабча **машриқ** ва **шарқ** ўзлашмалари фаол ишлатилган.

Дунёнинг кунботар томони Урхун-Енисей битикларида эски туркий тилга оид қўлёзма асарларда туб туркийча **кунборсиғ**, **ботсиғ**, **кун ботар**, **кун ботуш**, **ботар** атамалари билан номланган. Кейинчалик араб тилидан ўзлашган мағриб сўзи «ғарб» маъносидан тез-тез қўлланган.

Туркий халқлар қадимда **кун ўртуси** атамаси билан дунёнинг жануб томонини номлашган. Эски ўзбек тилида арабча **жануб** ўзлашмасигина истеъмолда бўлган.

Дунёнинг шимолий қутбга энг яқин жойлашган нуқтасини қадимда бобоқолларимиз **тоғ**, **тун ўртаси** ёки **тун сари** деб аташган.

Эски ўзбек тилида фақат арабча **шимол** сўзигина қўлланганлигини кузатиш мумкин.



Хинд киноактрисаси Пунам Дхиллоннинг санъат соҳасидаги ижоди, биринчи қадами ҳинд киноюлдузлариникидан бирмунча фарқ қилади. Актриса 1964 йили Бомбейнинг ўрмонзорлар орасидаги Арма қишлоғида туғилган. Отаси чўпон бўлиб ҳамқишлоқлари молини боқар, бундан кўп бўлмаса-да, ҳар қалай оилани ўртаҳол тебратишга етадиган даромад келарди. Онаси эса кир юзувчи эди. Бундай кишиларни қишлоқда энг ҳурматли фуқаро ҳисоблашарди. Дхиллон оилада иккинчи фарзанд бўлиб, унинг ўзидан икки ёш катта акаси ҳам бор.

Пунам 16 ёшга тўлгунича қишлоқда яшади. Сўнг... Ҳиндистонда чиқадиган «Нью делитаймс» рўзномасини Арма қишлоғида беш-олти хонадон оларди, холос. Улардан бири Дхиллонлар оиласи эди. Газетанинг ҳар бир сонини Пунам отасидан кейин бIRON-бир сатрини қолдирмай ўқир эди. Кунларнинг бирида рўзномада чоп этилган «Гўзаллик» конкурси ҳақидаги эълонни ўқийди. Ўзи ҳақида тўлиқ фикрга борган бу қиз гўзаллар мусобақасида қатнашиш учун тайёрлана бошлади.

1980 йили биринчи марта Ҳиндистоннинг пойтахти Деҳли шаҳрида конкурс ўтказилди. Унда қатнашган 26 қиз орасидан тўрт нафари навбатдаги босқичга чиқди. Уларнинг орасида чекка қишлоқдан келган Пунам Дхиллон ҳам бор эди. Мусобақа Пунам Дхиллоннинг муваффақияти билан якунланди, уни нуфузли фирмаларга таклиф қила бошлашди. Ҳисобсиз долларлар ваъда қилинди. Лекин Пунам ёш бўлишига қарамай мўмай даромадларга учмади. Унинг бирдан-бир нияти она қишлоғига қайтиш эди... Лекин уни бир нарса тўхтатиб турган эди.

Таниқли ҳинд журналисти, қолаверса, машҳур режиссёр Сатжад Рей жюри аъзоси сифатида голиба Пунам билан суҳбатлашаётиб, «Сизнинг ҳусну-жамолингиз режиссёрларга жуда кўл келади. Агарда, кинода роль ўйнашга таклиф қилишганда рози бўлармидингиз?» деганида кинога меҳри билан қизгина ҳаяжонланиб «ҳа» деб юборади.

Пировардида Сатжад Рей ўзи суратга олаётган қисқа метражли (Ҳиндистонда 2 соатгача бўлган бадиий фильмлар қисқа метражли ҳисобланади) «Нури» фильмидаги бош ролга Пунамни таклиф этади. Сценарийни ўқиб, танишган Пунам Дхиллон бош ролдаги образда ўз қишлоғидаги ҳаётини кўради. Қишлоқ қизи Нурининг тақдири, ҳаётини фильмда акс эттира олишига тўла ишонч ҳосил қилгач рози бўлади. Ўзи қишлоқлик эмасми, ролни режиссёр ҳаёлига келтирмаган даражада ўйнайди.

Шу тариқа у кино оламига кириб келди. Актрисанинг ҳар қандай ролни қойилмақом қилиб ўйнаши, қаҳрамонларни ижобий ёритиб бериши, унинг ички дунёсига шу қадар кириб, образ яратиши ҳар бир ҳинд кино мухлисини лол қолдиради.

Ҳиндистонда, сўнгра Совет Иттифоқида зўр муваффақият билан намоиш этилган «Нури» фильмидаги бош қаҳрамон образини яратган Дхиллоннинг маҳорати мухлислар қалбидан жой олди.

Шу-шу Пунам Дхиллоннинг остонасидан режиссёрлар аримайдиган бўлиб қолди. Қисқа вақт



ਪ੍ਰਭਾਤ ਕਾ ਕਰਮ

ичида Пунам Дхиллон ўндан зиёд фильмда, жумладан «Ҳаёт йўли», М. Чакраборти билан ҳамкорликда «Ким ва қандай» музыкали фильмларида суратга тушди.

Биргина 1982 йили Пунам 33 фильмда суратга тушиш учун шартнома тузган. Ушанда у эндигина 18 ёшда эди. Шу фильмлар орасида сиз мухлисларга таниш бўлган «Уддатурон», «Икки дўст», «Одил суд» шунингдек «Қўшиқчи», «Булутлар тарқалганда», «Яна ёмғир ёғсайди», «Етти кун», «Севги кучи», «Бир-бири учун яралган», «Денгиздаги севги», «Жонгинам» сингари қатор фильмларда ҳам кишини ҳаяжонга соладиган хилма-хил образлар яратди. Бундан ташқари у Ҳиндистон ва Совет киноусталари ҳамкорлигида яратилган «Севги афсонаси» фильмида ҳам бош роль — Сония образида чиқди. Яқинда «Мосфильм» киностудияси билан Ҳиндистонликлар ҳамкорликда суратга олган «Кули» фильмида ҳам Пунам Дхиллонни кўриш мумкин.

Унинг кино санъатига меҳри шу қадар устунлиги шундаки, ҳали шу пайтгача ҳеч бир режиссёрнинг фильмига таклиф ҳақидаги илтимосини рад этмаган. Шунинг учун бўлса керак Пунам қисқа вақт ичида (3 йил) 71 фильмда ишгирок этди. Улардан 48 тасида бош ролни, қолган 23 фильмда эса салбий ролларни ижро этган. Ҳозирги пайт-

да у кўп серияли «Гунг қиз» фильмида ҳам бош ролни ўйнамоқда.

Актриса ҳозирги пайтда «юлдуз» бўлиш учун ошиқмоқда. Гарчи ҳинд киноси юлдузлари Хема Малина, Зинат Омон, Рекха, Тена Муним, Рати Агнихортилардан кейинги ўринда турса-да улардан ўзиб кетишга ҳаракат қилмоқда. Айни пайтда у қатор режиссёрлар суратга олаётган

сабабдан бўлса керак, бу актриса кинодан топадиган даромаддан кўра рекламадан кўпроқ пул олади. Яқинда Ҳиндистонда янги қурилган йирик аёллар пайпоғи ишлаб чиқариладиган фабрика Пунам Дхиллон билан шартнома тузди. Энди у ердан чиқадиган барча маҳсулотларда актрисанинг расми бўлиб, унда у чулкини кийиб турганлиги акс эттирилган. Франциядаги энг йирик пар-

ਭਵਿੱਤ ਕਰਮ

«Қалбимдасан», «Хайрли тун», «Қасос», «Узун йўл», «Фалокат», «Ҳинд фариштаси» номли фильмларда ижобий қаҳрамонлар образини яратмоқда. Унинг фильмидаги муваффақиятиданми, ролларни жозибали ўйнашиданми, томошабинни ҳаяжонлантиришиданми ёки гўзаллигиданми Ҳиндистонда унинг расми туширилган ҳар қандай буюмни талашиб-тортишиб олишади. Шу

доз-андоз буюмлари фабрикаси ҳам Пунам Дхиллон билан шартнома тузган.


Ҳиндистон гўзали Пунам Дхиллон оилали, ширингина ўғли бор, турмуш ўртоғи Ҳиндистондаги Индира Ганди номидаги опера ва балет театрида режиссёр.

Дилшод ҚУЛДОШЕВ.

ЗАХАР НИМА? УЛАРДАН Фойдаланса бўлади?

Захарлар гераз ниятда ҳам, кишиларни даволаш мақсадида ҳам ишлатилиши мумкин. Захарларнинг мана шу икки хусусиятидан ташқари уларнинг физиологлар диққатини ўзига тортадиган учинчи бир хислати ҳам бор. Физиолог қўлида захарлар — тирик жонзодлар организмда юз берадиган сирли ҳодисаларни ўрганишда тенги йўқ ўзига хос кимёвий қуролга айланади. Захарларнинг худди мана шу хусусиятларини мен анчадан бери кузатаман.

Клод БЕРНОР



Муаллимиз: Меърожддин Тошмухамедов, ёш олим, кимё фанлари номзоди. Жумҳуриятимиз ФАнинг биоорганик кимё институтида катта илмий ходим бўлиб ишлайди. Қизиққан муаммоси: Ўзбекистонда ҳаёт кечириётган бўғимоеқлилардан захарлар ажратиб олиш ва уларнинг тузилишини ўрганиш билан шуғулланади. Бу ишлар натижасида қорақуртдан лотротоксин захарини ажратиб олган.

фарқланади. Табиатда маълум захарларнинг ичида энг кучлиси Clostridium botulipium бактерияси фаолияти натижасида ҳосил бўладиган ботулотоксиндир. Уни халқ тилида колбаса заҳари ҳам дейишади. Бу заҳарнинг таъсир кучи ҳаммага маълум ноорганик заҳар — калий цианид бирикмасидан 10^6 мартаба кучлироқдир.

Оқсил тузилишли захарларнинг кучлиси батрахоксин заҳари бўлиб, у Колумбияда учрайдиган Кокки бақасининг елка териси суюқлигидан ажратиб олинган. Унинг заҳарлаш хусусияти энг кучли алколоид захарлар — кураре ва стрихнин моддаларидан ҳам бир неча юз баробар зўрдир. Еки фугу балиғидан ажратиб олинган фалажловчи заҳар — тетродотоксиндан ҳам бир неча мартаба кучлироқдир. Қадим замонларда хиндулар шу бақанинг тери суюқлигидан камон ўқлари ва найзаларининг учига суртиб, сўнг овга чиқишган.

Захарлар ҳаддан ташқари кучли биологик актив моддалар бўлиб, улардан ажратиб олинган токсинлар бир-бирларидан ўзларининг таъсир қилиш объекти билан фарқланади. Яъни ҳар бир токсин оз миқдорда организмнинг у ёки бу органига таъсир этиб, айна шу орган ҳужайрасининг функцияларидан фақат биттасинигина ишдан чиқаради. Шунга қараб улар ҳар хил номлар билан аталади. Цитотоксинлар (цитологича «ҳужайра» дегани) — ҳужайра қобиғини парчалаб ҳалокатга олиб келади. Кардиотоксинлар — юрак тўқималаридаги ҳужайраларга таъсир қилади. Нейротоксинлар — одам ва ҳайвонларнинг организми фаолиятини бошқариб, организмни бир бутун ҳолда ташқи муҳит билан боғлаб турувчи нерв системасига таъсир этади. Нейротоксинлар нейронларнинг, яъни нерв ҳужайрасининг қайси жойга таъсир қилишга қараб турларга бўлади. Масалан, илонлардан ажратиб олинган нейротоксинлар нерв ҳужайраларининг ўзаро мускул, безсимон ва бошқа

ҳужайралар билан функционал алоқасини таъминлайдиган тузилмаларга таъсир қилиб организмни фалажлайди. Амфибиялардан (сувда ва қуруқликларда яшайдиган ҳайвонлар: масалан — бақалардан) ажратиб олинган нейротоксинлардан бири — батрахоксин, балиқлардан олинган-тетродотоксин, бир ҳужайрали ҳайвонлардан ажратиб олинган сакситоксин — нерв толаларидан кетадиган нерв импульсини тўхтатиб қўяди.

Ҳайвонлар заҳарларининг ичида энг даҳшатлиси қорақурт заҳаридир. Қорақурт бўғмаоёқларнинг ўргимчаксимонлар уруғига киради. Заҳарли ҳайвонларнинг ҳозиргача 5000 хил тури маълум бўлиб, улардан 3000 га яқини ўргимчаксимонлар уруғига мансубдир. Заҳарли ўргимчаклар Европада, Португалияда, Испанияда, Франциянинг жанубида, Италияда, Болқонда, шунингдек, Шимолий Африкада, Туркияда, Исроилда, Хиндистонда, Хитойда, Индонезияда, Тинч океан ғарбидаги оролларда, Америка қитъасида, Канададан тортиб то Потагониягача бўлган ерларда учрайди. Мамлакатимизда эса асосан Жанубий Қозоғистон ва Урта Осиёда бўлади.

Ўзбекистон даштларида оддий, оқ ва дала қорақурти кўплаб учрайди. Қорақурт усти баҳмалга ўхшаш қора тусда бўлади. Фақат урғочиси заҳарли. Баҳорда кун исиши билан урғочи ва эркек қорақурт тўр тўқийди, бу ерда эркеги урғочисини уруғлантиради. Шундан сўнг урғочиси эркегини еб қўяди. Шунинг учун бўлса керак қорақуртни фанда «қора бева» деб атайдилар. Уруғланган қорақурт уя ясаш учун жой қидириб кўчиб юради. Шу даврда уни безовта қилинса чақади. У чаққандан орадан 5—10 минут ўтгач, қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб, бу оғриқ бутун баданга тарқалади. Одам қаттиқ ваҳимага тушади, оёғида тура олмайди, иситмайди, қон босими ошади. Бу ҳолат 10 кундан ортиқ давом этади. Бундай вақтда заҳарга қарши махсус зардоб юбориш яхши наф беради. Исски ванна қилиш, кўп чой ичиш тавсия этилади. Агар вақтида врачга мурожаат қилиб, даво чоралари кўрилмаса, одам нобуд бўлиши мумкин.

Бу ўргимчакларнинг заҳаридан бир қанча нейротоксинлар ажратиб олинган бўлиб, улар ҳозир нейробиология фанининг ривожланишида муҳим роль ўйнаяпти. Бу борада Совет Иттифоқида биринчи бўлиб жумҳуриятимизда — академик О. С. Содиков номли биоорганик кимё институти олимлари иш бошлади. Тажрибахоналарида қорақурт заҳарининг асосий нейротоксини- α -латротоксин ажратиб олиниб, унинг физик-кимёвий хусусиятлари, кимёвий тузилиши, тузилиши ва фаолияти ўртасидаги боғланишлар чуқур ўрганилмоқда.

Хўш, нейротоксинлар ёрдамида нерв системаси фаолиятини қандай ўрганиш мумкин? Невр системасига таъсир қиладиган заҳарлар организмга кирганда нейротоксинлар нейронларга, яъни нерв ҳужайраларига таъсир қилиб, ана шу ҳужайраларнинг маълум тузилишга эга бўлган рецептори билан боғланиб, нейроннинг нормал фаолиятини бузиб, ҳужайра таркибида кетаётган кимёвий жараёнларни ўзгартириб юборади. Агар ана шу нейротоксинга радиоактив белги қўйсақ, у бирикадиган ҳужайра қисми — рецепторни ҳам белгиланган бўламан. Сўнгга уни тоза (гомоген) ҳолда ажратиб олиб, тузилишини аниқлаш имконияти туғилади. Натижада бу нерв ҳужайраси таркибида кетадиган маълум кимёвий жараёнларни кузатса бўлади.

Қорақурт заҳаридан ажратиб олинган α -латротоксин ёрдамида ҳозир СССР ФАнинг М. М. ШЕМЯКИН номли биоорганик кимё институти олимлари томонидан шу нейротоксиннинг рецептори тоза ҳолда ажратиб олинган. Унинг кимёвий тузилиши ўрганиляпти. Шунингдек, Ленинграддаги Сеченев номли эволюцион физиология ва биохимия институтида бир қанча нейротоксинлар ёрдамида нерв системаси фаолияти чуқур ўрганиляпти.

Шундай қилиб, заҳарлар ва токсинлар тирик табиат — инсон ва ҳайвонлар организмларини ташкил қилган ҳужайралар фаолиятини ўрганишда олимлар қўлига табиатнинг ўзи берган бебаҳо кимёвий қуролдир.

Меърожддин ТОШМУХАМЕДОВ,
кимё фанлари номзоди.

Оламдаги тирик табиат жуда хилма-хилдир. Уларнинг одатдаги, ўзгарган муҳитдаги ёки бирор патологик ўзгаришдаги (касалликдаги) ҳаётини ўрганиш жуда муҳим. Шунингдек, кичик ва улкан молекулалар дунёси бўлмиш тирик ҳужайранинг яшаш тарзини ўрганишнинг ҳам аҳамияти катта.

Хўш, кўз илғамас вирусдан тортиб инсонгача бўлган тирик организмлар нима учун яшайди? Қайси қонуният асосида тараққий этади? Уларнинг ҳаётини асосий мазмуни бўлган кимёвий жараёнлар ҳужайраларда қандай кечади?

Бу жумбоқлар сирини англаш учун аввало, ҳужайраларда кечадиган кимёвий жараёнларни ўрганишимиз керак. Бу мақсадда кимёгарлар ана шу ҳаёт учун ўта муҳим кимёвий жараёнларни ўзгартира оладиган, тезлаштирадиган ёхуд умуман тўхтатиб қўядиган моддалардан фойдаландилар. Бундай моддаларга эса биз ҳаммиша чўчиб тилга оладиган заҳарлар ҳам киради. Демак, заҳарлардан тирик организм ҳужайраларидаги фаолиятни ўрганишда ўзига хос қурол сифатида фойдаланиш мумкин экан. Шунинг учун энг аввал заҳарлар ҳақида, уларнинг организмга таъсир этиш кучи, физик-кимёвий хоссалари ва молекулаларининг кимёвий тузилишини билиб олишимиз лозим.

Энди заҳарлар нима? Улар қаерларда учрайди? Уларнинг кимёвий хоссалари нималардан иборат? — каби саволларга жавоб берсак.

Заҳарлар тирик организмга таъсир этганда унинг ҳаёт фаолиятини бузиб, ҳаётни хавф остида қолдирадиган моддалардир. Аслида тирик организм учун биз дорихоналардан харид қиладиган дорилар ҳам кўп миқдорда заҳардир, яъни заҳарга айланади. Аксинча, ўта заҳарли моддалар ҳам оз миқдорда дори вазифасини ўтайди. Шунга кўра ҳам тиббиёт илми бўлмиш медицинанинг эмблемасида Эскулап илонининг тасвири бордир.

Турмушда заҳарланиш ҳодисалари кўп учрагандан заҳарлар қадим-қадим замонлардан бери кишиларнинг, буюк олимларнинг эътиборларини ўзига жалб қилиб келган. Заҳарли ҳайвон ва ўсимликларни ўрганишда буюк олим Абу Али ибн Синонинг хизматлари беқиёс. Унинг «Тиб қонунлари» асарининг XVIII асргача Европа табибларининг асосий қўлланмаси бўлиб, 30 мартабадан ортиқ лотин тилида нашр қилинди. Ушбу асарнинг «Заҳарлар ҳақида умумий мулоҳазалар» деб аталган бобида заҳарли ҳайвонлар заҳаридан заҳарланган одамларни даволаш услублари ҳақида батафсил ёзилган. Ибн Синодан кейин унинг шогирди Зайнуддин Абу Иброҳим Жўржоний 1100 йилда «Хоразмшоҳ хазинаси» номли кўп томли асар ёзган, улардан бири заҳарли ҳайвонлар чаққанда даволаш усулларига бағишланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Заҳарларнинг ўсимлик, ҳайвон, минерал ва кимёвий йўл билан олинган турлари мавжуд. Ўсимлик заҳарларига, асосан алкалоидлар киради, улардан аконитин (парпи), мускарин (мухамор), никотин (тамаки барглари), анабазин (итсигек), атропин (белладонна), физостигмин (калабар дуккаги) кўпроқ заҳарли. Патоген (заҳарли) микроорганизмлар, баъзи илонлар, бўғмаоёқлилардан қорақурт, чаён, кейин ари, асаларилар чиқарадиган заҳарларининг аксариси оқсил тузилишига эга бўлади. Бу заҳарларнинг асосий таъсир қилувчи моддалари — токсинлар деб аталади. Баъзи заҳарли ўсимлик ҳам ўздан оқсил тузилишидаги токсинларни ишлаб чиқаради. Токсинлар оқсил тузилишига эга бўлмаган бошқа заҳарлардан (минерал ва органик бирикмалар заҳаридан) ўзларининг организмга ўта кучли таъсири билан

«Еш куч» саволлари ва...

1. Узга жинс вакилларига неча ёшдан эътибор бера бошлагансиз?
2. Узингизнинг ташқи кўринишингиздан кўнглингиз тўкми?
3. Нега ёшингизда севги изҳор қилгансиз?
4. Қиз бола билан оила қуриш мавзусида босиқ, жиддий суҳбат қура оласизми?
5. Оила қуриш муаммолари ҳақида кимни ўзингиз учун яқин маслаҳатчи деб ҳисоблайсиз?
6. Оила қуришга доир ҳозирги қондалар ва анъаналаримиз мукамалми? Узингизни оила қуришга тайёр деб ҳисоблайсизми?

Муштарийлар жавоби

Мен ҳеч кимга севги изҳор қилмаганман. Сабаби аниқ: қиз боламан, ўз қадрим ва ўз ғуруримни севгидан юксак деб биламан.

Муҳаббат, Сирдарё вилояти.

Хотин олиш дўкандан бирор буюм харид қилиш эмаски, бузилиб қолса ёки ёқмаса алмаштириб келсанг.

Шахнигор, Тошкент шаҳри.

Севган қизингиз билан оила қуриш ҳақида суҳбатлашининг ҳожаги йўқ.

Собит, Тошкент вилояти.

Қиз боланинг севги изҳор қилиши беҳаёлик.

Ҳилола, Косон.

Ешим 20 дан ошган бўлса-да оила қуришга унчалар иштиёқим йўқ. Менга ҳамма йигитлар бевафодек туюлади, гўё ҳаммаси алдаб кетадигандек.

Фаргоналик қиз.

Мен бир йигитни севиб қолганман, лекин сиз мени ёмон қиз экан деб ўйламанг. Кечалари ўзимча: «Унга очигини айтман» деб ўйламану, лекин бу иш қўлимдан келмайди, ахир унда қизлик ифратим қайқда қолади?!

Гуллола, Жиззах вилояти.

Мени 4 йигит яхши кўрган, мен эса 7 та йигитни яхши кўрганман.

Гулчехра, Наманган вилояти.

Қайси халқнинг урф-одати бўлмасин, ҳаммасида аёлларга нисбатан қандайдир камситиш, ҳурматсизлик сезилиб туради. Нима учун бечора хотин-қизлар бутун умрларини эркекларга бўйсуниб, ўз фикрларини ёритолмай яшашлари керак?

Каттакўрғонлик қиз.

Нега оталар учун «Қаҳрамон ота» медали ёхуд қандайдир шунга ўхшаш ёрлиқлар йўқ ёки эркек киши одам эмасми?!

Саид РАВШАНОВ, Сирдарё вилояти.

Қиз бола бўлиб тугилганимга минг бор пушаймонман. Чунки яхши кўрган йигитимга севгимни ошкор қилолмадим, у эса дугонамга уйланди.

Гулираъно, Андижон.

Бизда 18 ёшдан оила қуриш ҳуқуқи бор. Бу жуда эрта. Менимча, кам билан 20 ёшдан турмуш қуришга рухсат берилса яхши бўларди.

Зарина ХОЛОВА, Бухоро вилояти.

Йигит билан қиз турмуш қуришидан олдин бир-бирларини синаш учун бериладиган 1 ой муддатни янада кўпайтириш керак. Шунда суд залига бориб «характеримиз тўғри келмади» деган баҳоналар камроқ бўларди.

Абдулла, Фаргона вилояти.

Ажраётганлар билан кўпроқ диний бошқарма вакиллари ҳам шуғулланишлари керак. Ҳар қалай 3—4 боласи кўзига кўринмаётган ноинсофларга «жони ширин туюлиб», худодан кўрқармиди.

Муқаддас МАҲМУДОВА,
Наманган вилояти

Менимча, ажраётганлар давлатга жарима тўлашлари керак. Агар оилада бола бўлса, жарима миқдорини янада кўтариш зарур.

Абдумалик, Фаргона вилояти.

Бизда жуда кўп чиқим билан тўй қилинади: биргина қалин пули 6—7 минг сўм атрофида, бундан ташқари яна қанча харажат: келиндан тортиб унинг қариндош-уруғларигача саруполар қилинади, келиннинг ўзига минг сўмлик сарупо қилинади. Келин уйига ҳар борганда битта кўчқор билан боради. Моддий аҳоли оғир оилалар учун тўй қилиш жуда қийин. Олти-етти ўғилли оилалар фақат келин тушириш учун туну-кун ишлаб, бир умр пул йиғишади.

Маърифат, Хоразм вилояти.

Мен қалин беришга қарши чиқмайман, чунки ёш йигит уйланиш учун меҳнат қилади, оила қурмасдан ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўради. Катта қалин бергандан сўнг ажралиш ҳам кам бўлади.

Дилфуза ҒУЛОМОВА, Наманган.

Муҳтарам, муштарий! Эсингизда бўлса, буюк инглиз драматурги Уильям Шекспирнинг «Отелло» номли фожиасининг ilk пардасида Дездемонанинг отаси қизига қарата: «Е мени танла ёки Отеллони», деб мурожаат этганда Дездемона севгилиси билан бирга бўлишга аҳд қилади. Тан олиш керак, бу гўзал муҳаббатнинг чинакам тантанаси эди. Лекин, айтингчи, наҳот ёр падардан азиз бўлса?! Лобар қизнинг оқибатда бадбахт бўлишига сабаб отасининг розилигини олмасдан туриб турмушга чиққанлигида эмасмикан. Балки ҳаммасига айбдор қувликни билмаган Дездемонанинг ўта ёшлигидир, чунки у бор-йўғи ўн олтида эди... Бу каби саволлар мана тўрт асрки бутун дунё аҳлини ўйлантириб келмоқда ва ўйлаймизки, ҳадемай оила қуриш тараддудида турган сиз азиз муштарийларимизнинг ҳам эътиборидан четда қолмаган. «Қачон мен ўзимни оила қуришга тўла ҳақли деб ҳисоблайман?», «Қуруқ севги билан ҳаёт кечириш мумкинми ёки тўйдан сўнг муҳаббат рўзгор ташвишлари таъсирида иккинчи ўринга ўтиб қоладими?», «Хўш, қандай инсон билан умр ришталарини боғлаган афзал?»

Ҳар бир йигит ёки қиз никоҳ ўқитишга боришдан аввал албатта шу саволлар устида бош қотиради. Шунинг учун биз улар ҳақида ва яна оила қуришга доир жуда кўп муаммолар тўғрисида таниқли психолог Ойбек НАЖИМОВ билан суҳбатлашдик. (Маълумингизким юқоридаги саволлар «Еш куч» нинг ўтган йилги 7-сонидан эълон қилинган эди. Унга 1000 га яқин хат олинди. Ушбу саҳифадаги жавобларда эса хат эгалари — уларнинг номлари атайин кўрсатилмади — йўллаган жавоблардан кичик бир шингил, холос. (Муҳарририят изоҳи.)

— Ойбек ака, сизнинг мақолангиз жаридамизнинг ўтган йили июль сонидан босилиб чиққандан сўнг у хусусида бизга жуда кўп хатлар келди. Уларда мактуб эгалари оила қуришга доир ўз фикрларини ўртоқлашишга, қалбларининг қатида яшириниб ётган дардларини тўкиб солишга ҳаракат қилинган. Лекин диққат билан қаралса хат йўлловчиларнинг аксар қисми — уларнинг ёши тахминан ўн олтидан 25 гача — ўзини ҳали оила қуришга нолойиқ, тайёр эмас деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, қадимда қизларимиз 13—15 ёшдан узатилиб, йигитларимизга шариат 17—18 ёшдан уйланишни рухсат этган. Нима, ҳар бир давр ва ижтимоий муҳитнинг талабига қараб оила қуриш ёши ўзгариб турадими? Умуман сиз бу ҳодисани қандай баҳолайсиз?

— Биласизми, Бобур, мен бу ерда қайғуришга молик ҳеч қандай сабаб кўрмайман. Менимча, бу яхши ало-

ҚАНДАЙ ҚИЗГА УЙЛАНГАН МАЪҚУЛ



мат. Агар бевосита ўтмишда амалга оширилган никоҳлар хусусида тўхталсак, Урта Осиё, умуман Шарқ оламида эрта оила қуришга таъсир этган жуда кўп омилларни санаб ўтса бўлади, яъни: тиббий жиҳатдан инсон, хусусан аёл организмнинг физиологиясини яхши билмаслик, ижтимоий жиҳатдан — айтгани-айтган, дегани-деган бойваччалар ўзларининг чегараланмаган истакларини қондиришда ҳеч ким билан ҳисоблашмасликлари... Бундан ташқари қизларнинг эрта турмушга чиқишига мажбур этган энг катта сабаб сифатида у вояга етган хонадоннинг иқтисодий, моддий ҳолати ҳам таъсир кўрсатган. Агар қашшоқ деҳқон серфарзанд (айниқса қизлари кўп) бўлса, у ҳолда қизларини тезроқ узатиб ота-оналар нафақат қайсидир миқдорда қалин олишган, балки шу билан бирга ортиқча нонхўрдан халос бўлганлар.

Ҳозирда эса барчага маълумки, аёл организми тахминан ўн олти ёшларда тўла шаклланади. Бунинг устига бугунги кунда ҳаммасининг тўлиқ ўрта маълумот олиши шарт. Ўқишларини олий ўқув юрталарида давом эттиришни истовчилар бор. Шу омилларнинг барчаси бир бўлиб эрта оила қуришга тўққинлик қилади. Албатта, қонун ҳам эрта оила қуришга рухсат бермайди, чунки масалага психологик жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, ёш қизнинг ўзи ҳали гўдакку, қандай қилиб фарзанд кўриб, уни тарбиялай олиши мумкин! Лекин гап орасида шуни ҳам қистириб ўтиш керак, ҳозирги қизлар ўз ўқишларига анча пухта бўлиб қолишган, тезгина турмушга чиқишни исташмайди. Улар ўтмишдаги тенгдошларидан фарқли ўлароқ, ўзларига турмуш ўртоғини эркин танлаш имкониятига эга.

— Фикрингизни давом эттириб, шуни эслатмоқчиманки, оила қуришга доир ҳозирги қонунларни ўзгартиришга оид юборилган таклифларнинг кўпинча уйланиш ёқини ошириш, яъни қизлар учун 25 дан кейин турмуш қуришга рухсат бериш кераклиги ҳақида гап боради. Айтишларича, ҳозирги оилаларнинг тез бузилиб кетишига асосий сабаб ёшларни ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмасдан туриб қовуштириб қўйилаётганлигида экан.

— Маълум нуқтаи назардан бу гапларни асоссиз деб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам ажралиш ҳодисаси ёшлар орасида (18—20) катталарга қараганда кўпроқ кучайди ва ёшликда ажралиб кетганларнинг қайта уйланишига бўлган имконияти катталарникига қараганда кўпроқ. Улар, «Ҳали ёшман, бундан бошқасини топиб олиш мумкин» деб ўзларини алдайдилар. Лекин ажралишлар сонининг ортиб кетишининг сабабларидан бири шундаки, айрим ёшлар никоҳга қадар ўз ота-оналари бағрида эрка-табаррук бўлиб яшар эканлар, турмуш машаққатлари ҳақида ҳатто ўйлаб кўрмайдилар ва қийинчиликлар, иқтисодий етишмовчиликлар зарбасига дучор бўлганларидан сўнг оилавий ҳаётни киноларда кўрсатилганидек силлиқ кечмаслигини туйиб, яна меҳрибон ота-оналарининг меҳрибон қучоқларига қайтишни истаб қоладилар. Шунинг учун мактаб ёшидан бошлабқ уларни оилавий ҳаётнинг барча масъулият ва оғирликлари билан таништириб борилса, қийинчиликларга қарши бардам туриб курашиш ўргатилса, менимча ёмон бўлмасди. Минг афсуски, мактабларда ўтиладиган «Оилавий ҳаёт одоби ва психологияси» дарслари бу вазифани уддалай олмапти.

— Ойбек ака, бир нарсага эътиборингизни қаратишни истардим. «Оила қуриш муаммолари ҳақида кимни ўзингиз учун яқин маслаҳатчи деб ҳисоблайсиз?», деган саволга хат йўлловчиларнинг тўқсон беш фоизи «онамиз» деб жавоб берибди. Бу яхши албатта. Аммо она ҳар қанча омилдор бўлмасин, у ҳолис қозилиқ вазифасини ўтотмайди. Мудом қалбининг қат-

қатларида барибир ўз фарзандига ён босади. Лекин маслаҳатчи киши ёш келинчака кўпроқ турмуш ўртоғини эъозлашни, ўзини унга қурбон қилиши лозимлигини насихат қилса яхши бўлади. Оналаримиз эса одатда «ўзингни ҳам ўйла», «ўзингни эҳтиёт қил» дейишни ёқтиришади. Бундай панд-насихатлар ёшлардаги худбинликнинг ортиб кетишига сабаб бўлмасмикин? Эр-хотиннинг ажралишига асос бўлаётган мисоллардан бири биздаги худбинликнинг кучлилигида эмасми?

— Бу соҳада онанинг фарзандига, айниқса қизига яқин маслаҳатчи бўлиши табиий ҳол. Лекин сиз айтгандек ҳамма оналаримиз ҳам оилавий муносабатлар бобида бирдек саводхон ва оқила деб бўлмайди. Аввало ҳар қандай маслаҳатчи ўзида масъулиятни ҳис қилган ҳолда ёшларга ахлоқий, тиббий, руҳий, иқтисодий чигалликларни ўзгаларга, хусусан турмуш ўртоғига оғир боғмайдиган йўллар билан бартараф этишни ўргатоғи даркор. Статистика маълумотига қараганда тўқсон фоиз оилаларнинг бузилиб кетишига эр-хотиннинг худбинлиги сабаб бўлаётган экан. Хўш, нега бундай? Фожиамиз шундаки, ҳаммамиз ҳам чала тарбияланган тарбиячилар қўл остида тарбия топамиз. Аслида онанинг ўзи муайян бир зиддият ёки «тўқнашув» хусусида маълумотга эга бўлмай туриб у ҳақда бир ёқлама хулоса чиқаради-да, ўғил ёки келиннинг хатти-ҳаракатини шу хулосага таянган ҳолда баҳолайди. Бу эса худди олов устига мой сепгандек низоларнинг баттар кучайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳозирги кунда жойларда махсус маслаҳат (консултация берувчи) хизматоналари очилмоқда. Масалан, Тошкентда «Никоҳ ва оила», «Семурғ» каби маслаҳатхоналар ишлаб турибди. Турмуш қуришдан олдин бундай жойларга мурожаат қилиб юқори маъналик мутахассислардан маслаҳатлар олинса, ёмон бўлмайди.

Бироқ, биласизми, Бобур, маслаҳатлар ўз йўлига, лекин очигини айтганда, агарда эр-хотин ҳақиқатдан бир-бирини севса, ўйламанки, улар ҳар қандай чигал муаммони бировнинг ёрдамисиз ҳал қила оладилар. — Хўш, агар улар бир-бирини севмасачи? Ахир, ўзингизга яхши маълум, ўзбекларда турмуш қуриш ўзига хос хусусиятга эга. Келган совчиларнинг зоти-насаби, бўлажак келин ёки кўёнинг ота-онасининг жамиятдаги ижтимоий ҳолати обдон суриштирилгандан сўнг қиз билан йигитнинг учрашувига рухсат берилади. Ёшлар икки-уч бор кўришгандан сўнг бир-бирини ёқса тўй ҳам бўлиб кетаверади. Ким билади дейсиз, балки бу тўғридир. Чунки, «онасига қараб қизини ол» деганларидек, кишининг қандайлиги, у тарбияланган муҳит ва унинг тарбиячиларига боғлиқ. Лекин масалага бу тариха ёндошиш севгисиз қурилган оилаларнинг кўпайишига олиб келадику.

— Тўғри, ота-оналаримиз туйғуларини эмас, кўпроқ амалий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда иш юриштишади, аммо ёшларнинг оила қуришида катталарнинг раҳнамо бўлиши бошқа халқларда ҳам учрайди. Фарзанд ўзининг бўлажак турмуш ўртоғини ота-онасига кўрсатса ёки бўлажак қудалар ўзаро танишиб олишса, бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Ахир қадимдан қолган ажойиб мақол бор: «Қуш уясиди кўрганни қилади». Шундай экан, илк танишув чоғида оилаларнинг ахлоқи, ўзаро бир-бирига тўғри келмаса, яхшиси улар қуда бўлмаганлари тузук, аке ҳолда кейинчалик ёшларнинг тотув ҳаёт кечирishiга гўмон бор. Бу соҳада озми-кўлми тажрибага эга бўлган ота-оналар ўз фарзандларига ёмонлик раво кўрмаса керак. Шунинг учун қари билганини пари билмас деб уларнинг гапларига қулоқ тутган яхши.

Бундан ташқари никоҳдан сўнг ота-оналар ёш эр-хотиндан ўз ёрдамларини аямаганлари маъқул, чунки ёшларда ҳаётий тажриба оз, иқтисодий жиҳатдан ҳали ўзларини яхши таъминлай олмадилари мумкин. Оилада боланинг туғилиши билан уларнинг моддий аҳоли оғирлашиб, маънавий таянчга муҳтожлиги сезилиб қолади. Бундай ҳолларда ота-онанинг кўмаги ниҳоятда қадри деб ўйламан.

— Урф-одатлар, анъаналару удумлардан нолиб ёзганлар бисёр. Ҳамма тўй чикимларини камайтириш зарурлиги ҳақида фикр юртади. Ўзбекининг эрта-ю кеч ишлаб топан-тугани ўғил уйлантириш, қиз чиқаришга сарфланапти. Лекин айримлар, тўй қилиш қанча оғирлашса, ажралиш шунча камаяди, чунки маъракаларга, олди-бердига сарфланган маблағ қайсидир жиҳатдан икки оилани бир-бири билан бирлаштириб туради, деб ёзишибди. Айтингчи, оиланинг бахтли ва барқарор бўлиши учун қалину сарулоларнинг таъсири борми?

— Қадим замонларда халқ анъаналари шубҳасиз қандайдир зарурият ёки мақсад асосида юзага келиб, ўта фойдали талабларни қондиришга хизмат қилган. Бугун эса улар ўз маъносини йўқотиб, қуруқ расмиятчиликка айланиб қолмоқда. Сиз ҳатто маҳалла дастурхончисининг олдига бориб, тўйга оид бирорта русум нима мақсадда қилинишини сўрасангиз, аминманки, ундан тўлиқ жавоб ололмайсиз. Сир эмас, бизнинг жамиятда кун кечириш, йўл топиш хамирдан қил суғиргандек осон кечмайди. Қоғиб қолган урф-одатлар бўйича эса, мабодо худо кўрсатмасин, тўйга оид расм-русумларнинг бирортаси бажарилмай қолгудек бўлса, хонадон эгаси қўни-қўшнилари ёки қариндош уруғнинг норозилиги, кулгусига гирифтор бўлади. Ваҳоланки, оддий одам омманнинг нафратидан ниҳоятда қўрқади ва шунинг учун ўзлари баазур рўзгор тебратиб турган кишилар эл олдига юзимиз қаро бўлмасин деб бир умр тўй учун, фарзандларининг сепи учун пул тўплайдилар. «Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин» қабилида зўриқиб тўй ўтказиб, катта зиёфатлар берадилар, жамғарилган маблағни бир неча кунда кўкка совурадилар. Ахир бу пулларни ақл-идрок билан сарфлаш мумкин эдику, айтганлик, ёшларнинг рўзгорини бутлаган, уларни уй-жой билан таъминлашга ва ҳоказо. Бу тўғрида анчадан буён кўп гаплар айтилмоқда, лекин деярли натижа йўқ, харажатлар орта ортаптки, камайгани йўқ. Менимча, дин арбоблари қаттиқ туриб, кераксиз русумларни чеклаш учун курашсалар вазият ҳарҳолда яхши томонга ўзгарган бўларди. Чунки урф-одатлардан тинка-мадори қуриган халққа уларнинг қақирғи айниқса қаттиқ таъсир қилади.

Агар қалин ва сеплар хусусида фикримни билмоқчи бўлсангиз, менимча, улар оилавий ҳаётнинг барқарорлигига деярли таъсир қилмаса керак. Албатта, ёшлар мустақил ҳаётга илк қадам қўйган чоғларида оёққа туриб олишлари учун буларнинг ёрдами тегади. Лекин ота-оналарнинг ортиқча саҳийлиги кўпинча салбий ҳолларни юзага келтирмоқда, яъни ёшларни мустақил иш юритиш қобилиятидан маҳрум қилиб, берсанг ейман, бермасанг ўламан дегувчи боқиманда бўлиб қолишларига сабаб бўляпти. Энг ёмон эса ҳаётда кимдандир марҳамат кутиб яшаш, кимнингдир эзидиши эвазига бахтли бўлишга кўниқиб қолишдир.

— Шунинг учун бўлса керак, биз кўпинча турмуш ўртоғимиздан севгини эмас, аввало ўз бурчларини бажаришни талаб қиламиз. Наҳотки тўйдан сўнг, муҳаббат иккинчи даражали масалага айланиб қолса?

— Оила ўзига хос митти ва жуда мураккаб жамият. У аъзолари зиммасига кишининг шахсий маанфаатла-

ридан юқори турувчи юксак масъулиятлар юклайди ва оиланинг мустақамлиги шу масъулиятларга қай даражада амал қилинишига боғлиқ. Ойлага аъзо бўлиб келдингми, демак унинг барча талабларини бажаришга мажбурсан — ўйиннинг қондаси шундай. Эр-хотин — қўш ҳўкиз деганлар. Жуда тўғри гап. Севги ҳам ўз йўлига, лекин оилавий ҳаёт фақат кўнгилхушлиқдан иборат эмас, у кишидан хўжаликни бир тан, бир жон бўлиб бошқаришни ҳам талаб этади. Сўнгги маълумотларга қараганда «бахтиёр оилалар» да эр-хотинлар ишнинг сеники меникига эътибор беришмайди. Бу ҳарқалай севгини янада мустақамласа мустақамлайдику, лекин унга асло путур етказмайди.

— Кўпинча катталар: «Қизларнинг чиройига учмагин, ундан кўра ақли, одоблигини танла», деб маслаҳат беришади. Лекин, аёл аввало чиройли бўлган афзал эмасми?

— Ниҳоятда оғир савол, лекин айтган гапларимизнинг барчаси нисбий деб ҳисоблаган ҳолда, унга жавоб беришга уриниб кўраман. Биласизми, бизнинг тасаввуримиздан ташқарида ҳеч қандай гўзаллик йўқ, тўғрироғи ҳеч нарса гўзал ёки хунукка ажратилиб, синflanмайди. Ким нимани ўзи учун гўзал қиёфада кўришни истаса, ўша нарса унга чиройли бўлиб кўриनावеради. Бунинг устига ҳар ким гўзаллиқни ўзича тушунади. Масалан, японларда қизнинг мулоимлигига қараб унга баҳо берилса, ўзбекларда эса, қиз боланинг гўзаллиги унинг одоб-ахлоқидега намён бўлади. Аминманки, аёлларнинг ҳеч қачон чиройли ёки хунуғи бўлмайди, уларнинг ҳаммаси моҳиятан гўзал. Лекин аёлларнинг фаросатлиси ва фаросатсизлиги бўлади. Фаросатсиз аёл билан турмуш қуриш жуда оғир.

— Оиланинг мустақамлигини таъминловчи асосий устулар нима-лардан иборат?

— Файласуфлар «Тушунмоқ-кечирмоқ» деб айтадилар. Оилада ҳам бу етакчи ақидага айланиши керак. Эр-хотин ҳар қандай шароитда доимо бир-бирини тушунишга интилса, қийинчиликлар осонгина енгил ўтилади, «Оғир гуноҳлар» тезгина кечириб юборилади. Яъни ўз-ўзидан бўлар бўлмас жанжалларнинг олди олинади. Қолаверса, ўзаро ҳурмат йўқ ерда иттифоқ ҳам бўлмайди.

— Баъзи қизлар «Биз ўзимиз ёқтирган йигитларга севги ихор қилиш имкониятидан маҳруммиз, чунки қизлик ғурури бунга йўл қўймайди. Шунинг учун, севмаган кишимизга турмушга чиқишга маҳкум этилганмиз. Ўзбекининг ифбатли қизлари ўз шавъларига путур етказмаган ҳолда қандай қилиб севиларини ошкор қилишлари мумкин?», дейди.

— Бу ўта шахсий масала, бу борада яхшиси шароитдан келиб чиқиб ҳаракат қилган тузук, олдиндан маслаҳат бериб бўлмайди. Лекин афсуски, бизда ҳамма ота-оналар ҳам қизларининг кўнглига қарашни исташмайди. Буларни ҳаётни яхши тушунмасликда айблаб ўз қизларини тағли-туғли, ҳар нарсага қўли етадиган бадавлат хонадонга узатиш илинжида бўладилар. Шунинг учун фурсатдан фойдаланиб ёшларга мақсадларига эришиш йўлида қаъиятли, жўшқин ва уддабурон бўлишларини маслаҳат берадим. Руселарда «Бахтинг учун ҳам тишинг, ҳам оёғинг билан кураш» деган нақл бор. Сиз ҳам сўнгги имкониятга бахтингиз учун курашинг, токи элимизда бахтсиз оилалар асло бўлмасин. Қандай қизга уйланган маъқул ёки қандай йигит билан турмуш қуриш тўғри бўлиши ҳақида жуда кўп гаплар иш мумкин. Ҳозирча суҳбатимизни тўхтатсак.

— Раҳмат.

Суҳбатдош Бобур ТУХТАБОИ

Редакциямизга Қашқадарё вилояти Чироқчи ноҳиясидаги Коммуна қолхозининг бир гуруҳ ёшларидан келган шикоят хатида шундай дейилган эди: «Хурматли «Еш куч»! Бизнинг қолхозда 33 кундан буён икки қишлоқ ўртасида ер жанжали тугамай, одамларнинг тинчини, бузмоқда. Биз Тўлақул қишлоғи шунча кундан буён хўрланиб келмоқдамиз.

Ота-буваларимизнинг айтишича, 1955 йилда одамларимиз «қора кнжска» билан мажбуран тоғ воҳасидан кўчириб олиб келишган. Жанжал бошлаган Комсомол қишлоғидагилар «сизлар яшаб турган жойлар асли бизнинг ота-буваларники» деб ноўрин шовқин солмоқдалар. Қолбуки 35 йил бурунги боғқозор, чакалакзорларни ота-буваларимиз обод, гулзорга айлантиришганини тан олишмаяпти. Жанжалга қолхознинг раиси Хуррам Хушвақтов бошчилик қилмоқда. Бизни кўприкдан ишга ўтказишмаяпти. Бу муаммо биз комсомол-ёшларни жуда ташвишга солмоқда. Бизни тоққа кўчиришмоқчи. Мактабдаги ўқишларимиз ўлда-жўлда. Ҳар кўни жанжалга томошабинимиз. Ахир халқни ҳайдаш қайси қонунда бор?

Хурматли «Еш куч»! Не-не казо-казолар тинчлмаган ишни ўзинг тинчит. Арзимизни юқоридагиларга етказ, деб бир гуруҳ комсомол-ёшлар. Жаъми 28 имзо».

Ҳал бўлди

«Қашқадарё вилояти партия комитети Чироқчи ноҳиясидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги Районбод қишлоғи аҳолисининг «Еш куч»га ёзган шикоятларини кўриб чиқди.

Ҳақиқатан жамоа хўжалигининг икки бригадаси аъзолари ўртасида ер жанжали бўлгани рост. Бу масала Чироқчи ноҳияси партия комитети томонидан ҳамда арзчилар иштирок этган қолхозчиларнинг умумий йиғилишида синчиклаб ўрганилди ва Тўлақул участкасидан 79 гектар ер 2-бригада аъзоларига бўлиб берилди. Улар ҳозир ўша ерда меҳнат қилишмоқда.

Жанжалли ҳолат содир бўлишига шерик бўлган «Коммуна» қолхозининг раиси пенсияга чиқиши муносабати билан ўз вазифасидан озод қилинди. Шикоятчилар текшириш натижасидан қаноат ҳосил қилдилар.

Қашқадарё вилояти партия комитетининг котиби
Х. РАҲМОНОВ.

Қарз олиш ҳуқуқи...

«Касбим — педагог, — деб ёзади Самарқанд вилояти Пайариқ ноҳиясидаги 62-ўрта мактаб ўқитувчиси Тоҳир Эржигитов. — Оилада 12 кишимиз. Маошим 188 сўм. Отамники 60 сўм. Отам мени яқинда бошқа жойга ҳовли олиб чиқармоқчи. Мен буни ҳисобга олиб қишлоқ советидан 5 минг сўм ссуда сўрадим. Негаки ўз маошим билан ҳам оила тебратиб, ҳам уй солишига қурбим етмайди. Лекин менга ссуда беришмаяпти. Ахир давлатимиз 110 миллион сўм маблағни халқ учун ссудага ажратди-ку? Нега айрим бюрократлар аҳолининг ссуда олишига тўсқинлик қилади? 12 киши 3 хонали уйда яшаётган бўлсак. Қолаверса яқинда келин туширмоқчимиз. Хурматли «Еш куч»! Сен кўпларнинг ҳолатини чиқаргансан. Утиниб сўрайман, менга ҳам ёрдам бер. Ушбу мактубимни журналда босиб чиқар. Зора, менга ўйшаган бечораларнинг дардига дармон бўлиб, бюрократ кимсаларнинг юрагини юмшатса, халққа бир ёрдам берсалар, ажабмас, деган умидда педагог муҳлиснинг мактуби ўйлади».

Қондирилди

Самарқанд вилояти Пайариқ ноҳия Киров номили совхозининг Қўшилиш қишлоғида яшовчи Т. Эржигитовнинг «Еш куч»га юборилган шикоят хати Пайариқ ноҳия Совети ижроия комитети томонидан тегишли раҳбарлар иштирокида кўриб чиқилди.

Ҳақиқатан Эржигитов Т. 1988 йил 22 ноябрь куни Культусин қишлоқ совети ижроия комитетига 3 (уч) минг сўм узоқ муддатли ссуда сўраб ариза ёзган.

Талаб юқоридан берилган фондга асосан 1990 йил 12 июнь куни қаноатлантирилиб, Т. Эржигитовга 3 (уч) минг сўм ссуда ажратилди.

Пайариқ ноҳия Совети Ижроия комитетининг раиси — Х. ТўРАЕВ.

Лекин...

РЕДАКЦИЯДАН: «Еш куч» аралашуви билан ўқитувчи Т. Эржигитовга ссуда ажратилди. Лекин редакцияга жойларда давлат томонидан аҳолига уй-жой қуриш учун ажратилган ссудага етишолмай сарсон бўлган кўп кишиларнинг мактуби ҳамон оқиб келиб турибди. Уй-жой қуриш учун ссуда бериш давлатимизнинг 2000 йилгача аҳолини алоҳида уй билан таъминлашда эзгу мақсадини бажаришга қаратилган муҳим тадбирларидан биридир. Кўп жойларда юқоридан фонд ажратилгани ҳолда баъзи маҳаллий раҳбарларнинг таъмагирлиги туфайли ссуда олиш ҳам муаммога айланиб қолган.

Афсуски, халқ гамини ейиш учун ташкил этилган «ноҳия халқ назорати комитет»лари юқори маҳкамаларнинг иссиққина пинжига кириб олиб, ўзларининг бош мақсадларини унутиб қўйганлар. Яъни, амалда яна бир боқиманда ташкилотга айланиб қолганлар. Уйлаймизки, педагог Т. Эржигитовнинг шикояти баҳонасида берилган бу ёзишмамиз жойларда ссуда муаммосига боғлиқ сунъий тўсиқларни бартараф этишда ноҳия халқ назорати комитетларини, бошқа мутасадди ташкилотларни яна бир бор ҳушёр тортирадди.

Мактабимиз эски...

Биз шу кунгача мослаштирилган бинода ўқиямиз, «Еш куч»! — деб хабар беради Андижон вилояти Қўрғонтепа ноҳиясидаги 27-мактаб ўқувчилари С. Усмонов, Р. Иброҳимова, Н. Қодирова ва бошқалар.

Тўғри, бундан бир муддат аввал мактаб биноти қурилиши бошланган эди. Бинони шу йил фойдаланишга топшириш лозим эди. У ўлда-жўлда ётибди. Эшитишимизча мактабимиз учун ажратилган маблағ бошқа мақсадлар учун сарфланар эмиш. Бизнинг айбимиз нима? Қишлоқда туғилганлигимизми? Нега биз шаҳарликлардай қулай мактабларда ўқий олмаимиз?

Ноҳиямиз марказида катта монумент — ёдгорлик қурилмоқда. Наҳотки мактабдан ҳам монумент шу тобда зарурроқ бўлса? Мактабимизнинг биноти кўрсангиз, «ишқилиб йиқилиб болаларни босиб қолмасайди», деган хавотирга тушасиз. Эски корпусининг орқа девори йиқилиб тушган, мактабимиз раҳбарлари унга киришни таъқиқлаб қўйишган. Спорт залимизнинг поли илма-тешик бўлиб кетган. Синфхоналар қишда

зах, совуқ. Дарсни пальтода, ҳатто бош кийимларимизни ҳам ечмай ўтамиз. Биз ҳам шаҳарликлардай ўқишни истаймиз. Мактабимизда шоир, ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилишини орзу қиламиз. Лекин шоир зоти мактабимизга яқинлашишга қўрқса керак. Ахир уларнинг ҳам бола-чақаси бор. Илтимос, бизларга ёрдам бер, «Еш куч»! Биз ҳам янги мактабда ўқишни истаймиз?

Уни янгилаймиз

Қўрғонтепа ноҳияси Чимён қишлоғида яшовчи мактаб ўқувчиларининг «Еш куч»га йўллаган хатини олдик. Хат юзасидан Чимён қишлоғидаги янги мактаб биноти қурилишининг кечикиш сабаблари ўрганилди. Хатда ёзилган мактаб биноти учун ажратилган маблағлар бошқа мақсадлар учун фойдаланилмоқда, деган фикр тасдиқланмади. Бино қурилишининг кечикишига асосий сабаб ишчи кучининг етишмаслиги эканлиги аниқланди. Ҳозирги кунда мактаб қурилиши давом этмоқда, янги мактаб биноти 1990 йил ноябрь ойида фойдаланишга тоштиради. Бу ҳақда хат муаллифлари хабардор қилинди.

Қўрғонтепа ноҳия халқ таълими бўлимининг мудирини.

А. МАҚСУДОВ.

Оиламиз қашшоқ...

«Сизлардан илтимос, бизларга ҳам ёрдам беринг, азиз «Еш куч»даги яхшилар! Бизнинг 7 та фарзандимиз бор. Ҳаммаси мактаб боласи. Виттаси боғчада. Оилада фақат бир ўзим ишлайман. Ойлигим 95 сўм. Умр йўлдошим 9 йилдан буён касал, ишга яроқсиз — 2 группа ногирони. Пенсияси 70 сўм. Уй шароитимиз оғир. Бир уй, бир даҳлизда яшаймиз. Чала қурилган уйимизнинг бурчаклари ҳам ёрилиб кетган. Уйни тиклаш учун умуман қурбимиз йўқ. Бизга одамлар оз-оздан ёрдам бериб туришади. Шунинг орқасидан оиламиз бир кунини кўриб ётибди. Болаларим шу қийинчиликларга ўрганиб кетган. Ҳаммаси соғ, лекин ориқлаб кетишган болақишлар. Чунки уларнинг овқатланиши жуда ҳам паст. Гўшт, ширинликларга оғизлари деярли тегмайди. Лекин болаларим ёврон шўрвага ҳам кўникиб қолишган. Улар талантили, расм чизишни жуда ҳам яхши кўришади. Бизга ёрдам беринглар, азизлар», деб ёзибди Самарқанд вилояти Пайариқ ноҳияси Наримон қишлоғидаги Пайариқ 50 йиллиги кўчаси, 6-уйда яшовчи Мунаввар Эсирганова.

Ёрдам берилди

Мунаввар Эсирганованин «Еш куч»га юборган шикояти асосида шароитини уйига бориб ўрганиб чиқдик. Ҳақиқатан ҳам Мунаввар Эсирганова ноҳия социал таъминот бўлиминдан пенсия олмайди, турмуш ўртоғи касаллик бўйича II группа меҳнат ногирони, 70 сўм пенсия олмоқда. Болалари учун рай-собседан ҳар кварталда 24 сўм олиб турибди. Турмуш ўртоғига вилоят социал таъминот бўлими орқали ёрдам пули олиб беришга

ЙЎЛЛАЙДИЛАР

Хулоса

ҳужжатлари юборилди? Уйларини ремонт қилишда ноҳия коммунал хўжалиги орқали Наримон қишлоқ совети ёрдам беришга рози бўлди.

Пайариқ ноҳия социал таъминот бўлими мудири Р. НАИМОВ.

Қишлоқдан шикоят...

«Хурматли редакция!— деб ёзди Улуғ Ватан урушининг бир неча инвалидлари, пенсионерлар, ота-оналар, қишлоқ аҳли номидан Жўраев И., Алимов О., Умркулов Х., Худойбердиев Ж., Ирисовлар.— Қишлоқ аҳлидан ҳам хабар оладиган мард борми? Биз Фарғона вилояти Киров ноҳия Киров совхозидоги Товул ва Қатортол қишлоғида яшаймиз. Ҳозирги қайта қуриш замонида қишлоқларда ўғриликлар тоза авжга чиқди. Ҳар кун бир марта ўғрилик содир бўлмоқда. Бу ҳақда мурожаат қилмаган жойларимиз қолмади. Афсуски, на ноҳия раҳбарлари, на милиция ходимлари арзимизга қулоқ солишади. Участка милиционери йўқми сизларда, деб сўрасиз. Бор, лекин у маишатга берилган. Тўйларда бир кўринадию, секингина ғойиб бўлиб қолади. Ишлаётганига бир йил бўлибдию, лекин эшиги доим қулф туради. Агрофига ахлат уюми йиғилиб кетган. Участковой Содиқ акани чайқовчи, Тошкент, Самарқанд гарафларга кўп боради, деб айтишади. Биз бу камчиликларни район ва вилоят ички ишлар бошқармасига кўп марта айтдик. Аммо камчиликлар тугатилгани йўқ. Биз шу журналдан илтимос қилардик, қишлоқларга ёрдам берсин.»

Ғирт тухматдан иборатдир.

Ҳурматли «Еш куч»! Сизлар юборган Киров ноҳиясининг Товул ва Қатортол қишлоқлари аҳолиси томонидан ёзилган шикоят хати Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан текшириб чиқилди.

Текшириш натижасида шикоят хатида келтирилган фактлар тасдиқланмади. Шикоятда кўрсатилган шахслар ушбу аризадан мутлақо беҳабар эканликлари ва келтирилган фактлар тухмат эканлиги тўғрисида ёзма равишда кўрсатма беришди. Шикоят хати билан биргаликда текширишда тўпланган ҳужжатларни юбормоқдамиз ва шу иш юзасидан танқидий мақола чиқаришингизни сўраймиз. Чунки бундай тухматлар ҳозирги ошкоралик даврида жамиятимизга ёт эканлигини бошқалар ҳам билиб қўйса ёмон бўлмасди.

Камоли ахтиром билан

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари И. МИРСОАТОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз вилоят ички ишлар бошқармаси мазкур шикоят юзасидан тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқдик.

Ҳақиқатан ариза муаллифлари сифатида кўрсатилган Х. Умркулов, И. Жўраев, Ғ. Ирисов, Ж. Худойбердиевлар бундай шикоят хатидан мутлақо беҳабар эканликларини, кўрсатилган фактлар эса бўхтонлигини тасдиқлаб, ёзма равишда кўрсатма берганлар. Улар ўз кўрсатмаларида ҳақиқатан ҳам шу қишлоқларда бир неча ўғирликлар содир бўлганини, участка инспектори Уринов ташаббуси билан топишган жиноятчилар устидан тергов ишлари олиб борилаётганини баён этишган (Ариза муаллифларидан бири сифатида кўрсатилган О. Алиев исмли одам Товул ва Қатортол қишлоғида яшамаслигини қишлоқ совети котиби М. Шодмонов тасдиқлаган). Қишлоқ совети раҳбарлари ва бошқа кишилар участка инспекторининг хонаси мунтазам равишда очиқ бўлишини таъкидлашиб, бундай тухмат хатни биронта текинхўр ёзган бўлса керак, чунки Уринов уларга қарши аёвсиз кураш олиб бораётибди деб таъкидладилар.

1. Шикоят хатида кўрсатилган участка инспекторининг нотўғри хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги фактлар тасдиқланмади.

2. Ушбу шикоят хати юзасидан тўпланган ҳужжатлар ариза билан биргаликда «Еш куч» журнали редакциясига юборилсин ва журналнинг бош муҳаррири ўртоқ Х. Тўхтабоевдан шу иш юзасидан тегишли ахборот чиқариш сўралсин.

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция подполковниги Н. МАДИЕРОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан «Еш куч»га юборилган мазкур тухмат хатнинг ҳақиқий муаллифлари қидирилмоқда. Кейинчалик улар устидан албатта жиноий иш қўзғатилади. «Еш куч»га юмалоқ хат ёзганлар ва шу ниятда юрган кимсалар буни билиб қўйишса ёмон бўлмасди. Зеро, қинғир ишнинг қийинги қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлади.

Дафтар йўқ

«Мен — Дилфуза Сизлардан бир оғиз илтимос қилмоқчи эдим. Биз ўқувчи ларда биронта ҳам дафтар йўқ. Дафтарсиз дарсларда икки олиб юрибмиз. Шунинг учун «Еш куч», бизга бир машина дафтар олиб келинг. Лекин дафтарни бизнинг уйга олиб келманг, болалар магазинига туширинг — ҳаммага етсин.

Хатни ёзувчи 10 ёшли 3-синф ўқувчиси, Хоразм вилояти Дружба шаҳри, Ленинград кўчасида яшовчи

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА.

Дафтар берилди

Абдуллаева Дилфузанинг «Еш куч»га йўллаган шикоят хатига қуйидагиларни маълум қиламиз. Шаҳримизга 50 минг дона 2 тийинлик дафтар ажратилиб, уларнинг бари шаҳар мактабларига тарқатилган. Янги 1990—91 ўқув йили арафасида шаҳарга яна 50 минг дафтар келиши кутилмоқда. (Жавоб август ойининг бошларида олинган — ред. изоҳи.)

Дружба шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. БОҚИЕВА.

Бефарқлик қурбони

Уша машғул 17 апрель кунни Умида беш йил ўқиган Самарқанд Дорилфунунига бориш учун тайёргарлик кўраётган, диплом олиш учун санокли кунлар бор эди. Машаққатли ва завқли талаблик йиллари ҳам ортда қолди.

Мана Самарқандга борадиган автобус ҳам жўнапти. Умида севимли ёри ва меҳрибон ота-онаси билан хайрлашар экан, кўзлари беихтиёр турмуш ўртоғига тушиб жилмайди. Умиданинг ой-кунни яқин бўлганлиги учун Баротжон хавотирланди:

— Умидаҳон, мен ҳам бирга бора қолай, қийналиб қолмасмикинсиз?
— Йўқ, Баротжон ака, сизни ишдан қойишмасин, мен ўзим...

Умида автобусда катта умидлар оғушида хаёл суриб кетар, хаёлан, ўзи олиб қўйган кийимчаларини боласига кийдирад, уни жажжи қўлчаларидан етаклар эди. Бирдан у чўчиб тушди. Йўлда автобусга чиққан ўрта яшар кишининг тинмай жавраб кетаётганлигини Умида энди пайқади. Умиданинг тепасида турган ўрта ёшдаги ҳалиги киши овозини янада баландлатди.

— Ҳозирги ёшларга ҳайронсан, фаҳм-фаросати йўқ. Ўзбекчилик қолмади буларда. Уздан катталарни ҳурмат қилмайди.

Умида амакига ҳомиладор эканлигини қандай тушунтиришни билмас, қориндор киши эса жаврашдан тинмасди. Бўлмади. Умида таъналар

га дош беролмай ўрнидан туриб амакига жой берди. Амаки юз килолик жусасини жойга ташлади. Умидага раҳмат айтишни эса хаёлига келтирмади. Уриндиққа яхшилаб жойлашиб олгач, дўпписини пешонасигача тушириб, кўзларини оҳиста юмди.

Умида эса унсиз йўллар, унинг йўлисини ўздан бошқа ҳеч ким сезмасди. Йўл азоби, айниқса ҳомиладор аёлга гўр азоби экан. У ўзини ёмон ҳис эта бошлади. Автобуснинг тез-тез силкиниши уни толиқтирди. Саккиз ойлик ҳомиласи уни безовта қила

бошлади. Умида нажот излагандай атрофга жавдираб қаради. Кимдир китоб ўқияпти, кимдир ҳамроҳи билан сирлашар, кимдир организмга ғирт қони фойда — уйқуну урар эди. Умида зўрға олдинга қараб юрди. Йўловчилар автобусни тўхтатишиб, аёлни шифохонага элтиш ҳаракатига тушибди.

Афсуски, энди кеч эди. Умида кўпчилигимизда учрайдиган фаросатсизлик, лоқайдлик қурбони бўлди. Эҳтимол, ушбу сатрларни ўқиётганлар орасида ўша кунни автобусда ўтирган ёшлар бордир? Эҳтимол, бу сатрларни йўловчиларни йироқ манзилларга ташийдиган ҳайдовчи ҳам ўқиётгандир? У ўша кунни чўнтак қаппайтириш вазидан оддий бир қондани (олис манзилларда ўриндиқлар сонидан ортиқ йўловчи олиш мумкин эмас) бузмаганида Умида ҳозир гул-гул яшнаб орамизда юрармиди? Эҳтимол бу сатрларни ўзбекчилик ҳақида сафсата сотадиган (олис йўл ёшларни ҳам чарчатади) қориндор амаки ҳам ўқиётгандир?

Нима бўлганда ҳам энди суратдаги Умида тирилиб келмайди. Биз ушбу мақолани шу хилдаги фожиалар такрор бўлмаслиги учун эълон қилдик.

Орамизда ҳеч ким лоқайдлик касалига учрамасин! Умиданинг руҳи шундай деб қирқиллайди.

Н. ҚУДРАТОВА



АКАДЕМИЯСИ

Тенглама тузишда жадвалдан фойдаланиш

Докимиз К. Маркс математикани ўрганишда «Бир усулда 20 та масала ечгандан бир масалани 20 хил усулда ечган афзалроқ» — деганди. Биз бу олтин қондани биламизу, аммо унга ҳамisha ҳам рия қилавермаймиз. Буни абитуриентларнинг олийгоҳга кириш имтиҳонларида улар ечган мисол ва масалалар орқали текширишимиз мумкин.

Кўпчилик абитуриентлар квадрат тенглама тузишда қийналишади. Сабаби ўқитувчилар фақат дарсликда баён қилинган бир усулни ўргатишади холос. Қуйида олий ўқув юртинининг кириш имтиҳонларига тушган квадрат тенглама тузишга доир масалаларни ечишда жадвалдан фойдаланиб бир неча усулда каср-рационал тенглама тузиш қулай эканлигини кўрсатамиз.

1-масала. Бино қурилишида маълум муддатда 4500 м³ тупроқ қазиб чиқариш керак эди. Қурувчилар кунлик нормани 45 м³ ортиқ бажариб, муддатига 4 кун қолганда топшириқни 96 фоиз бажаришди.

Ишнинг муддатини аниқланг. Мен бу масала учун тузилган қуйидаги 12 та каср-рационал тенгламани тўғри ёки нотўғри тузилганлигини текширишни ўқувчиларга ҳавола қилдим.

- $\frac{4500}{X} - \frac{4320}{X+45} = 4$
- $(\frac{4320}{X+45} + 4) \cdot X = 4500$
- $(\frac{4500}{X} - 4) \cdot (X+45) = 4320$
- $\frac{4320}{X-4} - \frac{4500}{X} = 45$
- $(\frac{4320}{X-4} - 45) \cdot X = 4500$
- $(\frac{4500}{X} + 45) \cdot (X-4) = 4320$
- $\frac{4500}{X-45} - \frac{4320}{X} = 4$
- $(\frac{4320}{X} + 4) \cdot (X-45) = 4500$
- $(\frac{4500}{X-45} - 4) \cdot X = 4320$
- $\frac{4320}{X} - \frac{4500}{X+4} = 45$
- $(\frac{4320}{X} - 45) \cdot (X+4) = 4500$
- $(\frac{4500}{X+4} + 45) \cdot X = 4320$

Ўқувчилар тенгламани ечишга шошилишди. Мен уларга тенгламанинг чап томони нимани билдиришини ёзма равишда изоҳлашни айтдим. Шунда улар жадвал тузишнинг қулайлигини сезишди. Қуйида улар тузган жадвалларни ва изоҳини келтирамиз:

	Иш миқ-дори (м ³)	Кунлик норма (м ³)	Муддати (кун)
План бўйича	4500	X	$\frac{4500}{X}$
Амалда	4500 · 0,96	X + 45	$\frac{4320}{X+45}$

Тенгликнинг ўнг томони учун 4 кунни олдик, чап томони учун план бўйича муддати амалдаги муддатидан 4 кун ортиқлигини оламиз.

	Иш миқ-дори (м ³)	Кунлик норма (м ³)	Муддати (кун)
План бўйича	4500	X	$\frac{4500}{X}$
Амалда	4320	X + 45	$\frac{4320}{X+45}$

7, 8, 9 — тенгламаларнинг изоҳи 1, 2, 3 — жадвалларнинг изоҳи каби. Улардаги «X» ўрнига «X - 45» ва «X + 45» ўрнига «X» қўйилса бас.

10, 11, 12 — тенгламаларнинг изоҳи 4, 5, 6 — жадвалларнинг изоҳи каби. Улардаги «X» ўрнига «X + 4» ва «X - 4» ўрнига «X» қўйилса бас.

	Иш миқ-дори (м ³)	Кунлик норма (м ³)	Муддати (кун)
План бўйича	4500	X	$\frac{4320}{X+45} + 4$
Амалда	4320	X + 45	$\frac{4320}{X+45}$

Тенгликнинг ўнг томони учун план бўйича иш миқдори 4500 м³ тупроқни олдик, чап томони учун план бўйича муддати ва кунлик норманинг кўпайтмасини оламиз.

	Иш миқ-дори (м ³)	Кунлик норма (м ³)	Муддати (кун)
План бўйича	4500	X	$\frac{4500}{X}$
Амалда	4320	X + 45	$\frac{4500}{X} - 4$

Тенгликнинг ўнг томони учун амалдаги иш миқдори 4320 м³ тупроқни олдик, чап томони учун амалдаги муддати ва кунлик норманинг кўпайтмасини оламиз.

	Иш миқ-дори (м ³)	Кунлик норма (м ³)	Муддати (кун)
План бўйича	4500	$\frac{4320}{X}$	X
Амалда	4320	$\frac{4320}{X-4}$	X - 4

Тенгликнинг ўнг томони учун 45 м³ тупроқни олдик, чап томони учун амалдаги кунлик норма план бўйича кунлик нормадан 45 м³ ортиқлигини оламиз.

	Иш миқ-дори (м ³)	Кунлик норма (м ³)	Муддати (кун)
План бўйича	4500	$\frac{4320}{X-4} - 45$	X
Амалда	4320	$\frac{4320}{X-4}$	X - 4

Тенгликнинг ўнг томони учун план бўйича иш миқдори 4500 м³ тупроқни олдик, чап томони учун план бўйича кунлик норма ва муддатининг кўпайтмасини оламиз.

	Иш миқ-дори (м ³)	Кунлик норма (м ³)	Муддати (кун)
План бўйича	4500	$\frac{4500}{X}$	X
Амалда	4320	$\frac{4500}{X} + 45$	X - 4

7, 8, 9 — тенгламаларнинг изоҳи 1, 2, 3 — жадвалларнинг изоҳи каби. Улардаги «X» ўрнига «X - 45» ва «X + 45» ўрнига «X» қўйилса бас.

10, 11, 12 — тенгламаларнинг изоҳи 4, 5, 6 — жадвалларнинг изоҳи каби. Улардаги «X» ўрнига «X + 4» ва «X - 4» ўрнига «X» қўйилса бас.

Айрим ўқувчилар барча тенгламаларнинг ечимлари масаланинг жавоби бўлади, деб хато ўйлайдилар. Биздаги 4, 5, 6 — тенгламаларнинг ечимлари масаланинг жавоби бўла олади, аммо қолган тенгламаларнинг мусбат ечимларини план бўйича муддати катагидаги рационал ифодадаги «X»нинг ўрнига қўйгандагина масаланинг жавоби келиб чиқади. Жавоб: 20 кун.

2-масала. Поезд жадвал бўйича 85 км йўлни босиб ўтиши керак эди. У 35 км йўлни босиб ўтгач, светофор олдида 12 минут ушланиб қолди. Сўнгра тезлигини 10 км/соат ошириб белгиланган жойга 2 минут кечикиб келди.

Поезднинг дастлабки тезлигини топинг. Масалани 85 - 35 = 50 (км) (тўхтагандан кейинги) йўлда кўрамиз.

Қуйида каср-рационал тенгламаларни жадваллардан фойдаланиб тузишни келтирамиз (50 км ни 10 мин = $\frac{1}{6}$ соат кам вақтда ўтади).

	Йўли (км)	Вақти (соати)	Тезлиги (км/соат)
Жадвал бўйича поезд ҳаракати	50	$X + \frac{1}{6}$	$\frac{50}{X + \frac{1}{6}}$
Тўхтагандан кейинги поезд ҳаракати	50	X	$\frac{50}{X}$

Тенгликнинг чап томони учун 10 км/соат тезликини олсак, чап томони учун тўхтагандан кейинги поезд тезлиги жадвал бўйича поезд тезлигидан 10 км/соат ортиқлигини оламиз, яъни $\frac{50}{X} - \frac{50}{X + \frac{1}{6}} = 10$

	Йўли (км)	Вақти (соати)	Тезлиги (км/соат)
Жадвал бўйича поезд ҳаракати	50	$X + \frac{1}{6}$	$\frac{50}{X + \frac{1}{6}}$
Тўхтагандан кейинги поезд ҳаракати	50	X	$\frac{50}{X}$

Тенгликнинг чап томони учун 10 км/соат тезликини олсак, чап томони учун тўхтагандан кейинги поезд тезлиги жадвал бўйича поезд тезлигидан 10 км/соат ортиқлигини оламиз, яъни $\frac{50}{X} - \frac{50}{X + \frac{1}{6}} = 10$

2. $(\frac{50}{X} - 10) \cdot (X + \frac{1}{6}) = 50$

	Йўли (км)	Вақти (соати)	Тезлиги (км/соат)
Жадвал бўйича поезд ҳаракати	50	$X + \frac{1}{6}$	$\frac{50}{X + \frac{1}{6}}$
Тўхтагандан кейинги поезд ҳаракати	50	X	$\frac{50}{X}$

Тенгликнинг чап томони учун поезднинг жадвал бўйича йўли 50 км ни олсак, чап томони учун поезднинг жадвал бўйича тезлигини вақтига кўпайтмасини оламиз, яъни

	Йўли (км)	Вақти (соати)	Тезлиги (км/соат)
Жадвал бўйича поезд ҳаракати	50	$X + \frac{1}{6}$	$\frac{50}{X + \frac{1}{6}}$
Тўхтагандан кейинги поезд ҳаракати	50	X	$\frac{50}{X}$

Тенгликнинг чап томони учун поезднинг жадвал бўйича йўли 50 км ни олсак, чап томони учун поезднинг жадвал бўйича тезлигини вақтига кўпайтмасини оламиз, яъни

$$(\frac{50}{X} - 10) \cdot (X + \frac{1}{6}) = 50$$

	Йўли (км)	Вақти (соати)	Тезлиги (км/соат)
Жадвал бўйича поезд ҳаракати	50	$X + \frac{1}{6}$	$\frac{50}{X + \frac{1}{6}}$
Тўхтагандан кейинги поезд ҳаракати	50	X	$\frac{50}{X} + 10$

Тенгликнинг чап томони учун поезднинг тўхтагандан кейинги йўли 50 км ни олсак, чап томони учун поезднинг тўхтагандан кейинги тезлигини вақтига кўпайтмасини оламиз, яъни

$$(\frac{50}{X + \frac{1}{6}} + 10) \cdot X = 50$$

Тенгликнинг чап томони учун поезднинг тўхтагандан кейинги йўли 50 км ни олсак, чап томони учун поезднинг тўхтагандан кейинги тезлигини вақтига кўпайтмасини оламиз, яъни

$$(\frac{50}{X + \frac{1}{6}} + 10) \cdot X = 50$$



4.

	Иўли (км)	Вақти (соат)	Тезлиги (км/соат)
Жадвал бўйича поезд ҳаракати	50	$\frac{50}{X}$	X
Тўхтагандан кейинги поезд ҳаракати	50	$\frac{50}{X+10}$	X+10

Тенгликнинг ўнг томони учун $\frac{1}{6}$ соатни олсак, чап томони учун поезднинг жадвал бўйича вақти тўхтагандан кейинги вақтидан $\frac{1}{6}$ соат ортиқлигини оламиз, яъни

$$\frac{50}{X} - \frac{50}{X+10} = \frac{1}{6}$$

5.

	Иўли (км)	Вақти (соат)	Тезлиги (км/соат)
Жадвал бўйича поезд ҳаракати	50	$\frac{50}{X+10} + \frac{1}{6}$	X
Тўхтагандан кейинги поезд ҳаракати	50	$\frac{50}{X+10}$	X+10

Тенгликнинг ўнг томони учун поезднинг жадвал бўйича йўли 50 км ни олсак, чап томони учун поезднинг жадвал бўйича вақтини тезлигига кўпайтмасини оламиз, яъни

$$\left(\frac{50}{X+10} + \frac{1}{6}\right) \cdot X = 50$$

6.

	Иўли (км)	Вақти (соат)	Тезлиги (км/соат)
Жадвал бўйича поезд ҳаракати	50	$\frac{50}{X}$	X



Буюк химик олимлардан бири, химиявий тузилиш назариясининг асосчиси А. Бутлеров ёшлигидан химия фанига чанқоқ бўлди. У Қозон пансионда ўқиб юрган чоғларидаёқ, мушакбозлик қилиш учун порох тайёрлашга қизиқиб юрарди. Бу ишлари учун ҳар доим раҳбаридан танбеҳ оларди. Бир куни, уни қаттиқ портлашдан кейин соч ва қошлари куйган, юз-кўзлари тутундан қорайиб кетган ҳолда турли хил шиша идишлар орасидан топиб олишди. Унинг бу ишидан ғазабга келган пансион раҳбарлари тушлик вақтида бўйнига «Буюк химик» деган ёрлиқни осилиб, ҳамманинг олдида мулзам қилишди. Аммо, бу «унвон» унинг учун ҳақиқий эканлигини ва қанчалик обрў келтиришини ўша вақтда ким ўйлабди, дейсиз! Балки, худди шу воқеа уни ҳақиқий буюк кимёгар олим бўлиб етишишига туртки бўлгандир.

Машҳур немис химик олими Либих ҳали кашф этилмаган бром элементига бир неча бор дуч келган бўлса-да, уни гўёки, хлор ва йод элементларининг бирикмаси деб ҳисоблаб, яқиндан ўрганмаган эди. Кейинчалик француз химиги Антуан Балар бу элементни кашф қилганида Либих ҳазил-мўтойиба билан:

Тўхтагандан кейинги поезд ҳаракати

$$50 \cdot \frac{1}{X} = X + 10$$

Тенгликнинг ўнг томони учун поезднинг тўхтагандан кейинги 50 км йўлини олсак, чап томони учун поезднинг тўхтагандан кейинги вақтини тезлигига кўпайтмасини оламиз, яъни

$$\left(\frac{50}{X} - \frac{1}{6}\right) \cdot (X+10) = 50$$

ўрнига «X» ва «X» ўрнига «X - $\frac{1}{6}$ »

1, 2, 3 — усуллардаги жадвалда «X + $\frac{1}{6}$ »

ни қўйилса,

$$7. \frac{50}{X - \frac{1}{6}} - \frac{50}{X} = 10$$

$$8. \left(\frac{50}{X - \frac{1}{6}} - 10\right) \cdot X = 50$$

$$9. \left(\frac{50}{X} + 10\right) \cdot X - \frac{1}{6} = 50 \text{ ҳосил бўлади.}$$

ди.

4, 5, 6 — усулдаги жадвалда «X + 10» ўрнига «X» ва «X» ўрнига «X - 10» қўйилса,

$$10. \frac{50}{X-10} - \frac{50}{X} = \frac{1}{6}$$

$$11. \left(\frac{50}{X-10} + \frac{1}{6}\right) \cdot (X-10) = 50$$

$$12. \left(\frac{50}{X-10} - \frac{1}{6}\right) \cdot X = 50 \text{ ҳосил бўлади.}$$

Жавоб: 50 км/соат.

3-м а с а л а. Уста ва унинг шогирди ишни маълум муддатда бажаришлари керак эди. Бироқ, ишнинг ярми бажарилганда шогирди касал бўлиб қолди, уста бир ўзи ишни муддатидан 2 кун кейин тугатди. Агар шу ишни ёлғиз ўзи ишлаганда уста шогирддан 5 кун олдин бажарса, уларнинг ҳар бири ишни неча кунда бажарар эди.

Ечиш. 1-усул

	Бутун ишни бажариш муддати (кун)	Бир кунда бажариш микдори (кун)	Ярим ишни бажариш муддати (кун)
Уста	X	$\frac{1}{X}$	$\frac{1}{2} - X$

	Шогирд	X+5	$\frac{1}{X+5}$
Биргаликда	$\frac{1}{X} + \frac{1}{X+5}$	$\frac{1}{X+5}$	$\frac{1}{X+5}$

Шогирд касал бўлиб қолганда муддатига шунча кун қолганлигини эътиборга олсак, устанинг ўзи ярим ишни бажариш муддати биргаликда ярим ишни бажариш муддатидан 2 кун ортиқ бўлади, яъни

$$\frac{1}{2}X - \frac{1}{2} \left(\frac{1}{\frac{1}{X} + \frac{1}{X+5}}\right) = 2.$$

2-усул.

	Ярим ишни бажариш муддати (кун)	Ярим кун бажариш микдори	Бутун ишни бажариш муддати
Уста	X+2	$\frac{1}{X+2}$	2 · (X+2)

	Шогирд	$\frac{1}{X} - \frac{1}{X+2}$	$2 \cdot \frac{1}{X} - \frac{1}{X+2}$
Биргаликда	X	$\frac{1}{X}$	$\frac{1}{X}$

Шогирднинг ёлғиз ўзи ишлаганда бутун ишни устанинг ёлғиз ўзи ишлаганига қараганда 5 кун ортиқ муддат керак бўлади, яъни

$$2 \cdot \left(\frac{1}{\frac{1}{X} - \frac{1}{X+2}}\right) - 2 \cdot (X+2) = 5$$

Биз Фарғона вилоятининг Киров ноҳиясидаги Х. Олимжон номли 44-ўрта мактаб математика тўғрисида 7-синф «Алгебра» дарслигининг «Квадрат тенгламалар» бобидаги кўпчилик масалаларни ечишда жадвал тузишни кўрсатдик холос. Бу билан биз абитуриентларга масалаларни камида икки усулда ечишни ўрганишларини, кириш имтиҳонидаги тушган масалаларни тўғри ечганликларига аввало ўзлари ишониб, сўнгра бизни ишонтиролсалар, уларнинг олий ўқув юртига киришдек улкан мақсадлари амалга ошишига ишонамиз.

М. АРСЛОНОВ,
Фарғона вилояти
Киров ноҳияси халқ таълими
бўлимининг методисти.


БУЮК ОЛИМЛАР ҲАЁТИДАН

дан сўнг, у, тухумни қўлида қолдириб, соатини қайнатаётганини сезиб қолди.

Франциялик физик олим Ампер ўз уйдан чиқиб кета туриб: «Жаноблар! Ампер, ҳозир уйда йўқ, кечқурун келинг», деб ёзиб қўярди. Бир куни у нима бўлди-ю, уйга тезда қайтиб келишига тўғри келди ва эшикдаги ёзувни ўқиб, орқасига қайтди ва кечгача кўчада айланиб юрди.

Болгариялик профессор Александр Балабанов сайр қилиб юрганда тўсатдан шамол унинг шляпасини учуриб кетди. Аммо у шунчалик хаёлга берилган эканки, буну у сезмади. Кейин у олдида юмалаб кетаётган шляпани кўриб қолди-да, чопиб бориб уни тутиб олди ва шу атрофдаги маҳаллий газета редакциясига кириб, қуйидаги эълонни топширди: «Профессор Балабанов истироҳат боғидан шляпа топиб олди, унинг эгаси ўз шляпасини редакциядан олиб кетиши мумкин».

О. ХОЛБЕКОВ,
химия фанлари номзоди.



ЗОТИ ШАРИФ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАБ

Шатранж — олижаноб жанг

Алишер Навоий

Уз замонасида илм-маърифат ва бошқа санъат турлари каби шатранж — шахмат ривожига ҳам хомийлик қилган улуг бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллик тўйига бағишлаб катта шахмат конкурси ўтказишни ойнамамиз муҳарририяти билан бир қаторда Ўзбекистон физкультура ва спорт Давлат комитети ва шахмат федерацияси ўзларининг шарафли бурчлари деб билдилар.

Бу конкурсни ўтказишдан мақсад муштарийларни буюк Навоий ижодидан ўрин олган шатранжга бағишланган назрий парчалар ҳамда шеърини наъмуналар билан таништириш, жумҳуриятимизда бу спорт турини янада кенгроқ ривожлантириш, ҳаваскорлар маҳоратини оширишдан иборатдир.

ралья-сентябрь) давом этиб, йил охирларида якунланади. Ойноманинг ҳар сонисида 4 тадан жами 32 та топшириқ эълон қилинади.

3. Конкурс иштирокчилари учун Бутуниттифоқ спорт разряди талаблари белгиланади. Барча топшириқларга тўла-тўқис жавоб йўллаганларга биринчи, масала ва этюдларнинг 75 фоизини тўғри ечганларга иккинчи, камида 50 фоизини ҳал қилганларга учинчи Бутуниттифоқ спорт разряди берилади.

4. Конкурснинг биринчи 3 ғолиби Ўзбекистон спорт комитетининг қимматбаҳо совринлари (1-ўринга 100 сўм, 2-га 75 сўм, 3-га 50 сўмлик) ва фахрий ёрлиқлари билан мукофотланади. 4-32-ўринларга муяссар бўлганлар «Еш куч»нинг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирланадилар.

5. Конкурс жюрисига Ўзбекистон шахмат федерациясининг вице-президенти, халқаро ҳакам, СССР спорт мастери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, тарих фанлари номзоди Мамажон Мухитдинов бошчилик қилади.

Жавобларни «Еш куч» ойнамасининг муҳарририятига йўллаганда почта оғриткаси устига «Шахмат конкурси»га деб ёзиб қўйинг ва ёнига журнал номерини ёзишни унутманг. Исм фамилянги, ёшингиз, иш ёки ўқиш жойингиз, турар жойингиз, шахматдан разрядингиз бўлса, уни ҳам кўрсатиб қўйинг. Ҳар сондаги 4та топшириқ жавоби бир ойдан кечикмай юборилиши шарт, бунда почта муҳри ҳисобга олинади. Бу муҳлат етарли бўлса керак, бинобарин имкониятдан тўла фойдаланишга ҳаракат қилинг. Ўзгаларнинг кўмагисиз мустақил жавоб изланг. Ахир мақсад ҳам ўз кучингизни синаб кўриш-ку!

Сиз қадрли шахмат шайдоларига муваффақият тилаймиз.

Конкурс шартлари


1. Конкурсада барча хоҳловчилар иштирок эта оладилар. Қуйи физкультура коллективлари, мактаблар, ҳунар-техника билим юрталари, пионер саройлари ва уйлари, ўсмирлар ва болалар спорт мактабларининг шахмат тўғараклари аъзолари ҳамда тарбияланувчилари бамаслаҳат йўллаган жавоблар алоҳида инобатга олинади.

2. Конкурс топшириқлари 8 та икки юришли, 8 та 3 юришли, 4 та кўп юришли масалалар, 8 та этюд ва 4та комбинациядан иборат бўлиб, ҳар бирининг тўғри жавоби учун (осон-қийинлигига қараб) маълум очколар сони белгиланган. Конкурс 8 ой (фев-

Дастлабки топшириқлар

(1, 2, 3, 4 диаграммалар)

Юқоридаги 4 диаграммада оқлар бошлаб, 2 юришда мот қилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 тадан очко берилади.



Илтимой-сиёсий, адабий-бадиий, безакли журнал
ЎЗБЕКИСТОН ЭКЕИ МАРКАЗИЙ КЎМИТАСИ
ВА ЖУМҲУРИЯТ ХАЛҚ ТАВЛИМИ
РАЗИРЛИГИНИНГ ОРГАНИ.
1990 йил июль ойида қача бошлади

№ 2(56) февраль, 1991.

Ўзбекистон ЛКМ Марказий Кўмитаси
«Камалак» нашриёти матбаа бирлашмаси

Бош муҳаррир:
Худойберди ТҲТАБОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шоҳруҳ АКБАРОВ
[масъул котиб]
Хуршид ДҲСТМУҲАММАД
[бош муҳаррир ўринбосари]
Бахтиёр КАРИМОВ
Ҳасан НОРМУРОВОД
Эркин МАЛИКОВ
Тоҳир МАЛИК
Латиф МАҲМУДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Акмал САИДОВ
Исроил ТҲТАБОВ
Урол ХОЛМОНОВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Музроб ҚУРБОНОВ
Турсунали ҚУРБОНОВ
Садриддин ҒУЛОМИДДИНОВ

Бадий муҳаррир:
Султон СУЛАЙМОНОВ
Саҳифаловчи:
Улуғбек ЯКВАЛХҲЖАЕВ
Мусаҳҳиҳ:
Мақсуда ҲАКИМОВА

«Еш куч» — ежемесячный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
и Министерства Народного образования республики

Адресимиз: 700113, Тошкент—ЧГСП,
Қатортол кўчаси, 60.
Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари 78-93-24
Маъсул котиб 78-94-73

Бўлимлар:
Мактаб, фан-техника ва спорт 78-57-84
Жамият ва ҳуқуқ 78-75-94
Илтимой-сиёсий, адабиёт ва санъат 78-48-85
Хатлар 78-85-64
Шеърят 78-85-64

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар кўлёмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди. Журналдан кўчириб босилганда «Еш куч»дан олинди деб изоҳланиши шарт.

«Еш куч» февраль, 1991.

© «Камалак» нашриёти матбаа бирлашмаси

Босмаҳонага туширилди 11.12.90 й. Босишга рухсат этилди 10.01.91 й. Офсет усулида чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108 /а. Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 10,6. Тиражи 571858 нусха. Буюртма 4575. Баҳоси: Обуначига — 55 тийин. Сотувга — 80 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени
босмаҳонаси.

Тошкент 700000, «Правда» газетаси кўчаси, 41